TAFAKKUR MANZILI
2023 MART

RESPUBLIKA ILMIY-USLUBIY JURNALI

TAFAKKUR MANZILI

R.A.P

2023

OPEN ACCESS

doi

DOAJ

ISSN

+998 97 277 78 01

WWW.REANDPUB.UZ

INFO@REANDPUB.UZ

- PHILOLOGICAL SCIENCES
- PEDAGOGICAL SCIENCES
- SOCIAL SCIENCES AND HUMANITES
- EXACT SCIENCES
- NATURAL SCIENCES
- ECONOMICS
- ART AND CULTURE
- MEDICAL SCIENCES

TAFAKKUR MANZILI

ILMIY-USLUBIY JURNALI

BARCHA SOHALAR BO'YICHA

3-SON, 1-JILD MART 2023 1-QISM

TAFAKKUR MANZILI
2023 MART

EDITOR IN CHIEF
ABDURAHMONOV ABDUSHOKIR ABDUKARIMOVICH
PREPARING FOR PUBLISHING
HAKIMOVA AZIZA XAYDARALIYEVNA

BOSH MUHARRIR
ABDURAHMONOV ABDUSHOKIR ABDUKARIMOVICH
NASHRGA TAYYORLOVCHI
HAKIMOVA AZIZA XAYDARALIYEVNA

TAFAKKUR MANZILI
ILMIY-USLUBIY JURNALI

TAHRIR KENGASH A'ZOLARI

Azimov Jumanazar Turg'unovich
O'zbekiston Respublikasi Qurolli kuchlari Akademiyasi dosenti. Fizika-matematika fanlari falsafa doktori. PhD.

Dr. Israilov Mamarakhim
Doctor of Philosophy (Ph.d) Technics., Associate professor of the Department of "Natural Sciences" of the Academy of Armed Forces of the Republic of Uzbekistan

Maksudova Firuza Xurshidovna
Toshkent farmatsevtika institutining «Dori vositalarining sanoat texnologiyasi» kafedrasi mudiri

Kojikbaeva Ziyada Adilbaevna
Qoraqalpoq davlat universiteti Jurnalistika kafedrasi dotsenti

Allaberganova Gulchehra Masharipovna
Navoiy davlat konchilik va texnologiyalar universitetining "Umumiy fizika" kafedrasi dotsenti

Shamshiyeva Hulkar
Toshkent shahri Olmazor tumani Abdulla Qodiriy nomidagi ijod maktabi matematika o'qituvchisi

Soliyev Hayitboy Mirzadavlatovich
Namangan muxandislik-qurilish instituti Transport fakulteti Transport logistikasi kafedrasi, texnika fanlari bo'yicha falsafa doktori PhD, dotsenti

Ustaboyev Abdullo Raximjonovich
Namangan muxandislik-qurilish instituti Transport fakulteti Transport logistikasi kafedrasi, texnika fanlari bo'yicha falsafa doktori PhD, katta o'qituvchi

Matyakubova Yulduzxon Amanbayevna
Urganch davlat Universiteti Tabiiy fanlar fakulteti Biologiya kafedrasi, qishloq ho'jaligi fanlari nomzodi, dotsent

Mirzabdullaeva Gulnora Muxammadjon qizi
Namangan muhandislik-qurilish instituti menejment kafedrasi assistenti

Berdikulov Sirojjon Nasipkulovich
Academy of the Ministry of internal affairs of the Republic of Uzbekistan Social-Humanitarian professor of the Department of Sciences, Doctor of philosophy, professor

Shukhrat Batirovich Djabbarov
Ph.D. (Tech.), Department of "Wagons and wagon facilities", Tashkent State Transport University

Shokirova Havasxon Nurmamatovna
Farg'ona xalq ta'limi boshqarmasi Ta'lim markazi direktori

Baratova Maxbuba Mubinjanovna
O'zbekiston davlat jahon tillari universiteti dotsenti, falsafa fanlari nomzodi, dotsent

Dauletmuratova Zamira Usnatdinovna
Qoraqalpoq davlat universitetining Qoraqalpoq tilshunosligi kafedrasining assistent-o'qito'vchisi

Shokirova Havasxon Nurmamatovna
Farg'ona xalq ta'limi boshqarmasi Ta'lim markazi direktori

Xakimniyazov Jolmurza Xojabekovich
Qoraqalpoq Davlat Universiteti Tarix fakulteti Tarix fanlari nomzodi docent

Qodirov Ziyoidin Mamadalievich
Andijon davlat universiteti o'zbek tilshunosligi kafedrasi katta o'qituvchisi

Alimjon Tojiev Mo'ydinovich
Andijon davlat universiteti o'zbek tilshunosligi kafedrasi dotsenti

Tojiboeva Gulxumor Raxmonjonovna
Andijon davlat universiteti umumiy psixologiya kafedrasi katta o'qituvchi

Yunusova Gulshod Nazixovna
Namangan davlat universitetining «Amaliy matematika va axborotlartexnologiyalari» kafedrasi katta o'qituvchisi

Ergashev Bobirjon Boxodirovich
Pedagogik innovatsiyalar, kasb-hunar talimi boshqaruv hamda pedagog kadrlarini qayta tayyorlash va ularning malakasini oshirish instituti Malaka oshirish va qayta tayyorlash fakulteti dekani

Abdugapparov Farkhod Sultonakhmadovich
PhD, Senior Lecturer, Department of Chemistry, Andijan State University, Republic of Uzbekistan.

Nabieva Saidaxon Abduvaxabovna
Toshkent davlat texnika universiteti Sanoat iqtisodieti va menejmenti kafedrasi dotsenti (PhD)

ZAKIROVA RUXSONA YUNUSOVNA
Toshkent farmatsevtika institutining Dori vositalarining sanoat texnologiyasi kafedrasi v/b dotsenti

Raxmatullaeva Gulnora Kutbitdinovna
TTa nevrologiya va tibbiy psixologiya kafedrasi dotsenti

Achilova Sanobar Sabirovna
Urganch davlat universiteti kimyoviy texnologiyalar fakulьteti Ozik ovkat kafedrasi dotsenti

Turakulov Ibroxim Ravshanovich
O'zbekiston-Finlandiya pedagogika instituti Aniq-tabiiy va jismoniy madaniyat fakulteti Sport turlarini o'qitish metodikasi kafedrasi v.v.b.dotsenti

Usmonalieva Risolat Umaralievna
Surxondaryo viloyati pedagoglarni yangi metodikalarga o'rgatish milliy markazi" Ijtimoiy- iqtisodiy fanlar metodikasi" kafedrasi katta o'qituvchisi

Sobirov Abdulxay Shukirovich
Alisher Navoiy nomidagi Toshkent davlat universiteti ma'naviyat va ma'rifat bo'yicha prorektori

Jo'rayev Hamza Hamraqulovich
Uzbekiston-Finlyandiya pedagogika instituti, San'atshunoslik fakulteti, Tasviriy san'at va muxandislik grafikasi kafedrasi dotsenti

Erkaboy Yu. Derdibaev
Toshkent davlat agrar universiteti, Dexkonchilik va melioratsiya kafedrasi professori

Saidova Markhabo Xabibullo kizi
DOCTOR OF PHILOSOPHY (PH.D) in ECONOMICAL SCIENCES

ZULFIYAXONIM IJODIDA KOMILLIK

Toshkent tibbiyot akademiyasi 2-davolash fakulteti 2-bosqich talabasi Abdusattorova Muyassarxon Xayrullo qizi bekboymuyassar@gmail.com

Zulfiyaxonim Isroilova. Ushbu ismni eshitar ekanmiz bahor, muhabbat, hijron kuychisi eng muhimi haqiqiy o‘zbek ayoli ko‘z o‘ngimizda gavdalanadi. Ijodi zamon va makon tanlamagan, yosh-u qariga birdek manzur bo’lgan sevimli shoiramizni - oddiygina inson qalbini yorqin ranglar, haqiqiy timsollar bilan tasvirlay olgan mehnatkash rassom desak mubolag’a bo‘lmaydi. “Salqin saharlarda, bodom gulida, binafsha labida, yerlarda bahor” deya ko’ngillarimizga bahor bilan hamnafas, takror va takror kirib keluvchi, jamiki go’zallikni tabiatdan oluvchi va uni xuddi shunday go’zal holida qog’ozga tushiruvchi betakror ijod namoyondalaridan edi. O‘zbek xalqining taniqli va ardoqli vakilasi, jurnalist va tarjimon Sharq ayolining jamiyatdagi o‘rni uchun kurashgan atoqli jamoat arbobi Zulfiyaxonim Isroilova 1915-yil bahorning ilk kunida Toshkent shahrida temirchi oilasida tavallud topgan. Shoira o’zi ona bo‘lganidan so‘ng onasining kechinmalarini:

Jon tug’uvchi ilohiy qudrat -
Bo‘lganingiz onlarga ta’zim!
Azob uchun umrimday uzr…
Barin takror etdim men o’zim,
Ona bo‘lmoq – azobli huzur…

deya ifodalaydi. Yosh ijodkor dastlab boshlang’ich maktabda, so‘ng xotin-qizlar bilim yurtida tahsil olgan. Shoira she’rlarining el aro mashhur bo’lishi shunchaki tasodif emas. U bolaligidan olamga hayrat bilan boquvchi, boshqalar ko’ra olmagan jihatlarni tezda payqaguvchi ilg‘or qizaloqligi bilan ajralib turardi. Bundan tashqari, oilasidagi muhit ham qiziquvchan Zulfiyada badiiy ijodga ishtiyoqni alanglatardi. Shoira bolaligini shunday eslaydi: “Otamni... Isroil degrez der edilar. Otam zahmatkash temirchi edi. Otamning hamma vaqt olovga yo’ldosh kasbidan faqat zavq ko’rar edim. Otamday qudratli odam yo’q edi men uchun. Temirlar otam qo’lida chaqmoqlar taratishiga boqib, hayratda qolar edim. Uning qo‘llari cho‘g‘ga aylangan temirparchasini istalgan shaklga solib, inson uchun kerakli narsaga aylantirishga qodir edi. Men hali-hanuz otamday bo‘lishni orzu qilaman, ammo na iloj, inson qalbiga kira bilish temirga ishlov berishdan mashaqqatliroq, yurakni chaqmoq kabi alanga oldirish har kimga ham muyassar bo‘lavermas ekan… Mening onam o‘zining ta’bincha, “usti butun – ichi tutun” ayollardan edi. U hamma vaqt kamgap, xayolchan edi, lekin fikrlari, o‘ylari mudroq emasligini, unga mutelik, zaiflik yot ekanligini bilar edim. Ruhidagi ma’yuslik, ovozidagi hazinlik faqat uning xarakteriga xos bir sifatgina edi, xolos. Onamning qancha-qancha qo‘shiq va afsonalarni, doston va er-taklarni bilishiiga aqlim bovar qilmasdi. Bu sehrli afsona va ertaklar bizga benihoya huzur bag‘ishlar, o‘ziga

rom qilib olar, har safar yangi jilva kasb etardi. Aminmanki, mo'jizalar yaratishga qodir, jahonni ko'zga keng ochuvchi, insonni go'zallik sari yetaklovchi so'zga shaydolik hissini mening qalbimda ostona hatlab ko'chaga chiqmagan oddiy ayol – onam uyg'otgan…" Zulfiya she'riyati ana shunday pokiza buloqlardan suv ichgan ijoddir.

16 yoshida Xotin-qizlar pedagogika bilim yurtida tahsil olishni boshlagan Zulfiyaning "Men ish qizi" deb nomlangan ilk she'ri "Ishchi' jurnalida bosilib chiqqan. Shundan keyin shoira 1931-yilda "Hayot varaqlari" nomli ilk she'riy kitobi bilan she'riyat olamiha kirib keldi. Bu kitobni eslab, shoira shunday yozadi: "Bu to'plamni varaqlab qolganimda ko'zimga g'o'rlik va kamchiliklar yaqqol tashlanib, meni hijolatga soladi". Garchi bu to'plamda ijodkorning hali tajribasizligi ko'zga tashlansada, hayotga zavq-u shavq bilan boquvchi, o'zining sodda tili bilan bor narsani qog'ozga qoralay oluvchi jo'shqin qalbni aks ettiradi.

Shoira1935-yilda O'zbekiston SSR Fanlar qo'mitasi qoshidagi Til va adabiyot instituti aspiranturasiga o'qishga kirdi va aynan shu yilda xalqimizning sevimli shoiri, bahor kuychisi bo'lgan Hamid Olimjon bilan turmush qurdi. U Zulfiya ijodida nafaqat sevikli yor, sirdosh do'st, balki uning ijodida mislsiz ahamiyatga ega ustoz ham bo'la oldi. Hamid Olimjon Zulfiyaning she'rlarini diqqat qilan o'qir, uning yutuqlari va kamchiliklari haqida gapirar, lekin hecg qachon ularga qalam tekkazmasdi. U har gal shoira she'rlarini o'qib ularda sevganining qalbi aks etganini aytardi.Vafodorining suyukli yori bo'lgan Zulfiya 1938-yilda aspiranturani tamomladi. Mehnat faoliyatini juda erta boshlagan shoira deyarli bir umr jurnalistika va nashriyot sohasida ishladi. 1938-1940-yillarda Yoshlar va o'smirlar adabiyoti nashriyotida muharrir, 1941-1950-yillarda O'zbekiston davlat nashriyotida bo'lim mudiri, 1950-1953-yillarda "Saodat" jurnalida bo'lim mudiri, 1954-1985-yillarda esa qariyb

o‘ttiz yil mobaynida bosh muharrir bo‘lib ishladi. “Hayot varaqlari” she’riy to‘plamidan so‘ng “Temiroy”(1934), “She’rlar”, “Qizlar qo‘shig‘i”(1939) kabi she’riy kitoblarini ona Vatan va uning dala, cho‘llarida mehnat qilayotgan paxtakorlar, traktorchi qizlarning qaynoq hayolotlariga bag‘ishlaydi. Zulfiyaning urush yillarida yozilgan “Uni farhod der edilar”(1943), “Hijron kunlarida”(1944) kabi to‘plamlari uni peshqadam shoirlar qatoriga dadil kirib kelayotganligidan dalolat edi. Bu to‘plamdagi she’rlar Vatanga muhabbat, dushmanga nafrat va g‘alabaga ishonch, yorga sadoqat ruhida yaratilgani bilan xarakterlidir. Shoiraning “Mening Vatanim”, “Qo‘limda qurol-u ustimda shinel”, “Bizni kut” kabi umidbaxsh she’rlari urush davri o‘zbek she’riyatining jangovor ruhini ifodalovchi asarlar qatoridan joy olgan.

1940-yillar oxirida e’lon qilingan Sovet Ittifoqining san’at va adabiyot to‘g‘risidagi qarorlari o‘zbek adabiyotiga ham katta zarar keltirdi. Zulfiya badbin kayfiyatlar – pessimistik kechinmalar kuychisi sifatida ta’na toshlari ostida qoladi. Shundan keyin u, boshqa qalamkashlar singari “davr g‘oyalari”ni ifodalovchi she’rlar yozishga o‘tdi. Ko‘p o‘tmay, o‘zbek ayollari hayotini yaxshi biluvchi shoira va jurnalist sifatida dugonalari haqida she‘r va publitsistik maqolalar yozdi, ularni ijtimoiy faollikka chaqirdi, insoniy haq-huquqlarining poymol bo‘lamsligi uchun kurashdi. 1944-yildagi mudhish voqea, ya’ni shoiraning qalb qo‘ri, vafodor yori, do‘sti va maslakdoshi Hamid Olimjondan ayrilishi uning ijodida keskin burilish yasadi. U endi Vatan, tabiat, go’zallik va tinchlikni madh etibgina qolmay, ayriliq va hijron kuychisiga ham aylandi. Balki, Zulfiyani Zulfiya qilgan ham shu ayriliq ko‘yida va lekin vafo-sadoqatga ko‘milgan she’rlar edi. Hamid Olimjon vafotidan so‘ng shoira turmush o‘rtog‘ining ijodini ham davom ettirishga, uning xotirasini abadiylashtirishga astoydil harakat qildi va bunga erishdi ham.

Hijroning qalbimda, so‘zing qo‘limda,
Hayotni kuylayman, chekinar alam,
Tunlar tushimdasan, kunduz yodimda,
Men hayot ekanman, hayotsan sen ham!



Shoiraning urushdan keyingi yillarda yaratilgan “Dalada bir kun” (1948), “Tong qo‘shig‘i” (1953) kabi she’rlar turkumi, shuningdek, “Hulkar” (1947), “Men tongni kuylayman” (1950), “Dugonalar bilan suhbat” (1953), “Yuragimga yaqin kishilar” (1958), “Gullarim” (1959), “Tanlangan asarlar” (1959), “Hayot jilosi” (1961), “Kuylarim sizga” (1963), “She’rlar” (1963), “Kuylarim sizga” (to‘ldirilgan 2-nashri, 1965), “O‘ylar” (lirika, 2-nashri,

1969), “Lolaqizg‘aldoq” (1970), “Quyoshli qalam” (1971), “Visol” (1972), “Asarlar” (2 tomlik, 1-jild, 1974,2-jild, 1975), “Yillar, yo‘llar…” (1975) kabi to‘plamlarida Vatan madhi, mehnat jarayonida fidokorlik ko‘rsatayotgan kishilar hayoti jo‘shib kuylanadi. Uning “So‘roqlaydi shoirni she’rim” (1960), “Oydin” (1953), “Quyoshli qalam” (1967) kabi ocherk va dostonlari Hamza, Oybek, Oydin, Hamid Olimjon kabi ustozlarning yorqin xotiralariga bag‘ishlangan. Zulfiya “O‘ylar”, “Shalola” kabi she’riy to‘plamlari uchun Respublika Davlat mukofotiga sazovor bo‘lgan (1970).

1950-yillarning 2-yarmida u Osiyo va Afrika yozuvchilarining tinchlik va xalqaro birdamlik shiori ostida o‘tgan harakatida faol qatnashib, jahonning ko‘pgina mamlakatlarida bo‘ldi. Hindiston, Misr, Yaponiya va qo‘shni respublikalarga qilgan safari shoira ijodida chuqur iz qoldirdi. „Mushoira“, „O‘g‘lim, sira bo‘lmaydi urush“, „Qozog‘iston o‘lanlari“, „Men chizolmagan surat“ singari she’rlari Zulfiyaga shuhrat keltirdi. Zulfiya she’rlarida tasvir etilayotgan hayot ko‘lami kengayb, ijodiga xorijiy xalqlar hayoti manzaralari ham kirib keldi. 70-yillardan boshlab uning ijodidagi milliy hayot tasvirida yangi ranglar kamalagi paydo bo‘ldi, haqqoniylik va his-hayajon kuchaydi. „O‘ylar”(1965) she’riy guldastasi bilan boshlangan voqelikni falsafiy idrok etish tamoyili „Visol“(1972), „Yillar, yillar…“(1975) she’riy kitoblarida davom etib, shoira ijodida chinakam badiiy yuksalish davri boshlanganini namoyish etdi. U yana doston janriga qaytib, ustoz Oybekning so‘nggi safariga bag‘ishlangan „Quyoshli qalam“(1970) dostonini yaratdi. Ayni paytda shoira bolalarga bag‘ishlangan turkum she’rlar ham yozdi („Lolaqizg‘aldoq“, 1975). Zulfiya hayotining muhim bir qismini Hamid Olimjonning adabiy merosini o‘rganish va nashr etish ishiga bag‘ishladi. Ana shu jarayonning uzviy qismi sifatida u shoirning „Semurg‘ yoki Parizod va Bunyod“ dostoni asosida qo‘g‘irchoq teatri uchun „Semurg‘“ pyesasi (S. Somova bilan hamkorlikda) hamda „Zaynab va Omon“ operasi librettosini yozdi. Mashhur shoira – o‘ziga xos she’riyati bilan millionlab kitobxonlar qalbini rom etgan g‘o‘zal qalb egasi Zulfiyaxonim 1996-yilning 1-avgustida vafot etdi.





Serqirra ijodkor tarjimonimiz A. S. Pushkin, M. Y. Lermontov. N. A. Nekrasov, M. Voqif, L. Ukrainka, M. Dilboziy, S. Kaputikyan, E. Ognetsvet, M. Karim, P. Amrita, Y. Bagryana va boshqalarning asarlarini o‘zbek tiliga tarjima qilgan. Zulfiyaning o‘n beshga yaqin majmualari rus tilida chop etilgan. Uning asarlari ingliz, nemis, hind, bolgar, xitoy, koreys, arab, fors, tojik, arman, qirg‘iz, tatar, turkman, boshqird, ozarbayjon va boshqa tillarga tarjima qilingan. shuningdek, qardosh turkiy xalqlar tillarida nashr etilgan. Zulfiya

xalqaro „Javaharlal Neru“ (1968), „Nilufar“ (1971) mukofotlari hamda Hamza nomidagi O‘zbekiston davlat mukofoti (1970) laureati. Shuningdek, u Bolgariyaning „Kirill va Mefodiy“ (1972) ordeniga sazovor bo‘lgan.

Mustaqillik yillarida ibratli hayot kechirgan, keng ijtimoiy faoliyat olib borgan shoira Zulfiya betakror iste’dodi, Vatanga muhabbati, olijanob insoniy fazilatlari, xalqimiz ma’naviyatini yuksaltirishdagi xizmatlari uchun yuksak hurmat va e’zozga sazovor bo‘ldi. Toshkentdagi ko‘chalardan biriga uning nomi berilgan hamda 2008-yil 1-may kuni Zulfiya haykali o‘rnatilgan. O‘zbekiston hukumati atoqli shoiraning madaniyatimiz taraqqiyotidagi katta xizmatlarini e’tiborga olib 1999-yil 10-iyundagi farmoniga binoan “Zulfiya nomidagi Davlat mukofoti”ni ta’sis etdi. Bu davlat mukofoti har yili 14 ta 14 yoshdan 25 yoshgachga bo‘lgan, o‘z ustida izlanishda charchamayotgan iqtidorli qizlarga beriladi. Mukofotning har biriga eng kam oylik ish haqqining 50 baravari miqdorida belgilangan. O‘zbekiston Respublikasining 1-Prezidentimiz Islom Karimov ta’kidlaganlaridek “Uning jahon minbarlarida yangragan she’rlari sharq ayolining aql-u zakovati, fazl-u kamolining yorqin ifodasi sifatida millionlab she’riyat muxlislariga odamiylik, muhabbat va sadoqatdan saboq bergan” Xulosa qilib aytadigan bo’lsam Zulfiyaxonim o‘zbek she’riyatida o‘ziga xos o‘ringa ega shoira bo‘lishi bilan birga inson sifatida ham shu xalqning barcha olijanob xislatlariga ega ayol bo‘lgan. Bugun shu maqolani yozish va Zulfiyaxonimni ijodiga chuqurroq nazar solish orqali yana bir karra amin bo`ldimki, o`zbek adabiyoti XX asrda har qancha ziddiyatli, mashaqqatli va murakkab yo`lni bosib o`tgan bo`lmasin, unda bir qator tom ma`nodagi ijodkorlar etishib chiqgan va ularni ichidagi porloq yuzluzlardan biri bu Zulfiyaxonim bo’lgan. Bugungi istiqlol kunlarida ularning ijodlari yangi qirralari bilan namoyon bo`lmoqda. Zulfiyaxonimning hayoti va ijodi barcha xotin-qizlar uchun ibrat. Negaki, uning hayotidagi mehnatsevarligi, doimo olg’a intilishi, sevgi bobida sadoqatli yor ekanligi, badiiy ijod borasida tinimsiz izlanuvchanligi hamda hayot qiyinchiliklarida esankiramasligi, erishilgan yutuqlar oldida o’zini yo’qotmasligi har qanday qiz yoki ayol qalbida havas uyg’otadi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Ibrohimov M. Quyoshli she’riyat ijodkori, Toshkent,1986
2. Ma’naviyat yulduzlari-T:A.Qodiriy nomidagi xalq merosi nashriyoti,2001;407 b
3. Mirzaliev S, Shokirova R. O‘zbek adiblari.Toshkent :”*Yozuvchi*”jurnali.2000
4. Qayumov L. Shoira Zulfiya. Toshkent,*O‘zadabiy nashr*,1965
5. *“Xalq so‘zi”* gazetasi: 1191;26.04.2018
6. Tanlangan asarlar (3 jildli),Toshkent,1985

O'SMIRLARDA DISMORFOFOBIYA SHAKLLANISHIGA TA'SIR QILUVCHI OMILLAR

O'zbekiston Milliy universitet magstranti

"Ijtimoiy fanlar" fakulteti Psixologiya yo'nalishi

magistratura 2-bosqich talabasi

Matyakubova Dilnoza Baxtiyorovna

D.Matyoqubova@gmail.com

Annotatsiya : Maqolada dismorfofobiya tushunchasi, uni o'smirlarda shakllanishi, ta'sir ko'rsatishi , ijtimoiy- psixologik omillari bu sindromni oldini olish borasida fikr muloxazalar bayon etilgan.

Kalit so'zlar: o'smirlar, tashqi ko'rinish, tajribalar, dismorfofobiya, dismorfomaniya.

Аннотация: В статье описывается проблема дисморфофобия, ее влияние на подростков, социально-психологическая травма, а также мнения о том, как получить этот синдром.

Ключевые слова: подростки, внешность, переживания, дисморфофобия, дисморфомания.

Annotation: The article describes the problem of dysmorphophobia, its impact on adolescents, socio-psychological trauma, as well as opinions on how to get this syndrome.

Key words: teenagers, appearance, experiences, dysmorphophobia, dysmorphomania.

So'nggi o'n yillikda o'smirlik davridagi ruhiy kasalliklar tobora dolzarb muammoga aylandi. Ehtimol, bu ijtimoiy-iqtisodiy siljishlar yoki rivojlanishning tezlashishi bilan bog'liqdir. Ruhiy kasallikning yashirin shakllari va sezilmaydigan rivojlanishi tez-tez uchrab turadi. O'smirlik davri aqliy va jismoniy rivojlanishning nihoyatda tez o'zgarishi bilan tavsiflanadi. Ter va yog` bezlarining ishi faollashadi, xusunbuzarlar paydo bo'ladi. Tana shaklining o'zgarishi, tez o'sish vaqtinchalik sezilarli assimetriyaga olib kelishi mumkin.

Ushbu davrda o'smirlar yangi tanaga ko'nikish bilan bog'liq bo'lgan ba'zi noqulayliklar bilan ajralib turadi.

O'smirlik davrida men – tushunchasi o'z`-o'zini anglashning o'zgarishi bilan tavsiflanadi va uning tashqi jozibadorligini baholash hal qiluvchi ta'sirlardan biriga ega. O'smirlar o'zlarining tashqi ko'rinishiga nisbatan juda e`tiborli bo'lishadi, shuning uchun o'zgarishlar kutilgan natijalarga javob bermasa, ularda umidsizlik hissi paydo bo'ladi. O'smir tashqi ko'rinishga bog'liq bo'lmagan, boshqalar uchun juda yoqimsiz deb hisoblangan boshqa xususiyatlar ham tashvishga sabab bo'lishi mumkin: jinsiy a'zolardan qo'rqish, og'izdan yomon hid kelishi yoki ter hidi - bularning barchasi o'smirga nisbatan salbiy munosabatni keltirib chiqarishi mumkin. O'smir munosabatlarida ijtimoiy mavqega xatti-harakatlar, jismoniy jozibadorlik, o'z-o'zini hurmat qilish, tengdoshlar orasida mashhurlik, shaxs rivojlanishi ta'sir qiladi. Zaif o'smirlar guruhi esa salbiy ijtimoiy tajribalar va psixosotsiol stress bilan kurashishi kerak. Tengdoshlarning masxara qilishlari, hujumlari yoki haqoratlari, o'z-o'zini hurmat qilishning past bo'lishiga yordam beradi. O'zini past baholaydigan o'smirlar uyatchan va tanqidga ba'zan noo'rin munosabatda bo'lishadi. Ular ustidan kulish va o'zini himoyasiz his qilishdan tashvishlanishadi.

Bugungi kunda o’smir yoshlar orasida o’zining tashqi qiyofasiga haddan ortiq e`tibor qaratish, undan qoniqmaslik, o’zidagi bu kamchiliklarni juda xavotir bilan qarshi olish xolatlari tez tez uchrab turadigan davr xisoblanadi.

Ko'pincha o'smirlarning tashqi ko'rinishga nisbatan his-tuyg'ulari beqaror va epizodikdir. A.E. Lichko ularni "o'tkinchi reaktiv o'smirlik dismorfofobiyasi" deb ta'riflagan va "bular nevrotik fobiyalar emas: o'smirga fikrning o'zi emas, balki tashqi ko'rinishining haddan tashqari yetishmasligi yuklanadi".

Ushbu turdagi dismorfofobik tajribalar ko'plab o'smirlarga xosdir va norma hisoblanadi, chunki ular o'smirning butun xatti-harakatini aniqlamaydi, tanqidni yo'qotish bilan bog'liq emas, yoshi bilan yo'qoladi va terapiyaga yaxshi javob beradi.

Qo'zg'atuvchi omil o'smirlarda patogenetik yoki ruhiy kasalliklarning rivojlanishini tezlashtirishi mumkin. Patologiyaning rivojlanishi "boshlanadi", bu asta-sekin va surunkali

kasallikka aylanadi. Dismorfofobiyadan tashqari vaqtincha reaktivlikni A.E.Likko "endoreaktiv o'smirlik dismorfomaniyasi" tushunchasidan foydalangan, bu birinchisidan farqli o'laroq, psixik daraja bilan tavsiflanadi.

Dismorfofobiya "idealga nomuvofiqlik sindromi"dir. Inson o'zi muayyan ideallarni yaratadi va ular bilan doimo o'zini solishtiradi, 13 yoshdan 20 yoshgacha bo'lgan o'smirlar va yoshlarga xos xususiyatlarga ega ruhiy kasallik shakli. Ular o'zlarining tashqi ko'rinishlariga, o'ziga xos xususiyatlariga yoki raqamlariga norozilik bildiradilar. Bunday nosozliklar boshqalar tanqid qilgandan keyin yoki doimiy xususiyatga ega bo'lganidan so'ng paydo bo'lishi mumkin.

Dismorfofobiya - "odamning jismoniy nomukammalligi, haqiqiy va ko'pincha xayoliy tana anomaliyalariga asoslangan o'zining xunukligi haqidagi mavhum g'oyalarini ko'paytirishdan iborat sindrom kasallik". Dismorfofobiyaning diagnostik mezonlari: 1) ob'ektiv ravishda yo'q lekin biroz ifodalangan tashqi ko'rinishdagi bir yoki bir nechta nuqsonlar hamda kamchiliklar bilan mashg'ul bo'lish; 2) takrorlanuvchi xatti-harakatlar yoki aqliy harakatlar (masalan, doimiy ravishda o'zingizni boshqalar bilan solishtirish, ko'zguda o'z aksingizga qarash, haddan tashqari ko'rinish); 3) ijtimoiy, kasbiy yoki hayotning boshqa sohalarida azob chekish yoki yomonlashish; 4) tashvishni boshqa ruhiy kasallik (masalan, anoreksiya) bilan izohlash.

Dismorfofobiya bilan og'rigan bemorlar o'zlarining xunuk, yoqimsiz, g'ayritabiiy ko'rinishiga ishonishadi, ular "nuqsonlarni" kosmetika yoki kiyim bilan yashirishga harakat qilishadi.

Tana dismorfofobisi bo'lgan odamlar tashqi ko'rinish bilan mashg'ullik tananing har qanday qismiga tegishli bo'lishi mumkin, ayniqsa terida (xusunbuzar, chandiqlar, rangparlik, ajinlar), sochlarga (juda siyrak sochlar, haddan tashqari tana yoki yuzda tarqalgan soch), burun (o'lcham yoki shakldan norozilik), qorin, ko'zlar, sonlar, tishlar. Kasallik davrida bir nuqsondan ikkinchisiga o'tish mumkin, bemorlar bir vaqtning o'zida bir nechta nuqsonlardan norozi bo'lishi mumkin. Muskullarda (mushak) dismorfofobiya mavjud bo'lib, bu asosan erkaklar uchun xosdir. Bu odamning tanasi yetarlicha mushak

yetishmasligi haqidagi fikr bilan mashg'ul bo'lishi bilan ajralib turadi, aslida bunday bo'lmasligi mumkin. Mahalliy klinik amaliyotda, tashqi ko'rinish bilan mashg'ul bo'lishdan tashqari, dismorfofobiyani yoqimsiz hidlar - ichak gazlari, ter hidi, nafas hidi tarqalishi uchun tashvish sifatida tasniflash odatiy holdir. M.V. Korkina dismorfofobiyaga xos bo'lgan quyidagi kasalliklarning uchligini aniqladi: 1) jismoniy zaiflik g'oyasi, 2) munosabat g'oyasi, 3) depressiv fon. Munosabat g'oyalari bemorlarning o'zlarining "nuqsonlari" bilan "umumiy masxara, nafrat yoki hatto dushmanlikka sabab bo'ladi, bu "nuqson" hammaning e'tiborini tortadi" degan ishonchi bilan bog'liq. Tadqiqotlar shuni ko'rsatadiki, tana dismorfofobiyasi bo'lgan bemorlarda vizual ma'lumotni qayta ishlashda nuqsonlari mavjud: masalan, ular neytral yuz ifodasini nafrat, g'azab yoki jirkanish sifatida talqin qilishga moyildirlar. Bemorga ishonch bilan hamma u haqida va uning "yetishmasligi" haqida pichirlab gapirayotgandek, sodir bo'layotgan hamma narsa bevosita unga bog'liq bo'lib tuyuladi. Ijtimoiy mahrumlik yuzaga keladi: bemorlar jamiyatdan va oiladan uzoqlashadilar, ijtimoiy jihatdan yakkalanib qolishadi, jamiyatda bo'lishdan qo'rqishadi, odamlardan qochishadi, yolg'izlikni afzal ko'radilar ba'zan hayotda o'ziga xos tasvirni keltirib chiqaradi, kun davomida tashqariga chiqishdan bosh tortishadi.

Bugungi kunga kelib, tanadagi dismorfofobiya buzilishning sabablari haqida turli xil farazlar mavjud bo'lib, ular biologik, psixologik va atrof-muhit omillari (masalan, ommaviy axborot vositalarining roli) bo'linishi mumkin. Mumkin bo'lgan biologik tushuntirishlar: miyadagi neyromediotorlar metabolizmining buzilishi va buning natijasida serotoninning past darajasi, genetik moyillik, miya sohalariga zarar yetkazish va vizual ma'lumotni qayta ishlashda buzilishlar. Psixologik farazlar psixologik travma, masxara qilish, tanqid qilish, oilaviy ta'lim xususiyatlari va shaxsiy xususiyatlar bilan bog'liq. Ko'pgina boshqa ruhiy kasalliklarda bo'lgani kabi, kasallikning bitta haqiqiy sababini aniqlash mumkin emas; biz faqat turli xil omillarning kombinatsiyasi haqida gapirishimiz mumkin, bu esa u yoki bu tarzda buzilishning rivojlanishini qo'zg'atadi.

Dismorfofobiyaning paydo bo'lishi va rivojlanishiga ta'sir qiluvchi omil nafaqat o'smirlik davrining o'ziga xos xususiyatlari va qiyinchiliklari, balog'at yoshidagi disgarmoniya, akseleratsiya, balki ba'zi shaxsiy xususiyatlar, shaxsning xarakter

xususiyatlari ham bo'lishi mumkin. Ba'zi hollarda dismorfofobiya patologik xususiyatlar, psixopatik, aksentuatsiyalar (sezgir, psixoastenik, gisteroid, shizoid va epileptoid xavf ostida) asosida yuzaga keladi, ya'ni kasallikning rivojlanishi "zamini" ning asosiy simptomologiyasi bilan bog'liq. Aksentuatsiya yoki psixopatiyaning xususiyatlari u yoki bu alomatlarda yanada aniqroq bo'lishi mumkin. Masalan, sezgir o'smirlarda-munosabat g'oyalari, isteriklarda - jismoniy nuqson g'oyasi ko'proq namoyon bo'ladi. Uyatchanlik va introversiya, perfektsionizm, tashvish, qo`zg`aluvchanlik kabi shaxsiy xususiyatlar tanqid qilish, taklif qilish, o'ziga past baho, ishonchsizlikning kuchayishi, nevrotik holatlarning mavjudligi ham o'smirlarda patologik va patologik bo'lmagan dismorfofobik tajribalarning paydo bo'lishi uchun qulay "zamin"ga aylanadi.

Shunday qilib, shaxs xususiyatlar chegarasi, kasallik klinikasida dismorfofobik tajribalarning paydo bo'lishi uchun muhim omil hisoblanadi.

A.E. Lichkoning yozishicha, "dismorfofobik va dismorfomanik epizodlar kelajakdagi shizofreniya xurujining xabarchisi ("chaqmoq") sifatida ham sodir bo'lishi mumkin, ba'zida undan bir necha yil oldin. Kasallikni erta aniqlash qiyin, chunki o'smirlar dissimulyatsiyaga moyil. Ular o'zlarining tashqi ko'rinishidan uyalishlari va muammolari bilan mashg'ul bo'lishlari yoki ularning ahvoli ruhiy kasallik ekanligini tushunmasliklari mumkin. Ular o'z muammolari haqida boshqalar - do'stlar, oila a'zolari bilan gaplashishni istamaydilar, shuning uchun ular darhol shifokorlarga murojaat qilishmaydi. Dismorfofobiya bilan og'rigan bemorlar ko'pincha psixiatr va psixologlarga emas, balki kosmetologlar, dermatologlar va plastik jarrohlarga murojaat qilishadi.

Hozirgi vaqtda psixologiyada dismorfofobiya muammosi yetarlicha o'rganilmagan, bu muammoning barcha mumkin bo'lgan tomonlarini to'liq o'rganmasdan turib tasavvur qilib bo'lmaydi.

Agar tashqi ko'rinishni yaxshilash uchun maniya patologiyaga aylanmasa, psixologlar o'smirlar bilan sog'lom “men”ni o'zini o'zi qadrlashni rivojlantirishga qaratilgan tushuntirish, maslahat va psixoterapevtik ishlarni, xususan, haqiqiy bo'lmagan standartlarga nisbatan tanqidiylikni tavsiya qiladilar.

Yaltiroq jurnallarda ko'rgan narsalarni to'g'ri idrok etish qobiliyatini maktablarda hayot xavfsizligi asoslarining maxsus bo'limi sifatida o'rgatish vaqti keldi.

Bundan tashqari, o'smirlar rivojlanishining ma'lum bir bosqichida tashqi ko'rinishidagi o'zgarishlar juda yoqimli bo'lmasligi mumkinligiga tayyor bo'lishlari kerak. Yorqin va muvaffaqiyatli shaxslarning tegishli misollari (masalan, maktab yillarida juda ko'p masxaralarni boshdan kechirgan Julia Roberts) o'smirlarga o'zgarish vaqtinchalik ekanligini tushunishga yordam beradi. Bundan tashqari, boshqalar bizni qismlarga emas, balki butun sifatida qabul qiladilar va biz yaratgan taassurot asosan jismoniy xususiyatlar emas, balki psixologik xususiyatlardan iborat.

O'zining nomukammalligi haqida haddan tashqari tashvishlanish ko'pincha o'smir atrofdagi dunyoda o'zining yuksak hurmatini tasdiqlovchi manbalarni ko'rmaydigan hayotiy vaziyatga hamroh bo'ladi. Va bu yerda samarali vosita e'tiborni u haqiqatan ham sezilarli muvaffaqiyatga erisha oladigan va boshqalarning roziligini oladigan faoliyat turlariga qaratishdir.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Карсон, Р. Анормальная психология / Р. Карсон, Дж. Батчер, С. Минска. СПб., 2004.

2. Фролова, Ю.Г. Психосоматика и психология здоровья / Ю.Г. Фролова. Минск, 2003.

3. (https://ozlib.com/1010806/psihologiya/dismorfofobiya_narushenie_obraza_tela#annot_1) Phillips, K.A. Body image disturbance in body dysmorphic disorder and eating disorders. Obsessions or delusions? / K.A. Phillips // Psychiatry and Clinic of North Amerika. 1995, № 2; Phillips, K.A. Body dysmorphic disorder: clinical aspects and treatment strategies / K.A. Phillips // Bullethin of Menninger Clinic. 1998. № 62 (Suppl. A). 2 Коркина, М.В. Дисморфомания в подростковом и юношеском возрасте / М.В. Коркина. М., 1984.

4. (https://ozlib.com/1010806/psihologiya/dismorfofobiya_narushenie_obraza_tela#annot_2) Slaughter, J.R. In pursuit of perfection: a primary care physician's guide to body

dysmorphic disorder I J.R. Slaughter // American Family Physician. 1999. № 6. 2 Коркина, М.В. Дисморфомания в подростковом и юношеском возрасте. 3 4 Phillips, K.A. Body image disturbance in body dysmorphic disorder and eating disorders. Obsessions or delusions? / K.A. Phillips // Psychiatry and Clinic of North America. 1995. № 2.

5. (https://ozlib.com/1010806/psihologiya/dismorfofobiya_narushenie_obraza_tela#annot_3) Phillips, K.A. Body dysmorphic disorder: clinical aspects and treatment strategies / K.A. Phillips // Bullethin of Menninger Clinic. 1998.

Texnologiya ta’limida boshlang’ich sinf o’quvchilarini tabiatga munosabatini shakllantirish

Isroilova Osiyo Soxibovna
Farg'ona shahar 3-o'rta ta'lim maktabi boshlang'ich sinf o'qituvchisi

Annotatsiya

Tabiat va tabiat boyliklari kishilik jamiyati yashayotgan, rivojlanayotgan ba’zi odamlarning moddiy va ma’naviy ehtiyojlarini qondiradigan manbaa. Inson tabiat va uning zahiralaridan foydalanmay yashay olmaydi. Texnologiya ta’limi o’quvchilarni tabiat bilan munosabatini birlashtiradi.

Kalit so’zlar: ekologiya, tabiat, inson, fan, texnika, atmosfera, havo, gaz, yer, o’simliklar, suv, fizik, kimyoviy, biologik.

To formulate the attitude of Primary School students towards nature in technology education

Israilova Osiyo Sohibovna
Primary school teacher in Fergana city 3rd secondary school

Annotation

The wealth of nature and nature is the source of the material and spiritual needs of some people in which the personality society lives, develops. Man can not live without the use of nature and its reserves. Technology Education combines students ' relationship with nature.

Key words: ecology, nature, Man, science, technique, atmosphere, air, gas, Earth, plants, water, physical, chemical, biological.

Формирование у младших школьников отношения к природе в технологическом образовании

Исраилова Осие Сахибовна

Учитель начальных классов средней общеобразовательной школы № 3 города Ферганы

Аннотация

Природа и природные богатства являются источником удовлетворения материальных и духовных потребностей определенных людей, в которых живет, развивается человеческое общество. Человек не может жить без использования природы и ее ресурсов. Технологическое образование объединяет отношение учащихся к природе.

Ключевые слова: экология, природа, человек, Наука, техника, атмосфера, воздух, газ, Земля, растения, вода, физическая, химическая, биологическая.

Hozirgi vaqtda inson fan va texnika taraqqiyoti tufayli tog’larni qo’porishga, daryolar o’zanlarini burib yuborishga, yangi sun’iy dengizlar yaratish, katta – katta cho’l – biyobonlarni gullab yashnayotgan vohalarga aylantirish bilan bir qatorda avvalgi ekinzorlar o’rnida cho’llarni qoldirmoqda. Ekologik ta’limning o’quvchilar o’rtasida kechiktirib bo’lmaydigan, uni asraydigan, ardoqlaydigan muammodir. Tabiat va inson orasidagi o’zaro munosabat qadim zamonlardan hozirgi kunga qadar barchani qiziqtirib kelayotgan muhim muammo hisoblanadi. Inson tabiatning ajralmas qismi bo’lib, u butun mehnat faoliyati davrida u yol yoki bu yo’l bilan tabiatga ta’sir etadi.

Inson bilan tabiat o’rtasidagi munosabatlar negizini mehnat jarayoni tashkil etadi. Mehnat tufayli insoniyat paydo bo’ldi, uning tarkib topishi va taraqqiyot qonunlari vujudga keldi. Inson tabiatning tarkibiy qismi sifatida o’z mehnat faoliyati jarayonida muhitga ta’sir etib, o’zi ham shu muhitga moslashadi. Mehnat jamiyatning asosiy hayotiy sharti bo’lib, u tabiatdan ajralmasdir. Mehnat tabiatni inson bilan biralshtiruvchi asosiy vosita.

Chunki, inson hayot kechirishda barcha noz – ne’matlarni tabiatdan oladi. Mehnat qurollarini takomillashtirish, kishi mehnatini yengillashtiruvchi mashina, odamlarning jismoniy kuchini va harakat tezligini keskin pasaytirib yuboradi. Buning evaziga insonlarning ongli fikrlashi, tafakkuri va irodasi tezlikda taraqqiy etib boradi. Fan – texnika taraqqiy etishi natijasida insonlar oddiy tosh qurollardan ish faoliyatida hozirgi kunning yadro energiyasidan foydalanishdan tortib, kosmik kemalar, robotlashgan texnikaning

ishlatishga qodir bo'ldilar. Inson bilan tabiat o'rtasidagi " moddiy almashinuv" bir necha marta tezlashdi. Insonning tabiatga ta'siri natijasida atmosferada havo, gaz, yerda o'simliklar dunyosi va suvda fizik – kimyoviy va biologik o'zgarishlar ro'y bermoqda. Natijada keyingi 25 – 30 yil mobaynida atmosfera havosi, suv, tuproq tarkibi nihoyatda ifloslandi.

O'quvchilarga texnologiya darslarida bevosita tabiat to'g'risida, tabiat hodisalari, ekologik muammolar, Orol dengizining taqdiri to'g'risida garipib, tabiatga salbiy munosabatda bo'lish yomon oqibatlarga olib kelishi ekologiyasining buzilib ketishiga sabab bo'lishi lozimligi, insonlarga juda katta moddiy, ma'naviy, zarar keltirishi, inson sog'igi uchun zarar yetkazayotganligi haqida ma'lumotlar berib borish lozim, bu albatta tabiat uchun uni asrab-avaylashga xizmat qiladi.

Boshlang'ich sinf o'quvchilari o'quv yilining oxirida, ya'ni to'rtinchi sinfga o'tganlarida atrof –olam haqida to'liq ma'lumotga ega bo'ladilar. Ular olam jonli va jonsiz tabiatdan iboratligini, insonning tabiatga, jamiyatga munosabati haqidagi dastlabki bilimlarga ega bo'ladilar.Tabiatshunoslik orqali Yer va boshqa sayyoralar harakati, harorat, suv, havo va tabiat to'g'risidagi tasavvurlarida, olam yaxlit mavjudot ekanligini ko'z oldilaridan o'tkazadilar. Umuman olganda, nazariy bilimlarini ko'rganlari bilan taqqoslash, bir – biridan farqlash, uni amaliyotga qo'llash, mehnat qilish turlari, mehnat tarbiyasi asosida tejamkorlik va tadbirkorlikka munosabat, bu kimlarning mehnati evaziga bo'layotganligini, xulosalarini o'z tillarida so'zlab berishga o'rgatilishi lozim.

Ana shunday bevosita ma'lumot berishda aloqadorlik, uzviylik ta'minlanadi. Quyi sinfdan yuqori sinfga o'tganlarida o'quvchilarning ona Yerga, quvnoq tabiat manzaralariga, fanga, hayvonot va o'simliklar dunyosiga, ekologik xususiyatlariga qiziqish orqali ularni amaliyotda qo'llashlariga doir ko'nikma va malakalari shakllanib boradi.So'ngi yillarda ilmiy tadqiqot ishlarining natijasi, maktab tuzilishi, ta'lim mazmunini qayta qurish shunga olib keldiki, boshlang'ich sinf o'quvchilarini o'qishga, yozishga, nutqga, sanashga, mehnat tarbiyasi asosida tejamkorlikka va tadbirkorlikka jiddiy e'tibor qaratish lozimligi aniqlandi. Chunki boshlang'ich sinf o'quvchilarini olgan bilim, ko'nikma va malakalari yuqori sinflarga o'tganlarida muhim omil hisoblanadi.

Insoniyatga xos xususiyat shundaki, u ijtimoiy mehnati tufayli rivojlanish jarayonida tabiiy muhitga qaramlikdan asta – sekin ozod bo'lib boradi va tabiatga nisbatan o'z ta'sirini tobora kuchaytiradi, unga "hukmron" bo'ladi.

Boshlang'ich sinf o'quvchilarida yoshlikdan boshlab, ekologik tushunchalarni shakllantirib borish masalasi ta'lim tarbiyada mas'uliyatli ish hisoblanadi. Chunki, bola yoshlikdan ota – onasi, akasi, opasi va qarindosh – urug'larining mehnatini e'zozlashi, hurmat qilishi, udumlari, urf – odatlari, rasm – rusumlarini qadrlashi, ya'ni bahor bayramida bahoriy taomlar sumalak, halim haqida bilish, ko'chatlar o'tqazish, turli o'simliklar ekish, ularni parvarish qilish kabilarga katta e'tibor berib keladi. Bular yoshlikdan singdirib borilsa, umr bo'yi esidan chiqmaydi, tabiatga hurmat bilan qaraydi, tabiatni ko'z qorachig'iday asraydi, saqlaydi.

Xulosa o'rnida shuni aytish lozimki, inson mehnat bilan ulug. Kishilik jamiyatining asl tarixi ham mehnatdan boshlangan. Mehnat tirikchilik manbayi. Nainki, hayot va turmushning qaysi qirrasiga nazar tashlamang, qadamingiz mehnat bilan qutlug. Tarbiyani mehnatsiz tasavvur qilish qiyin. Tabiatni asrash har bir insonni burchi. Yosh avlodni yoshligidan tabatga oshno qilib boorish tabiatimizni, vatanimizni gullab-yashnashiga zamin yaratadi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1.Kadrlar tayyorlash milliy dasturi. (Barkamol avlod - O'zbekiston taraqiyotining poydevori. "Sharq" nashriyoti, T 1997-yil.

2.Karimov I.A. Yuksak ma'naviyat - yengilmas kuch. - Toshkent, Ma'naviyat, 2008.

3.Mirziyoev Sh.M. Buyuk kelajagimizni mard va olijanob xalqimiz bilan birga quramiz. Toshkent, "O'zbekiston", 2017 yil, 488 bet.

4.Mirziyoev Sh.M. Erkin va farovon, demokratik O'zbekiston davlatini birgalikda barpo etamiz.Toshkent, "O'zbekiston", 2016 yil, 56 bet.

5.Mirziyoev Sh.M. Qonun ustuvorligi va inson manfaatlarini ta'minlash- yurt taraqqiyoti va xalq faravonligining garovi.Toshkent, "O'zbekiston", 2017 yil,48 bet.

7.Mirziyoev Sh.M. Tanqidiy taxlil, qat'iy tartib intizom va shaxsiy javobgarlik- har bir rahbar faoliyatining kundalik qoidasi bo'lishi kerak. Toshkent, "O'zbekiston", 2017 yil,

8. Mavlonova R.A, Sanaqulov X.R, Xodieva D.P "Mexnat va uni o'qitish metodikasi" O'quv qo'llanma. 2007yil TDPU.

9. X.Sanaqulov, M.Xaydarov "Boshlang'ich sinflarda qog'ozdan amaliy ishlar" Uslubiy qo'llanma 1996 yil. TDPU.

10. I.Mannopova, R.Mavlonova, N.Ibragimova, “Texnologiya” Umumiy o’rta ta’lim maktablarining 1-sinfi uchun darslik, “O’zbekiston milliy ensiklopediyasi”. Davlat ilmiy nashryoti, Toshkent, 2017-yil

11. X.R,Sanaqulov, D.P.Xodiyeva, A.R Sanaqulova, “Texnologiya” Umumiy o’rta ta’lim maktablarining 2-sinfi uchun darslik, “Sharq” nashryot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosh tahririyati” , Toshkent, 2018-yil

12. X.R,Sanaqulov, D.P.Xodiyeva, A.R Sanaqulova, “Texnologiya” Umumiy o’rta ta’lim maktablarining 3-sinfi uchun darslik, “Sharq” nashryot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosh tahririyati” , Toshkent, 2018-yil

13. I.Mannopova, R.Mavlonova, N.Ibragimova, “Texnologiya” Umumiy o’rta ta’lim maktablarining 4-sinfi uchun darslik, “O’zbekiston milliy ensiklopediyasi”. Davlat ilmiy nashryoti, Toshkent, 2017-yil.

San’at turlari, mohiyati va jozibasi.

Sirdaryo viloyati Xovos tumani
madaniyat va turizm bo‘limi
Xovosobod madaniyat markazi rahbari
Tuychiyev Furqat To‘ra o‘g‘li

Annotatsiya: Ushbu maqolada san’at turlari, uning mazmun-mohiyati yoritilgan bo‘lib, unda san’atning jozibasi, inson ruhiyatiga ta’siri haqida so‘z boradi.

Kalit so‘zlar: san’at turlari, jozibasi, ijodiy qobiliyat, fikrlash salohiyati, teatr…

Ma’lumki, XIX asrning boshlarida. Gegel "Individual san'at tizimi" asarida san'atning beshta asosiy turi - me'morchilik, haykaltaroshlik, rassomchilik, musiqa va she'riyat o'rtasidagi munosabatni belgilab berdi; she'riy san'atni avlodlarga ajratish modellarini tahlil qildi: epik, lirik va dramatik. XIX asrdan boshlab jahon estetik tafakkuri (Gegel, Shelling, Vagner, Skrabin va boshqalar) isbotladi ekvivalentlik va ehtiyoj san'atning barcha turlarining mavjudligi va rivojlanishi. Insoniyatning badiiy faoliyatining boshlang'ich bosqichlari hatto ibtidoiy jamiyatda, fan va falsafa paydo bo'lishidan ancha oldin qayd etilgan. Va shunga qaramay, san'atning mohiyati va o'ziga xosligi muammosi shu paytgacha to'liq hal qilinmagan.

"San'at" tushunchasining ma'nosi nima? Ajratish mumkin 3 xil qiymat bu so'z.

1. San'at - bu mahorat. - Shu ma'noda, "san'at" mohir, texnik jihatdan bajarilgan faoliyat sifatida harakat qiladi, natijasi tabiiy, tabiiyga nisbatan sun'iydir. Har qanday faoliyat sohasidagi eng yuqori mahorat, mahorat. Aynan shu ma'no qadimgi yunoncha "techne" - san'at, hunarmandlik so'zidan kelib chiqqan.

2. San'at - bu go'zallik qonunlariga muvofiq ijodkorlik.

Bunday ijodkorlik keng ko'lamli tadbirlarni nazarda tutadi:

- Foydali narsalarni, mashinalarni yaratish;
- Jamoat va shaxsiy hayotni loyihalash va tashkil etish;
-Kundalik xulq -atvor madaniyati;
-Odamlar bilan muloqot va boshqalar.

San'at ob'ekti- fan, falsafa kabi - atrofdagi dunyo. San'at asari- haqiqat, hayot eng keng ijtimoiy ma'noda.

3. San'at - bu badiiy ijod, mahsuloti ijtimoiy, ma'naviy, estetik qadriyatlardir.

San'at shaxsning shakllanishiga ta'sir qiladi, uning hissiy-emotsional va intellektual-fikrlash salohiyatini boyitadi.

San'at insonning ijodiy qobiliyatlari va qobiliyatlarini yaxshilaydi, uni go'zallik qonunlariga muvofiq ishlashga undaydi.

San'at va fan o'rtasidagi farq:

1. Ilmning ob'ekti - haqiqat, san'atning ob'ekti - go'zallik.

2. Voqelikning aks etishi: fanda - mavhum tushunchalar ko'rinishida, san'atda - badiiy obrazlar ko'rinishida.

San'at o'ziga xos xususiyatda mavjud turlari, bu faoliyat modeli shaxsiyat va aks ettirish dunyo ma'lum tarixiy sharoitda, u sinfiy va siyosiy yo'naltirilgan, milliy va xalqaro.

San'at o'ziga xos shakllarda mavjud: arxitektura, haykaltaroshlik, rasm, teatr, adabiyot, musiqa va boshq.

3. San'at turlari - bu hayotiy mazmunni badiiy amalga oshirish qobiliyatiga ega bo'lgan va moddiy muomala usullari bilan farq qiladigan, ijodiy faoliyatning tarixan shakllangan, barqaror shakllari.

San'atning har bir turi o'ziga xos tasviriy vositalar va texnikalar arsenaliga ega.

San'at turlari bir -biridan farq qiladi:

· Tasvirning mavzusi;

· Har xil vizual vositalardan foydalanish.

San'at olamining tuzilishini o'rganishga urinishlar qadim zamonlarda qilingan. Birinchi urinish mifologik san'atning tasnifi, shu jumladan: fojia, komediya, « texnik san'at»: Arxitektura, tibbiyot, geometriya; " musiqa san'at": She'r, musiqa, raqs.

Uyg'onish davrida tasviriy san'at va she'riyat o'rtasidagi farqlar o'rganildi. L. Da Vinchi "Rasm kitobi" va "Laokon" dagi Lessingda, S. Batt "Tasviriy san'at" risolasida san'atning birinchi chuqur tahlilini berdi.

Obyekt(yoki Mavzu) san'at umuman olam va xususan insondir va mavjudlik shakli ijodiy faoliyat natijasida san'at asari hisoblanadi. San'at asari- ijodkorlik natijasining eng yuqori shakli.

San’atning maqsadlari:

1. ma'naviy manfaatlarni taqsimlash;
2. muallifning o'zini namoyon qilishi.

San'atning vazifalari.

3. Kognitiv... San'at dunyo yoki inson haqida ma'lumot manbai bo'lib xizmat qiladi.
4. Tarbiyaviy... San'at shaxsning axloqiy va mafkuraviy rivojlanishiga ta'sir qiladi.

5. Estetik... Insonning uyg'unlik va go'zallikka bo'lgan ma'naviy ehtiyojini aks ettiradi. Go'zallik tushunchasini shakllantiradi.
6. Hedonistik... Estetik funktsiyaga yaqin, lekin estetika tushunchasini shakllantirmaydi, balki estetik zavqlanish imkoniyatini beradi.
7. Bashoratli... Kelajakni oldindan bilishga harakat qilish funktsiyasi.
8. Kompensatsion... Psixologik muvozanatni tiklashga xizmat qiladi; psixologlar va psixoterapevtlar tomonidan tez-tez ishlatiladi ("Dom-2" shou muxlislari uni tomosha qilib, shaxsiy hayoti va hissiyotlarining etishmasligini qoplaydilar, lekin men bu namoyishni san'atga bog'lamagan bo'lardim).
9. Ijtimoiy... Bu oddiygina odamlar o'rtasidagi muloqotni ta'minlay oladi (kommunikativ) yoki biror narsaga chaqirishi mumkin (targ'ibot).
10. Ko'ngilochar(masalan, mashhur madaniyat).

Xullas, atrofdagi dunyoni badiiy obrazlarda ijodiy takrorlashga asoslangan. Bundan tashqari, keng ma'noda san'at, ijodkorlik bilan bevosita bog'liq bo'lmagan har qanday faoliyat sohasidagi eng yuqori mahoratni anglatishi mumkin.

F o y d a l a n i l g a n a d a b i y o t l a r:

1. Piraxunova F.N., Nazirov A.X. O‘qitishning yangi pedagogik texnologiyalari. Uslubiy qo‘llanma.
2.Internet saytlari.www.ziyouz.com kutubxonasi -ZiyoNet .uz, - kitob.uz, - multimediya .uz

Проблемы внедрения управленческого учёта в торговых организациях

Саидов Хабибулла Шавкат угли
Ташкентский Государственный Экономический Университет
Студент факультета «Бухгалтерский учёт и аудит»

Аннотация: В статье проанализированы некоторые подходы различных авторов к определению управленческого учёта, выделены особенности и проблемы внедрения управленческого учёта в торговых организациях.

Ключевые слова: управленческий учёт, особенности торговых организаций, проблемы управленческого учёта в торговле.

В условиях рыночной экономики появилась острая необходимость в проведении научных исследований в сфере организации управленческого учёта в общей системе управления предприятием. От того, насколько рационально построен управленческий учёт на предприятии, насколько объективно он отражает хозяйственную деятельность, зависит не только процесс эффективного управления, но и успешное функционирование предприятия в современных условиях. Управление предприятием представляет собой процесс координации и регулирования его деятельности для достижения поставленной цели. Любая служба и работник управления для выполнения своих функций нуждаются в информации. Управление начинается с получения и восприятия информации, оно включает принятие решения на основе информации и завершается контролем выполнения этого решения также на основе соответствующей информации. Осуществление управления происходит посредством внедрения системы управленческого учёта на предприятии.

Поэтому ужесточение рыночной конкуренции, финансовая нестабильность в стране побуждает собственников задуматься о внедрении действенной системы управленческого учёта, чтобы обеспечить своей компании независимость от условий экономической макросреды, в частности, в аспекте принятия управленческих решений.

Постановка и внедрение управленческого учёта — сложная задача, которая требует реорганизации всей компании. При постановке управленческого учёта компании сталкиваются с множеством проблем.

Первая проблема связана с переориентацией взглядов на понятие «управленческий учёт»: от простого хранения и ведения статистических данных к эффективному

инструменту ведения бизнеса, позволяющему мобилизовать все имеющиеся резервы повышения эффективности деятельности компании. Вторая проблема заключается в сложности определения квалификации и подборе специалистов, которые будут заниматься постановкой и внедрением управленческого учёта. Третья проблема связана с созданием автоматизированной системы сбора и получения информации о продажах, затратах, выручке, доходе и т.д., а также процессом внедрения новых подходов к калькулированию себестоимости, использованию методов анализа и контроля (создание методической и методологической базы учёта). Четвёртая проблема связана с рассогласованностью интересов топ-менеджеров и руководителей структурных подразделений по вопросу необходимости постановки и ведения управленческого учёта. Некоторые руководители считают, что достаточно ведения бухгалтерского финансового учёта, который может включать в себя и функции управленческого учёта, при этом отдельное ведение управленческого учёта считается нецелесообразным.

Однако бухгалтерская отчётность составляется в соответствии с законодательством, а управленческая отчётность представляет собой развёрнутую систему учёта и обработки информации, включающую в себя элементы математического анализа, и необходима для принятия управленческих решений. Принципиальное отличие этих двух видов учёта состоит в оперативности предоставления информации собственникам компании.

Например, бухгалтерский финансовый учёт не даёт оперативной отчётности и не позволяет принимать управленческие решения для успешного развития организации. Для того чтобы организация была способна конкурировать на рынке, важно обладать ежедневной информацией об остатках товара на складе, наличии денежных и оборотных средств, планировать платежи и т.п. Подобная информация содержится исключительно в управленческой отчётности, что определяет необходимость и актуальность постановки и внедрения управленческого учёта в торговой организации.

Поэтому чтобы правильно определить цель и направление внедряемой системы управленческого учёта, следует рассмотреть те преимущества, которые получит организация, применив разработанную систему управленческого учёта.

Так, Л.С. Васильева рассматривает управленческий учёт как «комплексную систему учёта, планирования, контроля, анализа информации о доходах и результатах хозяйственной деятельности организации в необходимых аналитических разрезах, необходимой для оперативного принятия различных управленческих решений в целях оптимизации в краткосрочной и долгосрочной перспективах».

В то же время, А.Д. Шеремет рассматривает понятие управленческий учёт, как «единство как собственно учёта, так и анализа хозяйственной деятельности».

Ч. Хорнгрен определяет управленческий учёт как «систему сбора и группировки финансовой и нефинансовой информации, на основе которой менеджеры принимают решения для достижения целей организации».

Однако Д.В. Лысенко определяет управленческий учёт как «подсистему бухгалтерского учёта, которая в рамках одной организации обеспечивает её управляющий аппарат) информацией, необходимой для прогнозирования, планирования, контроля, анализа и, как итог, принятия управленческих решений для достижения оптимальных результатов деятельности организации».

В свою очередь, В.Э. Керимов рассматривает понятие управленческого учёта как «область знаний и сферу деятельности, связанную с формированием и использованием экономической информации для управления внутри хозяйствующего субъекта, причём цель управленческого учёта заключается в помощи управляющему аппарату в принятии экономически обоснованных решений».

Следует заметить, что значимым блоком в организации управленческого учёта в торговле является система бюджетирования. Она позволяет руководству предварительно оценить эффективность управленческих решений, оптимальным образом распределить ресурсы между подразделениями (центрами ответственности), наметить пути развития потребительского общества и избежать кризисной ситуации. Бюджетированием должны быть охвачены все структурные подразделения.

В конечном итоге эффективность процесса бюджетирования определяет эффективность работы организации в целом. А внедрение и использование процедуры бюджетирования выявит и классифицирует многие проблемы, которые раньше оставались в тени.

Таким образом, ниже приведён перечень первоочередных задач, полностью решив которые, в торговой организации появится система управленческого учёта, и начнёт эффективно работать:

1. 1)Создать финансовую структуру (в частности, выделить Центры ответственности)
2. Разработать управленческое штатное расписания;
3. Разработать формат и статьи бюджета движения денежных средств;
4. Разработать заявки на платеж;
5. Разработать порядок осуществления платежей;

6. Разработать формат и статьи бюджета доходов и расходов; Разработать формат и статьи управленческого баланса;
7. Разработать формат операционных бюджетов;
8. Разработать бюджетный регламент;
9. Разработать управленческий план счетов;
10. Разработать альбом проводок управленческого учёта;
11. Разработать управленческую учётную политику.

Например, если управленческий учёт ведется в разрезе магазинов, появляется возможность анализировать, какой финансовый результат (прибыль или убыток) приносит каждый магазин и: выявлять убыточные магазины, выяснять причины их убыточности, принимать решение либо о закрытии таких торговых точек, либо о разработке комплекса мер по устранению убытков. Во всяком случае, можно уже в данный момент отследить, что отдельно взятый магазин убыточен, сразу разобраться с причинами этого, если причины нельзя устранить, закрыть магазин и не тратить месяцами, а то и годами, деньги на содержание убыточной торговой точки.

Поэтому нужно проводить сравнительный анализ магазинов, чтобы понимать, почему один приносит прибыль, а другой, при прочих равных условиях — убыток, либо дает меньше прибыли.

Необходимо разрабатывать эффективный перечень мероприятий, направленный на комплексное снижение затрат розничной сети, отталкиваясь, опять же, от отдельного магазина, разрабатывать эффективную систему мотивации для персонала магазинов.

Таким образом, исходя из анализа деятельности каждого магазина, можно оценить рентабельность розничной сети в целом. Однако если не рассматривать каждый магазин как отдельный Центр ответственности, а анализировать только общий результат по всем торговым точкам, получать ответы на все вышеперечисленные вопросы крайне затруднительно.

Как правило, руководство запрашивает у финансовых специалистов данные в различных аналитических срезах. Например, менеджмент интересует, сколько выручки принес конкретный магазин, или он просит провести сравнительный анализ по всем магазинам/по какой-то одной статье, или его интересует группа статей, да еще за разные периоды и т.д. Если управленческий учёт не дает детализации по магазинам, подготовка ответов на любой из таких вопросов занимает у финансистов дополнительное время. Как правило, ответы требуются

быстро. Спешка приводит к тому, что запрашиваемая информация зачастую неточна.

Особенно важно рассматривать отдельно взятый магазин розничной сети как самостоятельный Центр ответственности, если розничная сеть — это только одно из направлений бизнеса, которыми занимается компания, а всего таких направлений несколько. Ведь в целом результат по розничному направлению может быть прибыльным, но, видя общую цифру, мы никогда не узнаем, все ли магазины работают с одинаковой отдачей, какие проблемы есть в их работе, носят ли эти проблемы системный характер, а, следовательно, должны быть устранены на уровне всей сети, или имеют отношение только к данному магазину, почему эти проблемы коснулись именно этого магазина? Не столкнуться ли позже с этой же проблемой другие?

Таких вопросов, если управленческий учёт в розничной торговле построен в детализации по магазинам, может появляться великое множество, и быстрые точные ответы на них будут повышать управляемость розничной сетью и её рентабельность, но эти вопросы никогда не обозначатся, если оценивать только общий результат.

В целях оптимизации налогообложения, магазины одной розничной сети могут находиться на разных системах налогообложения. Выбранная система налогообложения также будет влиять на общий уровень расходов магазина. Если результат работы розничной сети оценивать только в целом, то общая цифра по сумме уплаченных налогов, не будучи детализирована по магазинам, сделает невозможным анализ экономического эффекта от применяемой системы налогообложения. Тогда как управленческий учёт в розничной торговле, построенный по принципу: «Один магазин — один центр ответственности», позволит проводить такой анализ без каких-либо дополнительных трудозатрат.

Поэтому, отсутствие нужной аналитики, невозможность получения точных и прозрачных данных, как по плану, так и по факту, при ведении управленческого учёта в розничных торговых организациях без детализации по магазинам, — это лишь часть проблем, с которыми сталкиваются торговые компании.

Одной из функций управленческого учёта является планирование, поэтому ответом на вопрос: «Для чего нужно планирование?» послужат нижеприведённые аргументы.

Есть система учёта, а есть система управления. Система учёта позволяет контролировать бизнес по факту, т.е. когда событие уже произошло и повлиять на него никак нельзя.

Система управления базируется на анализе план-факт. Процесс планирования позволяет спрогнозировать ситуацию и уже на этапе прогнозирования выявить ошибки и недостатки текущей работы.

Неправильно рассматривать составление планов продаж-закупок, других операционных и финансовых бюджетов (доходов-расходов, движения денежных средств, управленческого баланса) как формальную процедуру заполнения таблиц. Мы считаем, что планирование нужно не просто ради факта получения какой-то цифры, а для выявления слабых сторон бизнеса и узких мест ежедневной работы.

Практика показывает, что именно начав грамотно планировать, можно выявить различного рода нюансы, подробно рассмотрев которые можно оптимизировать бизнес-процессы, повысить эффективность работы, снизить затраты и т.д., т.е. сама по себе плановая цифра неинтересна. Интересно, что за ней стоит, какая детализация, потому что так выявляются недостатки в работе, которые нужно и можно устранить. Например, причиной затоваривания на складе может быть не обязательно сдвиг сроков поставки контейнера, а элементарное отсутствие методики планирования (норматива) складских запасов на начало и конец периода. То, что у компании может не быть серьезных проблем с поставками, отгрузками, не говорит о том, что на всех этих участках работа ведется с максимально высокой эффективностью, что все процессы отлажены и у бизнеса нет проблем. Это проблемы, которые в данный момент времени не видны и пока не тормозят текущую работу. Но, как правило, они имеют особенность появляться в самый неподходящий момент, когда времени на их оперативное решение уже нет.

Когда есть чёткий и обоснованный план работы, становится понятно, куда двигаться, кто и что должен делать в плановом периоде, а главное, для чего и какой результат ожидается на выходе. Становится легко контролировать результат, которого хотим достичь. Бюджеты — операционные и финансовые — позволяют наладить полный управленческий цикл: от планирования до учёта, контроля и анализа. В свою очередь, только полный замкнутый управленческий цикл позволяет эффективно управлять компанией и её финансово-экономическим положением.

Таким образом, система управленческого учёта, бюджетирования, финансового анализа и контроля должна быть построена таким образом, чтобы не только учитывать (контролировать по факту свершившиеся события), но и управлять ими, т.е. иметь возможность спрогнозировать ситуацию и повлиять на неё в текущем моменте времени. Контроль выполнения планов при работающей системе бюджетирования означает, что анализ отклонений проводится ежедневно, а, значит, компания может предотвратить неэффективные решения еще до того, как они будут осуществлены. В этом и есть суть планов. Именно поэтому очень важно правильно

и, что самое главное, эффективно организовать систему управленческого учёта в торговых организациях.

Список литературы:

1. 1)Варфоломеев В.Н., Умрихина С.В., Современные проблемы методов и способов организации управленческого учёта в компании/ В.Н. Варфоломеев, С.В. Умрихина// Экономический анализ: теория и практика. — 2010. — № 27.
2. 2)Васильева Л.С. Бухгалтерский управленческий учёт: учеб. пособие/ ред. Васильева Л.С. —2-е изд. перераб.и доп.-М.:Эксмо,2009. — 544 с.
3. 3)Керимов В.Э., Селиванов П.В., Минина Е.В., Концепция управленческого учёта на современном этапе развития экономики/ В.Э Керимов, П.В. Селиванов, Е.В. Минина// Менеджмент в России и за рубежом. —2001. —№ 4.
4. 4)Лысенко Д.В. Бухгалтерский управленческий учёт: Учебник/ ред. Лысенко Д.В. — М.:ИНФРА-М,2011. —478 с.
5. 5)Хорнгрен Ч., Фостер Дж., Датар Ш. Управленческий учёт: учеб.10-е изд. перев.с англ./ ред.
6. 6)Хорнгрен Ч., Фостер Дж., Датар Ш. — Спб.:Питер,2008. —1008 с. Шеремет А.Д., Николаева О.Е. Управленческий учёт: Учебник/
7. 7)Шеремет А.Д., Николаева О.Е. —4-е изд., перераб. и доп. — М.:ИНФРА-М,2009. —429 с.

KOMIL INSON FALSAFIY GENEZISIDA ABU ALI IBN SINO QARASHLARI TAHLILI.

Azizova Laylo Sadriyevna
Sharof Rashidov nomidagi Samarqand davlat universiteti
Psixologiya va ijtimoiy-siyosiy fanlar fakulteti
Falsafa va milliy g'oya kafedrasi katta o'qituvchisi
Xoliqulov Muhammad Qaxor o'g'li
Falsafa yo'nalishi 2-bosqich magistranti

Annotatsiya: ushbu maqolamizda buyuk mutafakkir Abu Ali ibn Sinoning falsafiy qarashlarida komil inson haqidagi qarashlarining kelib chiqishi haqida fikir yuritiladi. Shuningdek allomaning butun bir inson jamiyatining tub ma'nosi undagi komil inson mohiyati qisqacha yoritib beriladi.

Kalit so'zlr: Ibn Sino, komil inson, inson kamoli, donishmandlik amaliyoti, Donishnoma, qanoat, ziyraklik, mo'tadillik, ilm, ziyrakli, axloq.

Nafaqat Sharq va Yevropada balki butun dunyoga ma'rifat, madaniyat taraqqiyotiga katta hissa qo'shganligi tufayli, "Shayx–Ur Rais" Sharqda "Olimlar boshlig'i", Yevropada "Olimlar podshosi" nomi bilan shuhrat qozongan mashhur allomalardan biri o'rta asr buyuk donishmandi Abu Ali ibn Sinodir. Ibn Sino ham boshqa tengdosh zamondosh qomusiy olimlar qatori matematika, astronomiya, fizika, kimyo, biologiya, tibbiyot, dorishunoslik, ruhshunoslik, fiziologiya, falsafa, filologiya, ta'lim – tarbiya sohalarida ijod etgan va dunyoga mashhur yirik asarlar meros qoldirgan olim, eng ajablanarlisi shuncha vaqt o'tganiga qaramasdan uning asarlarida ilgari surilgan g'oyalar hali-hanuz o'zining salmog'ini, muhimligini va dolzarbligini yo'qotmagan. Bunga sabab esa uning ilmiy va falsafiy qarashlarida ilgari surilgan g'oyalarning keng qo'llanilmaganligi, hamda uning o'rganilish jabhasi haligacha tor doirada qolib ketayotganligi bilan ham bo'g'liqdir.

Ibn Sino insonning kamolga yetishida uning axloqiy kamoloti muhim ahamiyatga ega ekanligini ta'kidlaydi.

Ilmiy tadqiqotchilar uning falsafiy asarlaridan axloqqa oid fikr yuritganlari o'n ikkita deb qayd etadilar, shu o'rinda takidlash joizki bizgacha yetib kelganlari ichida xalos.

Ibn Sino axloqqa oid asarlari ichida eng mashxurlaridan biri bu "Amaliy hikmat"

(Donishmandlik amaliyoti) deb ataydi. Olimning fikricha, axloq fani kishilarning o'ziga va boshqalarga nisabatan xatti - harakati me'yorlari, mezonlari, yo'l-yo'riqlarini, hamda qoidalarini o'rganadi.

Ibn Sino axloqlilikning asosini ikki qarama qarshilik yaxshilik va yomonlik kabi tushunchalar bilan ta'riflaydi:

"Dunyoda mavjud bo'lgan jami narsalar tabiatiga ko'ra kamolot sari intiladi. Kamolot sari intilishning o'zi esa mohiyat e'tibori bilan yaxshilikdir..."[1]

Ibn Sino inson kamolotining muhim axloqiy jihatlarini ham tahlil etadi va har biriga ta'rif beradi, masalan: adolatni ruhiy lazzatning bosh mezoni hisoblaydi. Inson qanoat, jasurlik, donolik bilan adolatga ega bo'ladi, yomon illatlardan o'zini tiyib, yaxshilikni mustahkamlaydi, haqiqiy ruhiy lazzat oladi, deydi olim. Insondagi ijobiy, axloqiy hislatlarga saxiylik, chidamlilik, kamtarlik, sevgi – muhabbat, mo'tadillik, aqlilik, ehtiyotkorlik, qat'iyatlilik, sadoqat, intilish, uyatchanlik, ijrochilik va boshqalarni kiritadi.

Qanoat va mo'tadillikni insonning hissiy quvvatiga kiritadi, chidamlilik, aqllilikni g'azab quvvatiga, donolik, ehtiyotkorlikni ziyraklikka, sadoqat, uyatchanlik ijrochilik, achinish, sofdillikni tafovut quvvatiga kiritadi.

Mutafakkir qanoatni hissiy fazilatlardan biri hisoblaydi va inson o'zini ta'magirlikdan tiysa, mo'tadillikka rioya qilsa, o'zida xirsning namoyon bo'lishini yengadi, inson yomon ilatlarni yengishda esa o'z imkoniyatlarini ongli sarf etishi lozim, deydi.

Ibn Sino har bir axloqiy hislatning ta'rifini beradi:

mo'tadillik – tan uchun zaruriy oziq va xulq ma'yorlariga to'g'ri kelmaydigan ishlarni qilmaslik;

sahiylik – yordamga muxtoj kishilarga ko'maklashuvchi insoniy quvvat;

g'azab – biror ishni bajarishda jasurlik; chidamlilik – inson o'z boshiga tushgan yomonliklarga bardosh beruvchi quvvat;

aqillilik – biror ishni bajarishda shoshma – shosharlikdan saqlovchi quvvat deydi[2].

Ziyraklikni narsalar va hatto harakatlarning haqiqiy ma'nosini tezlik bilan tushunishga yordam beruvchi quvvat, achinish, kishilar baxtsizlik, azob – uqibatga duchor

[1] Najmiddin Komilov "Tasavvuf",T:,"Movorounnahr-O'zbekiston nashriyoti".2009-yil.141-bet.
[2] Yusupov E. Inson kamolotining ma'naviy asoslari – Toshkent, Universitet, 1998-yil.42-bet.

bo’lganda, ular bilan xushmuomalada bo’luvchi insoniy quvvat; kamtarlikka xudbin ishlar bilan shug’ullanishdan to’xtatuvchi kuch sifatida ta’rif beradi.

Ibn Sino insonning kamolga yetishida to’siqlik qiluvchi nuqsonlar sifatida johillik, nodonlik, shafqatsizlik, takabburlik, nafratni ko’rsatib o’tadi. Johillikni – ilmga, nodonlikni – zehni o’tkirlikka, shafqatsizlik, takabburlikni adolatga, nafratni – sevgi-muhabbatga qarama-qarshi sifatlar deya ta’riflaydi.

Ma’lumki, Ibn Sino ham boshqa mutafakkir olimlar singari o’zining ta’lim-tarbiyaga oid qarashlarini ijtimoiy-falsafiy qarashlari bilan bog’liq holda ifodalagan, maxsus risolalarda talqin etgan. Shuningdek, fanlarni tasnif etadi. Bunda u birinchi o’ringa tibbiyot fanlarini qo’yadi. Falsafani esa ikki guruhga, ya’ni nazariy va amaliy guruhlarga bo’ladi. Nazariy guruh kishilarni o’zidan tashqaridagi borliq holati haqidagi bilimlarni egallashga yo’llasa, amaliy qism bizga bu dunyoda nimalar qilishimiz kerakligini o’rgatadi deydi.

U birinchi guruhga etika, iqtisod, siyosatni kiritadi. Ikkinchi guruhga fizika, matematika, metafizika, dunyo qonuniyatlarini o’rganuvchi barcha fanlarni kiritadi.

Ibn Sino ko’pgina masalalarni materialistik hal qilsa ham, falsafaning asosiy masalalarida idealistik pozisiyada turadi. Lekin shunga qaramay, u o’ziga ma’lum bo’lgan barcha bilimlarni to’la-to’kis egallaydi, ko’p masalalarni dadillik bilan mustaqil va original hal yetishga intiladi va o’zi kirishgan yo’liga sodiq qolib, unga so’z va qalami bilan xizmat qiladi; mo’l-ko’l yutuq va g’alabalarga erishadi.

Ibn Sino fikricha, fan insoniyatga xizmat qilishi, olimlar tabiat qonunlarini ochib, avloddan avlodga etkazishlari kerak. Chunki, Ibn Sino merosinining asosiy qimmat va qudrati uning keng va kuchli gumanistik mazmunidir. U o’z ilmi, merosi bilan o’rta asr Sharqining ilmiy madaniy qudratini butun dunyoga namoyon qildi. Butun insoniyat madaniyatining rivojiga ulkan hissa qo’shdi.

Shuning uchun ham Ibn Sino jahon madaniyatining buyuk siymosi, insoniyat uchun hurmat qilgan olim, buyuk tabib, eng katta faylasuf, tabiatshunos, insonshunos, mashhur ensiklopedist sifatida tan olindi.

Demak, ibn Sinoning shaxsiy faoliyati dunyoviy ilmlarni o’rganish haqidagi ta’limotlari, ta’lim-tarbiya haqidagi mulohazalari, umuminsoniy pedagogik fikr taraqqiyotida o’ziga xos o’rinni egallaydi. Ibn Sinoning “Donishnoma”, asarida tarbiyaning

barcha shakllariga oid qarashlari mavjud. Bu qarashlar yuz yillar davomida avlodlar uchun tarbiyalash maktabi bo'lib kelmoqda.

Abu ali ibn Sino kamolotga yetishishning birinchi mezoni sanalgan ma'rifatni egallashga da'vat etadi. Chunki ilm-fan insonga xizmat qilib, tabiat qonunlarini ochib avlodlarga yetkazishi kerak. Bu maqsadga yetishish uchun inson qiyinchiliklardan qo'rqmasligi zarur, deydi. "Ey birodarlar! Odamlarning botiri mushkulotdan qo'rqmaydi. Kamolot hosil qilishdan bosh tortgan kishi odamlarning eng qo'rqog'idir" deydi[3].

Zero, ma'rifatli kishi jasur, o'limdan ham qo'rqmaydigan, faqat haqiqatni bilish uchun harakat qiladigan bo'ladi, deydi u fikrini davom ettirib.

Bilimsiz kishilar johil bo'ladi, ular haqiqatni bila olmaydilar, deb ularni yetuk bo'lmagan kishilar qatoriga qo'shadi. Bunday kishilardan ilmiy fikrlarni sir tutish kerakligini ta'kidlaydi. Bunga sabab esa mutafakkirning hayotida uchragan bo'hronlar sababli desak hech mubolag'a bo'lmaydi. Sababi esa uni allohga shak keltirishda ayblaydilar, chunki uning borliq haqidagi qarashlariga oiddir.

U haqiqatni bilish uchun bilimga ega bo'lish kerakligi, lekin har qanday bilim ham haqiqatga olib kelmasligi, inson o'z bilimining haqiqiyligini bilishi uchun mantiqni ham bilishi zarurligini qayta-qayta takidlaydi.

Ibn Sino ta'limotida komil insonni tarbiyalashda bilim berish ya'ni ilm egallashga juda katta urg'u bergan. Shuning bilan komil insoni tarbiyalab borish mumkinligiga ishongan. Ibn Sino bilishda qaysi metodlardan foydalanilmasin – u og'zaki ifodami, bilimlarni tushuntirishmi, turli ko'rinishdagi suhbatmi, tajribalarni, baribir insonda haqiqiy bilim hosil qilish, mustaqil mantiqiy fikrlash qobiliyatini rivojlantirish, olgan bilimlarini amaliyotga tadbiq eta olish qobiliyatini shakllantirish asosiy maqsad bo'lgan.

Demak, "Donishnoma" falsafa ilmiga bag'ishlangani bilan ham komil inson tarbiyasida katta ahamiyatga ega. Shuningdek, insondagi yomon illatlarni ham bartaraf etishda ilmu-fan, ziyoning ahamiyati, insondagi aql – tafakkur quvvatining yomon illatlardan qutilishi, o'zligini anglash vositasi ekanligi bilan adabiy-falsafiy asarigina bo'lib qolmay, tarbiyaviy asar sifatida ham qimmatlidir.

[3] Nasafiy A.Komil insonlar.//N.Komilov tarjimasi. -T:. Turkiston nashryoti. 2000-yil 1-avgust.№32.

Ibn Sino yuksak axloqiy xislatlarga yana kishilarning bir-birlariga do’st bo’lib yashashi, hamkorlik qilishini ham kiritadi. Chunki har bir kishi jamiyatda, odamlar bilan birga yashar ekan, ular bilan do’stona yashashga intiladi.

Modomiki, inson aloqaga muhtoj ekan, boshqa birov bilan qo’shinchilik qilish uchun uning uyi yoniga uy soladi, o’zining ehtiyojini qondirish uchun esa ishlab chiqarish mahsulotlarini almashtiradi, dushmanlardan saqlanish uchun o’zgalar bilan birlashadi. Yuqorida sanab o’tilgan omillarga tayanadigan bo’lsak Ibn Sino jamiyatning negiziga avvalo ma’naviy ehtiyojlarni qondirish asosida birlashganini alohida takidlaydi. Mana shu tariqa kishilarda birlik hissi, boshqalarga nisbatan sevgi-muhabbat va umumiy axloqiy negizlar ishlab chiqila boshlaydi. U insonda yaxshi xulqning shakllanishida xushxulq, ilmli do’st muhim rol o’ynaydi, deydi.

Olim oilada ota-onaning vazifasi va burchiga katta e’tibor beradi. Oila munosabatlariga to’xtalar ekan, ayniqsa ota-onalarning oilada mehnatsevarligi bilan farzandlarini ham kasb va hunarga o’rgatishi borasida muhim fikrlar bayon etadi. Insonning xulqi va ruhiga mehnatning ijobiy ta’sirini ta’kidlash bilan bir qatorda turli kasb egalari: hunarmand, dehqonlar mehnatini ulug’laydi va qimorboz, sudho’r kabilarni qoralaydi. U mehnatsiz hayot kechirish insonga ham jismoniy ham ruhiy tomondan salbiy ta’sir korsatishini talqin etadi.

Biz bilgan hikmatini alohida yodga olish joizdir: “Bolaga ham hali u tug’ilmasdan turib g’amxo’rlik qilish, go’daklik davridan boshlab tarbiyani boshlash zarurligini ta’kidlaydi. Bolaning yetuk inson bo’lib shakllanishida unga g’amxo’rlik, poklik, mas’uliyatni his yetish, do’stona manosabatlar tuyg’usini singdirib borish zarur”[4], deydi olim.

Xulosa qilib aytadigan bo’lsak Ibn Sinoning “Donishnoma” asarida ilgari surilgan g’oyalarni bugungi kun uchun muhim dasturamal desak hech adashmaymiz, chunki bu asarda yuqorida sannab o’tilgan ta’lim va tarbiyaga oid qarashlarini yanada umumlashtirsak va uni ta’lim muasasalarida darslarda o’quvchilar ongiga singdirish hamda Abu Ali ibn Sinoning asarida keltirilgan tarbiyaviy qarashlar yosh avlod shaxsining jismoniy, ruhiy,

[4] Rasoilu Hukamo, O’zFASHI kitob fondi, inv. N- 2385.

ichki dunyosini rivojlantirish, binobarin, yangi ijtimoiy munosabatlarni barpo qilish imkoniyatini beradi, pirovard natijada bu yangi ijtimoiy-siyosiy muhit, milliy mafkuraning ajralmas qismi sifatida ijtimoiy ongni shakllantirishni ta'minlaydi. Bu esa jamiyatimizda har tomonlama barkamol, sog'lom, dunyoqarashi teran shaxslarning shakllanish jarayonini tezlashtiradi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati.

1. Najmiddin Komilov "Tasavvuf",T:,"Movorounnahr-O'zbekiston nashriyoti".2009-yil.
2. Nasafiy A.Komil insonlar.//N.Komilov tarjimasi. -T:. Turkiston nashryoti. 2000-yil 1-avgust.№32.
3. Jumaboev I. O'zbekistonda falsafiy va axloqiy fikrlar taraqqiyoti tarixidan. – Toshkent, O'qituvchi, 1997.
4. Rasoilu hukamo, O'zFASHI kitob fondi, inv. N- 2385.
5. Uvatov.U. "Buyuk yurt allomalari". O'zbekiston nashryoti, Toshkent:, 2020-yil.
6. Xayrullayev M. Uyg'onish davri va Sharq mutaffakkirlari. – T.: O`zbekiston, 1971-yil.
7. Yusupov E. Inson kamolotining ma'naviy asoslari – Toshkent, Universitet, 1998.

МАҚОЛА

Махсудова Муниса Зарифовна

Бухоро туманлараро иқтисодий суди судьяси

Процессуал қонунчиликда даъво аризаси, унинг мазмуни ва ўзига хос жиҳатлари.

Аннотация:

Мақолада процессуал қонунчиликда даъво аризаси, унинг шакл ва мазмуни, иқтисодий судлар томонидан даъво аризасини иш юритишга қабул қилиш билан боғлиқ масалалар ҳамда хориж амалиёти таҳлил қилинган.

Сўнгги йилларда амалга оширилган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари суд ҳокимияти мустақиллигини ҳамда судлар фаолиятида очиқлик ва шаффофликни таъминлаш билан бир қаторда фуқаро ва тадбиркорларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш имконини берди.

Шу билан бирга «Янги Ўзбекистон — янги суд» тамойили доирасида аҳолининг одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишни жадаллаштиришни, соҳага илғор халқаро стандартларни жорий этишни талаб этмоқда.

2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида белгиланган вазифаларга мувофиқ, шунингдек, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, судлар фаолияти самарадорлиги ва одил судлов сифатини ошириш мақсадида 2023 — 2026 йилларга мўлжалланган суд тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишнинг қисқа муддатли стратегияси тасдиқланди[4].

Шу жиҳатдан олиб қараганда, бугунги кунда суд тизимидаги ислоҳотлар, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ-эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича олиб борилаётган чора-тадбирларнинг натижаси сифатида судларда кўрилаётган иқтисодий ишларнинг йилдан йилга ошиб боришида кўришимиз мумкин..

Жумладан, 2022 йилда Республика миқёсида иқтисодий судларда жами 276 692 та иқтисодий иш кўрилган, шунинг 10183 таси Бухоро вилояти судлари томонидан кўрилган. Бухоро вилояти туманлараро иқтисодий судларига жами 15628 та даъво аризаси келиб тушган бўлиб, шундан 143 та даъво аризасини қабул қилиш рад қилинган, 1 688 та даъво аризаси қайтарилган, 13 282 та даъво ариза иш юритишга қабул қилинган. Бу кўрсаткич 2022 йилга келиб жами 12 443 тани ташкил қилиб, шундан 156 таси бўйича даъво аризасини қабул қилиш рад қилинган, 1146 та даъво

[4] Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш ва судлар фаолияти самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2023 йил 16 январдаги ПФ-11-сонли Фармони

аризаси камчиликлари мавжудлиги сабабли қайтарилган, 10340 таси иш юритишга қабул қилиниб, биринчи инстанция судларида кўрилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Биринчи нстанция суди томонидан иқтисодий процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида” 2019 йил 24 майдаги 13-сонли қарорида иқтисодий судларнинг эътибори низоларни Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси ва бошқа қонун ҳужжатларига қатъий риоя этган, тарафларнинг тенг ҳуқуқлилиги, суд ишларини юритишнинг ошкоралиги, тортишувлиги ва одил судловнинг бошқа принципларини таъминлаган ҳолда ҳал этиш зарурлигига, уларга риоя қилмаслик эса, тарафлар ва ишда иштирок этувчи бошқа шахслар ҳуқуқлари бузилишига олиб келишига қаратишлари, ИПК 3-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ ҳар қандай манфаатдор шахс ўзининг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқларини ёхуд қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун иқтисодий судга ушбу Кодексда белгиланган тартибда мурожаат қилишга ҳақли эканлиги тўғрисида тушунтириш берилган.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 148-моддасида баён қилинганидек[5], суд манфаатдор шахсларнинг аризалари, прокурорнинг аризаси ва давлат органлари ва бошқа шахслар юридик шахслар ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида қонун бўйича судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлган ҳолларда, шу давлат органларининг ва бошқа шахсларнинг аризалари бўйича иш қўзғатади.

Даъво аризаси судга ёзма шаклда берилади ва даъвогар ёки унинг вакили томонидан имзоланади. Даъво аризасида ариза берилаётган суднинг номи; ишда иштирок этувчи шахсларнинг номи (фамилияси, исми ва отасининг исми), жойлашган ери (почта манзили) ёки яшаш жойи; агар даъво баҳоланиши лозим бўлса, даъвонинг баҳоси; даъво талабларига асос бўлган ҳолатлар; даъво талабларининг асосларини тасдиқловчи далиллар; ундирилаётган ёки низолашилаётган сумманинг ҳисоб-китоби; даъвогарнинг қонунчиликка асослаб келтирган талаблари, даъво бир нечта жавобгарга нисбатан тақдим этилганда эса уларнинг ҳар бирига нисбатан талаблар; жавобгар билан низони судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартибига риоя этилганлиги тўғрисидаги маълумотлар, агар бу шу тоифадаги низолар учун қонунда ёки шартномада назарда тутилган бўлса; илова қилинаётган ҳужжатларнинг рўйхати кўрсатилиши керак.

Даъво аризасида даъвогарнинг ёки унинг вакилининг телефонлари, факслари рақамлари, электрон манзили кўрсатилиши мумкин. Даъво аризасида, агар низони тўғри ҳал қилиш учун зарур бўлса, бошқа маълумотлар, шунингдек даъвогардаги мавжуд илтимосномалар кўрсатилади.

[5] Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси, 2018 йил 1 апрелда қонуний кучга кирган.

Россия Федерацияси Арбитраж процессуал кодексининг II-боби 13-бўлимида[6] даъво аризаси ва уни расмийлаштиришга қўйилган талаблар баён қилинган бўлиб, унга кўра даъво аризаси арбитраж судига қоғозда ёки электрон шаклда, шу жумладан электрон ҳужжат шаклида тақдим этилиши, даъво аризаси даъвогар ёки унинг вакили томонидан имзоланиши белгиланган. Шунингдек, даъвони таъминлаш тўғрисидаги илтимосномани ўз ичига олган электрон шаклда тақдим этилган даъво аризаси кучайтирилган (муҳофазаланган) квалифицияли электрон имзо билан имзоланиши кераклиги қайд этилган.

Даъво аризасини арбитраж суди муҳокамасига қабул қилиш масаласи судья томонидан даъво аризаси судга келиб тушган кундан бошлаб беш кун ичида якка тартибда ҳал қилинади. Арбитраж суди Кодексда белгиланган шакл ва мазмунга қўйиладиган талабларга мувофиқ берилган даъво аризасини иш юритишга қабул қилиши лозимлиги тўғрисидаги талаблар миллий қонунчилигимизда ҳам белгиланган.

Иқтисодий судга келиб тушган даъво аризаси беш кундан кечиктирмай судья томонидан якка тартибда иш юритишга қабул қилиниши, қабул қилиш рад қилиниши ёки даъво аризаси қайтарилиши ва бу ҳақда ажрим чиқариши лозим.

Процессуал қонун ҳужжатида даъво аризсини қайтариш асослари келтирилган бўлиб, унга асосан суд қуйидаги ҳолларда даъво аризасини қайтаради:

- даъво аризасининг Кодексда белгиланган шакли ва мазмунига риоя қилинмаган бўлса;
- даъво аризаси имзоланмаган бўлса ёки уни имзолаш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс ёхуд мансаб мавқеи ёки фамилияси, исми, отасининг исми кўрсатилмаган шахс томонидан имзоланган бўлса;
- иш мазкур суднинг судловига тегишли бўлмаса;
- ўзаро боғлиқ бўлган бир нечта талаб бирлаштирилган бўлиб, уларнинг айримлари фуқаролик ишлари бўйича судга ёки маъмурий судга, бошқалари эса иқтисодий судга тааллуқли бўлса;
- жавобгарга ва учинчи шахсларга даъво аризасининг ҳамда унга илова қилинган ҳужжатларнинг кўчирма нусхалари юборилганлигини тасдиқловчи далиллар тақдим этилмаган бўлса;
- давлат божи ва почта харажатлари белгиланган тартибда ҳамда миқдорда тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилмаган бўлса, давлат божи тўлашни кечиктириш, бўлиб-бўлиб тўлаш мумкинлиги қонунда назарда тутилган ҳолларда эса бу ҳақда илтимоснома мавжуд бўлмаса ёхуд илтимоснома рад этилган бўлса;
- мазкур тоифадаги низолар учун қонунда ёки шартномада назарда тутилган ҳолларда жавобгар билан низони судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартибига риоя этилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни даъвогар тақдим этмаган бўлса;
- даъвогар низони жавобгар билан медиация тартиб-таомилини амалга ошириш орқали ҳал қилиш тартибига риоя этилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этмаган бўлса, башарти бу мазкур тоифадаги низолар учун қонунда ёки шартномада назарда тутилган бўлса;

[6] Арбитражный процессуальный кодекс Российской Федерации от 24.07.2022 г.

- битта даъво аризасида бир ёки бир нечта жавобгарга нисбатан ўзаро боғлиқ бўлмаган бир нечта талаб бирлаштирилган бўлса;

- қонунчиликка ёки шартномага кўра қарз банк ёки бошқа кредит ташкилоти орқали олиниши керак бўлганда қарзни жавобгардан олиш учун банкка ёхуд бошқа кредит ташкилотига мурожаат қилинганлигига доир далиллар тақдим этилмаган бўлса;

- даъво аризасини иш юритишга қабул қилиш тўғрисида ажрим чиқарилгунига қадар уни қайтариб олиш тўғрисида ариза келиб тушган бўлса.

Даъво аризасини қайтариш тўғрисидаги ажрим устидан шикоят қилиниши (протест келтирилиши) мумкин. Ажрим бекор қилинган тақдирда, даъво аризаси судга дастлабки мурожаат қилинган кунда берилган ҳисобланади.

Даъво аризасининг қайтарилиши йўл қўйилган камчиликлар бартараф этилганидан кейин даъво аризаси билан судга умумий тартибда такроран мурожаат этишга тўсқинлик қилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 154-моддасига кўра, судья даъво аризасини иш юритишга қабул қилишни қуйидаги ҳолларда рад этади, агар низо судга тааллуқли бўлмаса; айни бир шахслар ўртасидаги, айни бир предмет тўғрисидаги ва айни бир асослар бўйича низо юзасидан иқтисодий суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори ёки ишни юритишни тугатиш тўғрисида ажрими ёхуд фуқаролик ишлари бўйича суднинг ҳал қилув қарори ёки келишув битимини тасдиқлаш тўғрисида ажрими бўлса; иқтисодий суднинг, фуқаролик ишлари бўйича суднинг, ҳакамлик судининг, арбитраж судининг иш юритишида айни бир шахслар ўртасида, айни бир предмет тўғрисида ва айни бир асослар бўйича низо юзасидан иш мавжуд бўлса; айни бир шахслар ўртасидаги, айни бир предмет тўғрисидаги ва айни бир асослар бўйича низо юзасидан ҳакамлик судининг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори бўлса, бундан иқтисодий суд ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақасини беришни рад этган ҳоллар мустасно; айни бир шахслар ўртасидаги, айни бир предмет тўғрисидаги ва айни бир асослар бўйича низо юзасидан арбитражнинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори мавжуд бўлса, бундан иқтисодий суд арбитражнинг ҳал қилув қарорини тан олишни ва ижрога қаратишни рад этган ҳоллар мустасно; айни бир шахслар ўртасидаги, айни бир предмет тўғрисидаги ва айни бир асослар бўйича низо юзасидан ҳакамлик муҳокамасини тугатиш тўғрисида чиқарилган ажрим бўлса, бундан ҳакамлик судида ушбу низони кўриб чиқиш ваколати мавжуд эмаслиги сабабли ҳакамлик муҳокамаси тугатилганлиги ҳолати мустасно; айни бир шахслар ўртасидаги, айни бир предмет тўғрисидаги ва айни бир асослар бўйича низо юзасидан арбитраж муҳокамасини тугатиш тўғрисида чиқарилган ажрим мавжуд бўлса, бундан арбитраж судида ушбу низони кўриб чиқиш ваколати мавжуд эмаслиги сабабли арбитраж муҳокамаси тугатилганлиги ҳолати мустасно.

Хулоса қилиб айтганда, қонунийликни қатъий таъминловчи, очиқ ва адолатли суд тизимини шакллантиришда ҳуқуқи ва қонуний манфаатлари бузилган шахсларнинг ҳуқуқларини тиклаш, жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни янада ошириш, судга мурожаат қилишнинг аниқ механизмлари бўйича тушунтириш ишлари олиб борилиши муҳим аҳамият касб этади.

Шу сабабли адолатли суд қарорлари қабул қилинишига эришиш орқали халқнинг, шу жумладан, тадбиркорларнинг суд тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлаш, ҳар бир шахс суд ва судьялар сиймосида ўзининг ишончли ҳимоячисини кўришига эришиш, шунингдек, фуқаролар ҳамда тадбиркорларга ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини судларда ҳимоя қила олиши учун барча имкониятларни яратиш, суд ишларини юритишда тортишув ва тарафларнинг тенглиги тамойилларини тўлақонли рўёбга чиқариш, судларнинг холислигини амалда таъминлашга қаратилган қонунчиликни такомиллаштириш одил судловни таъминлашнинг устувор вазифаси этиб белгиланганлиги бежизга эмасдир.

МАҚОЛА

Сафаров Азиз Сулаймонович

Бухоро туманлараро иқтисодий суди раиси

Келишув битимини тузиш билан боғлиқ суд амалиёти.

Аннотация:

Мақолада келишув битимининг мазмуни, иқтисодий судларда келишув чораларини кўриш боғлиқ масалалар ҳамда суд амалиётидаги мавжуд муаммолар таҳлил қилинган.

Миллий иқтисодиётни ислоҳ қилиш борасида ташқи савдо, солиқ ва молия сиёсатини либераллаштириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва хусусий мулк дахлсизлигини кафолатлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлашни ташкил этиш ҳамда ҳудударни жадал ривожлантиришни таъминлаш бўйича таъсирчан чоралар кўрилди[7].

Ҳозирги шиддат билан ривожланаётган иқтисодий сиёсий шароитда тадбиркорларнинг таваккалчиликка асосланган фаолиятини олиб боришида, унда контрагентларнинг ишонч, ҳурмат ва ўзаро ҳамкорлик асосида бизнесни ташкил қилишида бир қатор муаммоларга дуч келмоқда. Бу ўз навбатида, ўзаро ҳамкорликнинг тарқалиб кетишига, ҳатто айрим ҳолатларда катта миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлмоқда.

Мазкур ҳолатларда низони келишув йўли билан ҳал этиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шу ўринда, келишув битими нима деган савол туғилади.

Аслида, келишув битими низо томонлари ўртасидаги битим бўлиб, унинг матнида муаммони ҳал қилиш йўллари, томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек, шартларга риоя қилмаслик учун жавобгарлик кўрсатилади. Бундай келишув баҳсли вазиятни тугтатади, муаммони тугатади. Бошқа ҳар қандай шартнома муносабатларидан ўзига хос хусусияти суд томонидан маъқуллаш зарурати бўлиб, эришилган келишув суд қарори кучини беради[8].

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 16-боби яраштириш тартиб-таомилларига бағишланган бўлиб, унда суд тарафларнинг келишуви учун чоралар кўради, уларга иқтисодий суд ишларини юритишнинг барча босқичларида низони ҳал этишга кўмаклашиши белгиланган.

---

[7] «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Ўзбекистон республикаси Президентининг Фармони

[8] https://admmuji.ru/blog/finansy/zaklyuchenie-mirovogo-soglasheniya-v-sude-usloviya-i-sroki-v-2022.html

Тарафлар низони келишув битимини ёки медиатив келишувни тузиб ҳал этиши мумкин.

Келишув битими ёки медиатив келишув даъво тартибидаги ҳар қандай иш бўйича тузилиши мумкин.

Шунингдек, келишув битими иқтисодий суд ишларини юритишнинг ҳар қандай босқичида ва суд ҳужжатини ижро этиш жараёнида, медиатив келишув эса биринчи инстанция судида суд алоҳида хонага (маслаҳатхонага) суд ҳужжатини қабул қилиш учун чиққунига қадар тарафлар томонидан тузилиши мумкин.

Келишув битими у суд томонидан тасдиқланганидан кейин тузилган ҳисобланади. Келишув битими ёзма шаклда тузилади ва келишув битимини тузган шахслар ёки уларнинг вакиллари томонидан имзоланади.

Келишув битимида тарафлар томонидан келишилган мажбуриятларни бажариш шартлари ва муддатлари ҳақидаги қоидалар кўрсатилиши керак.

Тарафлар томонидан келишув битими шартлари бўйича қабул қилинган мажбуриятларнинг бажарилиши тарафларни бир-бирига ёки бошқа воқеаларга (ҳаракатларга) боғлиқ қилиб қўйиши мумкин эмас.

Келишув битимида жавобгар томонидан мажбуриятларни кечиктириб ёки бўлиб-бўлиб ижро этиш тўғрисидаги, талаб қилиш ҳуқуқидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш ҳақидаги, қарздан тўлиқ ёки қисман воз кечиш ёхуд қарзни тан олиш тўғрисидаги, суд харажатларини тақсимлаш ҳақидаги шартлар ва қонунга зид бўлмаган бошқа шартлар кўрсатилиши мумкин.

Агар келишув битимида суд харажатларини тақсимлаш ҳақидаги шарт мавжуд бўлмаса, суд бу масалани келишув битимини тасдиқлаш чоғида умумий тартибда ҳал этади.

Келишув битими уни тузган шахслар сонидан битта ортиқ нусхада тузилади ва имзоланади. Ушбу нусхалардан бири иш материалларига қўшиб қўйилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг “Иқтисодий судлар томонидан келишув битимини тасдиқлашда процессуал қонун нормаларининг қўлланилишига оид айрим масалалар тўғрисида” 2009 йил 18 декабрдаги 204-сонли қарорида Судлар инобатга олишлари лозимки, келишув битими деганда, ўзаро келишишга асосланган, даъво талаби (талаблари)га нисбатан аниқликка эришишга қаратилган, низони ҳал қилиш тўғрисидаги тарафларнинг ёзма келишуви тушунилиши, ИПК 163-моддаси биринчи қисмининг 8-бандига мувофиқ суд ишни судда кўришга тайёрлаш пайтида тарафларни муросага келтириш чораларини кўриши, шу муносабат билан даъво аризасини қабул қилиш ва ишни судда кўришга тайёрлаш тўғрисидаги ажримда суднинг тарафларга низони келишиш йўли билан ҳал этиш ҳақидаги таклифи кўрсатилиши лозимлиги тўғрисида тушунтириш берилган.

Яна шуни қайд этиш лозимки, суд келишув битимини тасдиқлаш тўғрисида ажрим чиқаради, унда иш юритиш тугатилганлиги кўрсатилади.

Келишув битими суд ҳужжатини ижро этиш босқичида тузилган тақдирда, битим ишни кўрган биринчи инстанция судига тасдиқлаш учун тақдим этилади.

Ижро босқичида тузилган келишув битимини тасдиқлаш масаласи келишув битими судга тақдим этилган кундан эътиборан ўн беш кунлик муддатда кўрилади.

Келишув битимини тасдиқлаш ҳақидаги ажримнинг хулоса қисмида қуйидагилар кўрсатилиши керак:

1) келишув битимининг шартлари;

2) келишув битимини тасдиқлаш тўғрисидаги хулоса;

3) суд харажатларини тақсимлаш;

4) иш юритишни тугатиш ҳақидаги маълумот.

Бундан ташқари, келишув битимини тасдиқлаб беришда судлар қуйидаги ҳолатларга аҳамият беришлари лозимлиги қайд этилган.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 134-моддасига кўра, суд келишув битимини тасдиқлашни қуйидаги ҳолларда рад этади, агар: 1) унинг шартлари қонунчиликка зид бўлса; 2) унинг шартлари учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлса; 3) у шарт асосида тузилган бўлса.

Аммо, суд амалиёти таҳлили бу борада муаммолар мавжудлигини кўрсатди.

Мисол учун, Банк судга ариза билан мурожаат қилиб, “М” хусусий корхонаси билан 2022 йил 14 ноябрь куни тузилган келишув битимини тасдиқлашни сўраган.

Тарафлар ўртасида тузилган келишув битими ижро жараёнида тузилган бўлиб, унда “М” хусусий корхонаси мавжуд қарздорликни бўлиб-бўлиб тўлаши, агар тўлов амалга оширилмаса Банкда қайта ижро варақаси олиш ҳуқуқи пайдо бўлиши кўзда тутилган.

Ушбу ҳолатда тарафлар ўртасида тузилган келишув битими шарт асосида тузилганлиги сабабли суд уни тасдиқлашни рад қилишни лозим топган.

Яна бир бошқа ҳолатга кўра, Банк манфаатида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси “Р” фермер хўжалигидан асосий кредит қарзини ундиришни сўраган.

Суд мажлисида даъвогар вакили тарафлар ўртасида 2021 йил 21 октябрда тузилган келишув битимини тақдим этиб, келишув битими қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ бўлганлиги учун, уни тасдиқлаб беришни сўради.

ИПКнинг 63-моддасига кўра, судда иш юритиш ваколатлари вакилга уни вакил қилган шахс номидан барча процессуал ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқини беради, бундан даъво аризасини имзолаш, ишни ҳакамлик судига топшириш, даъво талабларидан қисман ёки бутунлай воз кечиш ва даъвони тан олиш, даъво предметини ёки асосини ўзгартириш, келишув битими, медиация тартиб-таомилини амалга

ошириш тўғрисидаги келишув ёки медиатив келишувни тузиш, ваколатларни бошқа шахсга топшириш (ишониб топшириш), суд ҳужжати устидан шикоят қилиш, қонуний кучга кирган суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриб чиқиш тўғрисидаги аризани имзолаш, суд ҳужжатининг мажбурий ижро этилишини талаб қилиш, ундирилган мол-мулкни ёки пулни олиш мустасно. Вакилнинг ушбу моддада кўрсатилган ҳаракатларнинг ҳар бирини амалга оширишга бўлган ваколатлари у қайси шахс томонидан вакил қилинаётган бўлса, ўша шахс берган ишончномада махсус назарда тутилган бўлиши керак.

Аниқланишича, келишув битими ФХ томондан унинг раҳбари Р.Ҳ ва банк томонидан унинг раҳбари А.О. томонидан имзоланган. Бироқ, банк раҳбари А.О.га берилган 2021 йил 19 октябрдаги ишончномада келишув битимини имзолаш ваколати унга берилмаган.

Келишув битими ваколати бўлмаган шахс томонидан имзоланганлигини ҳисобга олиб, ИПКнинг 134-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига ва 63-моддаларига таянган ҳолда суд уни тасдиқлашни рад этишни ва ишни мазмунан кўриб чиқишни лозим топган.

Хулоса қиладиган бўлсак, мазкур институт тадбиркорлик соҳасида ҳамкорликни кучайишига, тарафлар ўртасида дўстона муносабатларнинг сақланиб қолиши, иқтисодий судларга низоларни тез ва тўғри ҳал этилиши, шунингдек, судларда низоларнинг камайишига сезларли даражада таъсир кўрсатди.

Linguo-Cultural Features of Associative Words in English and Uzbek Languages

Nuriddinova Madina Raim Qizi, Gulistan State University, English Language and Literature Department's Teacher.

Bahranova Dilsora Ravshan Qizi, Gulistan State University, English Language and Literature Department's Student

Annotation. *We know that English is now recognized as a world language as well as in our Uzbekistan. Therefore, this article discusses some problems in compiling associative dictionaries and their similarities and differences between Uzbek and English.*

Keywords: *culture, traditions, language, associations, compile, Uzbek linguistics, methods, linguo-cultural situation.*

The problem of the relationship and interaction of language and culture has become central in science emerged in the middle of the last century at the confluence of sociolinguistics, ethno-linguistics, linguistic country studies, cultural studies – cultural linguistics. Main tasks of modern cultural linguistics are reflecting national consciousness in the language, verbalizing cultural objects by means of the language, transmitting valuable cultural categories in lexical meanings of words. To describe problems of language system functioning in a certain historical period and on a certain territory, one should refer to the concepts of a *language situation, a linguo-cultural situation* that are constantly developing, therefore, they can be characterized as stable or dynamic and represent a static time period of a certain linguistic culture that forms next similar periods. In studying the linguo-cultural situation it is important to consider linguo-cultural concepts, i.e. multilayered, multidimensional structures, including ideas, emotive, historical, etymological components, specified by objectivity and historical conditionality. As Slyshkin reasonably points out, "not every real phenomenon of reality can form the basis of the concept, but only the phenomenon which becomes the object of evaluation", therefore the axiological component is a significant component of the concept. The connotation of a concept is realized only in discourse, a wide

context, since only under these conditions lexical units that verbalize the concept get an additional - connotative - component of their lexical meanings. The specifics of the linguo-cultural concept lie in the fact that it is recognized as a cultural object.

Approaching to the language from both cultural and national point of view is clearly important in these modern language developed circumstances, in addition it defines the language's level in world linguistics and in turn, it reflects to the development of the concept of national character. The approval of cultural linguistics as an independent direction in the science of language has become auspicious due to the possibility of faction into a single complex the issues arising around the idea that language and culture are interconnected synchronously and interdependent diachronically. As A.S.Mamontov fairly points out that "the linguo-culturological aspect of the study of the manifestation of the specifics of the "national personality" is associated with a significant massive of vocabulary, where the dominant component is, in particular, the "system of ideas".

The history of linguo-cultural study begins with the ideas of Wilhelm von Humboldt, who believed that the cultural ingenuity and construction of the language are interconnected and accompaniment with each other. The scientists who did their best in this field are: A. Wierzbickaya, R.M. Keesing, R. Langacker, V. Maslova, V. Karasic, S. Vorcachev, V. Telia, V. Shaklein, F. Vorobev, J. Stepanov, E. Levchenko, V. Kononenko, V. Zhayvoronok. A number of works are being carried out in the field of linguo-culturology in Uzbek linguistics. In particular, A.Nurmonov's "Linguo-culturological direction in the Uzbek language", N.Mahmudov's "In search of perfect research ways of language", Sayidrahimova's articles "Some remarks on the scientific basis of linguo-culturology", "Components of linguo-culturology", D.Khudoyberganova's "Anthropocentric study of the text" articles and monographs can be marked as a fact of the researches that are being carried out in the field. The essence, subject and objects of linguo-culturology were investigated in the above-mentioned works.

Linguo-culturological analysis of phraseological units studies the national color of their origin. In every linguo-cultural study we can encounter phraseological units with national-cultural features. For example, it is difficult to find idiom of Uzbek language

"musichaday beozor" than in any other languages. In analogical model of the idiom has national-cultural connotative meaning. We can see the vivid reflection of "harmless" quality that is typical for Uzbek nation. However, in English language we can observe "dove" as a harmless prototype, such as "As harmless as a dove".

In describing a linguo-cultural situation, it is important to analyze linguo-cultural details and universals. The analysis of linguistic units verbalizing these formations is the essence of linguo-culturological analysis of an artistic text. One of the methods of describing a linguo-cultural situation is modeling cultural thematic text fields. The method of cultural and thematic fields proposed by Shaklein flows organically from the field method in linguistics. This field has some characteristics similar to those of other fields: the words in the fields are linked by syntagmatic, paradigmatic and associative relations. More particular cultural meanings are actualized in cultural thematic micro fields of the text.

The aspects of cultural linguistics and, in particular, linguistic situation as an actual problem of linguistics, have been continually considered on the material of the English language in the USA, the Russian language in Russia, several languages in West Africa, Romanic languages. We can also mention linguistic and cultural studies on the material of the Russian language in terms of other linguistic and cultural traditions: Vietnam, the Republic of Kazakhstan. To describe linguistic phenomena in their interaction with cultural ones, we suggested the term of the linguo-cultural situation, understood as "all manifestations of human spiritual activity, as well as socio-ideological and ideological processes reflected in the language". Professor Yamuna Kachru, the researcher of Anglophone linguistic culture, draws attention to such arguments as "the relationship between language and culture"; cultural specifics of text types". The paper by Zhumasheva, Sametova, Muktarova, Batyrkhan, and Sultaniyazova is devoted to the study of "a linguo-cultural interference in the dialogue of cultures".

Highlighting pure linguistic phenomena in their inseparable connection with the culture of the community at a certain historical period gave birth to the term of the linguo-cultural situation. This term, as well as the methodology of studying the linguo-cultural situation, was proposed by Shaklein in his monograph "Linguo-cultural situation and the study of the text." The text is recognized as the material for studying the linguo-cultural

situation, and the degree of the analysis objectivity depends on the number of texts studied by the researcher.

When characterizing the linguo-cultural situation, two factors are important: 1) temporary: the linguo-cultural situation is understood as a constantly changing process, prepared by previous periods and preparing the basis for subsequent periods; 2) structural: the linguo-cultural situation contains a certain number of social formations, languages, and cultures.

All above-mentioned characteristics make it possible to formulate the following definition of the linguo-cultural situation: "A linguo-cultural situation is a dynamic and wavelike process of interaction between languages and cultures in historically established cultural regions and social environments".

The linguo-cultural situation is complex; it incorporates a linguistic, cultural, social, and ethnic situation. The essence of each linguo-cultural situation is a complex of nationwide, group and individual features in the language of the period. Even relatively individual language of artistic texts reflects linguo- cultural situation to a certain degree. Therefore, in order to obtain an objective view of a linguo-cultural situation, it is necessary to involve as many texts of different writers as possible. That is why linguo-culturological analysis is complex, it includes a general philological analysis, involving techniques of genre assessment of language means and analysis of the ideological content of the text, and conceptual analysis aimed at recreating a specific fragment of the linguistic worldview. Consequently, a linguo-culturological analysis of a text considers three aspects - cultural and ideological content, composition, and language.

The linguo-cultural situation, which is a static time sample of a certain linguo-culture, is characterized by a temporary factor. It incorporates several cultures and languages. It is studied on the material of texts, and the objectivity of its assessment depends on the number of these texts. Analyzing texts in terms of the linguo-cultural situation implies characterization of linguistic fragments that actualize linguo-cultural universals, linguo-cultural details and linguo-cultural concepts.

Ideological and thematic content, plot features, text composition are also of interest to the researcher. The essential difference between the linguo-cultural concept and other

concepts lies in its localization in consciousness, and not simultaneously in consciousness and in language. The linguo-cultural concept differs from other mental units in that it always has a certain value in its center. It is a unit of consciousness, it is determined by culture and expressed by language units. A significant component in the structure of the linguo-cultural concept is axiological that conveys various types of assessments.

Information can be exploited by a learning algorithm to associate words with meanings. To learn meanings which are subsequently useful to the learning system, it is preferable to learn functional meanings rather than the denotational meanings which have been the focus of previous associative word learners. Functional meanings are also consistent with the theories of mental models developed in psychology. Functional meanings necessitate a learner with structured perception of the environment since acquired functional meanings must hang on a framework which can capture an action's potential effects on the world. More complex meanings also necessitate the association of phrases rather than words to meanings.

All language learning is concerned with the proper use of words and phrases. Early first-language learning is particularly focused on learning words that can be used to refer to the immediate environment (objects, relations, events and processes) or used in simple social activities (expressions, requests, etc.). The early first-language learner is faced with the challenge of determining both what the usable units of language are (words and eventually grammatical constructs) as well as the appropriate contexts of their use. We propose that a significant portion of this early language learning problem can be viewed as an associative learning problem, where the language learner is learning the associations between represented contexts for use (perceptual categories, representations of event structure, etc.) and verbal patterns (discovering word boundaries and the ordered structure of words in sentences).

It is known that the study of the problem of associative connection of words in the language in the creation of the text has been in the focus of linguists. Due to the associative relationship of words with each other, the text is logically and semantically structured. For instance, language units with national-cultural markers are associated with similarly marked language units in the text and serve to create a national spirit in the text. This showed that,

it is also necessary to study their associative relationships in determining the nature of language units in practical use.

References:

1. Chapaeva, L. G., Cultural and linguistic situation in Russia in the 1830s – 1840s in the context of disputes Slavophiles and Westerners. - Moscow, (2007). – 58 p.
2. Karaulov, U. N., Sorokin, U. A., & Tarasova, E. F. (1994). *Russian associative dictionary*. AST.
3. Lutfullayeva, D., & Saparniyazova, M., The issue of the associative approach to the language at the modern stage of the Uzbek language science. *// The issues of the cognit. linguist., 2*, (2020). - 139–146pp.
4. Lutfullayeva, D., Davlatova, R., & Tojiboyev, B., O‘zbek tili assotsiativ lug‘ati (milliy-madaniy birliklar). - *Navoiy univer. nashriyot-natbaa uyi*, (2019). – 5-8 pp.
5. Mamontov A.S., Language and culture: a comparative aspect of the study. – 18-19 pp.

KOMMUNIKATIV KO'NIKMALARNI BO'LAJAK O'QITUVCHILARDA RIVOJLANTIRISH MODELI

Izbosarova Zuxro Anatoliy qizi

Termiz davlat universiteti 2-kurs tayanch doktoranti

Annotatsiya: Ushbu maqola bo'lajak boshlang'ich sinf o'qituvchilarining kommunikativ ko'nikmalarini rivojlantirish tizimini takomillashtirish haqida yozilgan. Muloqot jarayonida o'quvchi tomonidan bildirilayotgan fikrlar, uning qarashlari shaxsni yaqindan o'rganish uchun imkoniyat yaratadi. O'quvchi shaxsini yaqindan bilish, uning ichki kechinmalari, o'y-fikrlari, his-tuyg'ulari, orzu-umid, maqsad va hayotiy intilishlaridan xabardor bo'lish pedagogik jarayonning metodik, ruhiy jihatdan to'g'ri tashkil etilishini ta'minlaydi.

Kalit so'z: boshlang'ich sinf, o'qituvchi, kommunikativ, ko'nikma, rivojlantirish, fikr, shaxs.

Odatda muloqot shaxslar o'rtasida birgalikdagi faoliyat ehtiyojlaridan kelib chiqadigan bog'lanishlar rivojini aks ettiradi. Muloqot ikki va undan ortiq kishilar o'rtasida bilish yoki baholash tarzidagi axborot almashishda namoyon bo'luvchi o'zaro ta'sirdir[1]. U birgalikda faoliyat ko'rsatuvchilar o'rtasida axborot ayirboshlashni ta'minlaydi. Bunda munosabatning kommunikativ jihati hisobga olinadi[13]. Kishilar munosabatga kirishishda avvalo tilga murojaat qiladi[2]. Muloqotning yana bir jihati munosabatga kirishuvchilarning o'zaro birgalikdagi harakati axborotlarni faqat so'zlar bilan emas, balki harakatlar bilan ham ayirboshlash namoyon bo'ladi.

Muloqotchanlik hissiy tabiatga ega bo'lib, ular kommunikativ va altruistik hislardir. Kommunikativ hislarga fikr almashish, hayajonlanish, simpatiya (yoqtirish) his qilish, muloqotda bo'layotgan hamroxni hurmat qilish kabilar kiradi[3]. Altruistik hislar esa kishilarga quvonch keltirishni xohlash, boshqalar quvonchidan xursand bo'lish, hamdardlik bildirish va shu kabilardan iborat.

Bo'lajak o'qituvchining kommunikativ qobiliyatini rivojlantirish metodlari – mutaxassis sifatida bo'lajak o'qituvchilarning o'quvchilar bilan bo'ladigan munosabatlarda o'z fikri, his-tuyg'ulari, hissiyotlarini to'g'ri ifodalashga, o'quvchilar tomonidan to'g'ri qabul qilinishiga, suhbat jarayonida o'z qarashlarini muvaffaqiyatli himoya qilinishiga erishish imkonini beradigan layoqatlarini yanada mustahkamlash va takomillashtirish[4]. Kommunikativ qobiliyati - bu bolalar bilan muloqotda bo'lishga, o'quvchilarga yondashish uchun to'g'ri yo'l topa bilishga, ular bilan pedagogik nuqtai-nazardan maqsadga muvofiq o'zaro aloqa bog'lashga pedagogik taktning mavjudligiga qaratilgan qobiliyatdir.

Pedagogga xos bo'lgan mahorat asosini tashkil etuvchi pedagogik muloqot madaniyati uning o'quvchilar jamoasi, ota-onalar, hamkasblar hamda rahbariyat bilan uyushtiriladigan

muloqot jarayonida namoyon bo‘ladi[5]. Bunda, ayniqsa, pedagogning o‘quvchilar jamoasi bilan o‘zaro muloqoti muhim ahamiyatga ega. Pedagog o‘quvchilar bilan muloqotga kirishishga, uning samarali bo‘lishiga intiladi. Muloqot jarayonida o‘quvchi tomonidan bildirilayotgan fikrlar, uning qarashlari shaxsni yaqindan o‘rganish uchun imkoniyat yaratadi[14]. O‘quvchi shaxsini yaqindan bilish, uning ichki kechinmalari, o‘y-fikrlari, his-tuyg‘ulari, orzu-umid, maqsad va hayotiy intilishlaridan xabardor bo‘lish pedagogik jarayonning metodik, ruhiy jihatdan to‘g‘ri tashkil etilishini ta’minlaydi[7]. Zero, bu jarayonda pedagogik o‘quvchi shaxsiga xos yosh, psixologik va shaxsiy xususiyatlarni inobatga olgan holda faoliyatni tashkil etadi. Muloqot jarayonidagi axborot almashinuvi ta’lim jarayoni ishtirokchilarining o‘zaro ijtimoiy jarayonlar, shaxs kamolotining kechishiga doir ma’lumotlar almashishini ta’minlaydi[12]. Muloqot faqat insonlarga xos bo’lgan jarayondir. Kishilarda faoliyat jarayonida bir-birlariga nimanidir aytish istagi tug’iladi[6].

Kommunikativ qobiliyatlar, so'z, fikr - tuyg'u orqali munosabat, o'zaro fikr almashuv, fahm-idrokli bo'lish, turli qobiliyat ko'rinishlari, qirralari iqtidorligiga ega bo'lish, dinamizm (harakatchang), faol, olg'a siljish; emosional (his-tuyg'u jo'shqin), qat'iyatlik,qunt, sabot - chidamli; kelajakka ishonch (kelajakni qo'ra bilish), e'tiborli, nufuzli bo'lish (o'z ta'sirchanligi bilan mahliyo, maftun eta bilish)[11], Pedagogik texnika o'z-o'zini boshqara olish, boshqalar bilan aloqa - munosabat o'rnata olish kabi malakalariga ega bo'lish ta'lim-tarbiya samaradorligini ta'minlashni qafolatlaydi[8].

Maxsus pedagoglik qobiliyatlari ichida shundaylari ham borki, ularni aniq o'qituvchilik yoki tarbiyachilik faoliyatiga mansub deb ajratib bo'lmaydi. Negaki, ular har ikkalasi uchun ham bir hilda zarurdir. Bu narsa - pedagogik muloqot, muomaladir. Psixolog olim V.A.Kan-Kalik bunday qobiliyatni tadqiq qilib shunday yozgan edi. "Pedagoglik ishi o'z tuzilishida ikki yuzdan ortiq tuzilmani tashkil qiladi. Muloqot uning eng murakkab tomonlaridan biridir, negaki u orqali pedagogik faoliyatning eng asosiy maqsadi - o'qituvchi shaxsining o'quvchi shaxsiga t'siri amalga oshiriladi. Pedagogning muhim mahoratlaridan yana biri o'quvchilar bilan uzoq va samarali ta'sir o'tkazishni tashkil etishidir".Odatda bu mahoratni pedagogning kommunikativ qobiliyati bilan bog'laydilar. Kasbiy pedagoglik muloqotiga ega bo'lish - shaxslararo muloqotga tegishli bo'lgan pedagog shaxsining muhim tomonidir[9].

Kommunikativ ko‘nikmalar – shaxslararo munosabatlarda shaxsning o‘z fikri, his-tuyg‘ulari, hissiyotlari to‘g‘ri ifodalashga imkon beradigan qobiliyat, odat, ko‘nikma va malakalari. Ular suhbatdosh tomonidan uni to‘g‘ri tushunilishini, to‘g‘ri qabul qilinishini ta’minlaydi[10].

Shunday qilib, pedagogik muloqot jarayoni beshta bosqichda kechadi. Har bir o’qituvchi bu bosqichlar mohiyatidan yaxshi xabardor bo’lishi lozim. Muloqotning bir necha turlari farqlanadi, shuningdek, u bir necha shakllarda tashkil etiladi. Qolaversa, muloqotning samarali bo’lishi uchun bir qator metodlar qo’llaniladi. Pedagogik muloqot pedagogik

ta’sirning eng muhim sifati bo’lib, uning yordamida o’qituvchilar o’quvchilarga o’quv-tarbiyaviy ta’sir o’tkazadi deyishimiz mumkin.

ADABIYOTLAR:

1Bekmirzayev N. Notiqlik san’ati asoslari. – Toshkent: Yangi asr, 2008. Muhiddinov A.G. O‘quv jarayonida nutq faoliyati. – Toshkent: O‘qituvchi, 1995.

Erkaboeva N. Pedagogik mahorat / O‘quv qo‘llanma. – Qo‘qon: Qo‘qon DPI nashriyoti, 2020.

Abdukarimovich, Y. T. (2023, January). SPECIFICITY OF PEDAGOGICAL AND PSYCHOLOGICAL PREPARATION OF YOUNG PEOPLE FOR THE FAMILY. In Conference Zone (pp. 147-149).

Yo‘ldoshev Tojiddin Abdukarimovich. (2023). OILADA BOLALARNI TO‘G‘RI TARBIYALASHNING ASOSIY SHARTLARI VA MUAMMOLARI. SCHOLAR, 1(1), 139–143.

Abdukarimovich, Y. T., Isokovich, U. F., & Melikmurodovich, S. U. B. (2023). FORMATION OF A RELATIONSHIP OF RESPONSIBILITY TO THE FAMILY IN YOUNG PEOPLE.

Abdukarimovich, Y. T. (2022). BOSHLANG ‘ICH SINF O ‘QUVCHILARNI TARBIYALASHDA MA ‘NAVIY-AXLOQIY XUSUSIYATLARNI SHAKLLANTIRISH. Uzbek Scholar Journal, 11, 114-116.

Abdukarimovich, Y. T., Nurmamatovich, K. A., & Kakhramonovna, S. S. (2022). Crisis of the Age of Maturity, The Formation of The Image of “I”. Global Scientific Review, 9, 21-25.

Abdukarimovich, Y. T., & Melikmurodovich, S. U. B. (2022). Art Therapy in Eliminating Aggressiveness in the Individual. Global Scientific Review, 9, 1-4.

Isakovich, U. F., & Abdukarimovich, Y. T. (2022). THE PECULIARITIES OF THE FORMATION OF SPIRITUAL EDUCATION IN CHILDREN IN THE FAMILY. European Journal of Interdisciplinary Research and Development, 9, 1-4.

Yuldashev, T. (2022, February). Measures to eliminate or prevent the manifestation of personality aggression. In Conference Zone (pp. 227-229).

Abdukarimovich, Y. T., & Melikboboyevich, S. U. (2022). FORMING A RESPONSIBLE ATTITUDE TO THE FAMILY IN YOUNG PEOPLE. Galaxy International Interdisciplinary Research Journal, 10(1), 653-657.

Abdukarimovich, Y. T. (2021). Pedagogical direction cooperation between family and educational organization.

Yo'Ldoshev, T. (2021). KELAJAK AVLODNI TARBIYALASHNING PSIXOLOGIK VA PEDAGOGIK XUSUSIYATLARI. Academic research in educational sciences, 2(NUU Conference 1), 333-336.

Йулдошев, Т. А. (2018). ЦЕННОСТНЫЕ ОРИЕНТАЦИИ В ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ БУДУЩИХ ПЕДАГОГОВ. Журнал выпускается ежемесячно, публикует статьи по гуманитарным наукам. Подробнее на, 85.

Ҳуқуқий онг маданиятини юксалтиришда тажриба-синов ишларининг мақсади ва вазифалари

Исмаилов Сарварбек Анварбекович

Андижон давлат университети Ижтимоий иқтисодиёт факултети мустақил изланувчиси

Аннотация: Ушбу мақолада мактаб ўқувчиларининг ахборот агентликлари, ижтимоий тармоқлар ва телевизион каналлар нинг онга турлича таьсир қилиши, ҳамда тажриба-синов ишларининг мақсади, вазифалари ҳақида сўз юритилади.

Калит сўзлар: Ахборот агентликлари, шериклик педагогикаси, ижтимоий тармоқлар, мактаб ўқувчиси

Ахборот агентликлари, ижтимоий тармоқлар ва телевизион каналлар томонидан кишининг онги ва шуурига турлича ахборотлар билан таъсир қилиш катталар ва болалар онгида тартибсизликни келтириб чиқаради. Болаликдан шериклик педагогикаси тамойилларига асосланган танқидий фикрлашни тарбияламасдан туриб, таҳлил қилиш, объектив хулосалар чиқариш, тинглаш ва англай олишга қодир бўлган; конструктив мулоқот ва бағрикенгликка асосланган мунозара олиб боришга қодир бўлган авлодни тарбиялаш мушкулдир. Шу сабабли, мактабларининг ҳар қандай ўқувчисининг камида бир куни таҳлил қилинса, дарс ва тарбия машғулотларида қўлланилаётган барча таълим ва тарбия усуллари ўринли ва тўғри ёки йўқлигини ҳақида чуқур мулоҳаза юритишга асос бўлади. Афсуски, мактаб ўқувчиларининг билими, дунёқараши ва савиясининг ташхиси қувонарли натижаларни тақдим этмайди. Синф раҳбари ўзининг тарбияланувчиларига нима кераклигини аниқ билишига, жуда қизиқарли тадбирларни режалаштираётганига ва ўтказаётганига қатъий ишонган бир пайтда, мактаб ўқувчилари мутлақо бошқача хаёлда бўладилар. Очиғини айтганда: кўпинча синф (тарбия) соатининг шакли - суҳбат ҳисобланади Болалар сайр ва экскурсиялар, дискотека ёки кўнгилочар дастурларни хоҳлашади ("синф раҳбари болалар нигоҳида" сўровномаси натижаларига кўра). Кўпинча ўқитувчи ўзини ҳар бир нарсада априори энг

яхшисиман деб ҳисоблайди, чунки ўқувчиларга қараганда унинг ёши катта, тажрибали, ақллидир . Мактаб ўқувчилари эса ёнларида баҳслашиш мумкин бўлган дўсти, маслаҳатчиси, шеригини кўришни хоҳлашади, зеро, барчага маълумки ҳақиқат шу тарзда туғилади.

Америкалик психотерапевт К.Рожернинг сўзларига кўра, болалар танлаш ҳуқуқига эга бўлишлари кераклиги уларнинг эркинликларини англатади. Ўқувчилар дарсига қатнашишлари лозим бўлган ўқитувчи ҳам уларга шундай имконият бериши мумкин, албатта. Қўрқув ва кўникиш, ўқитувчининг қарорларини сўзсиз бажариш эмас, балки ўзаро ҳурмат ва ишонч – бу ўқитувчи ва талаба муносабатларининг асосидир. Европа мактаблари мана шу тамойил асосида узоқ вақт давомида ишлаб келишмоқда ва бу ижобий тажриба асосида ишлашга мамлакатимизда ҳам ҳаракат қилиб келинмоқда.

Боланинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда дарс ёки тарбиявий тадбирни лойиҳалаштириш ҳар бир ўқитувчининг вазифасидир. Бироқ, бу ҳамма учун мумкинми? Ҳар бир ўқитувчи ишонч билан барча ўқувчилар унинг дарси ёки синф соатидан манфаатдор эди, деб айта оладими? Афсуски, баъзи ўқитувчилар учун анча олдин унутилган, тарбия усулларининг “устқурмаси” мавжуд: шикоят қилиниши мумкин бўлмаган қатъий оҳанг, қаттиқ қараш, баъзан ҳатто қичқириқни қўмсаш ҳоллар учрайди. Мактаб бундай ўқитувчилар билан хайрлашиши керак. Қандай қилиб инсонни қадр-қимматини камситиш орқали тарбиялаш мумкин?

Шунинг учун ҳар бир синф раҳбари ўз синфи билан ишлашни режалаштираётганда, аввало, шогирдлари нимани хоҳлашини, нима билан шуғулланишини, қандай яшашини сўраши керак. Ҳар бир ўқувчи шахс ҳисобланади ва айнан шу постулатни бир дақиқага унутмаслик керак. Ҳар бир тарбиявий тадбир самарали бўлиши зарур: ўқитувчи истаган барча саъй-ҳаракатларни нимага йўналтираётганини аниқ башорат қилиши лозим.

Синф раҳбари шогирдларини бошқа одамлар билан бирга яшашга, бир-бирига ёрдам беришга, болаларнинг қобилиятлари ва истеъдодларини очиб беришга, уларни

ривожлантиришга ўргатиши керак. Биз болага диққат билан қараймиз: бугунги кунда унинг хавотирли кайфияти қандай? Ўзингизга ташқи томондан қараш, хатти-ҳаракатларингиз ва ҳаракатларингизни таҳлил қилиш жуда фойдали. Тинглайдиган, тушунадиган, маслаҳат берадиган, ёрдам берадиган жилмаювчи ўқитувчи –айнан мана шундай ўқитувчини ўқувчилар кутмоқда.

“Сиз билан маслаҳатлашмоқчиман ...”, “Менга ёрдам беринг ...”, “Сиз нима деб ўйлайсиз ...”- ушбу алоқа усули болаларни шериклик муносабатларига тайёрлайди, уларда ҳамкорликни рағбатлантиради.

Ҳар доим оптимист бўлиш, бошланган ишнинг муваффақиятига ишониш ва болаларда бу ишончни илҳомлантиришингиз керак (“сизда албатта ҳаммаси яхши бўлади”, “мен ҳатто муваффақиятли натижага шубҳа қилмайман”). Тажрибали ўқитувчи ҳар бир талабанинг эксклюзивлигини таъкидлайди: (“фақат сиз қила оласиз....”, “Мен ушбу илтимос билан сиздан бошқа ҳеч кимга мурожаат қила олмайман ...”). Арзимаган нарса учун ҳам мақтов эса келгусида ютуқларга ундайди.

Шунинг учун айнан ўқитувчи талабанинг фуқаролик қобилиятини шакллантиришда, унинг жамиятдаги ижтимоийлашувида муҳим рол ўйнайди. Ўқитувчининг ишончи, унинг фаол ҳаётий позицияси, билимдонлиги, ўз нуқтаи назарини асосли тарзда ҳимоя қилиш, барча воқеалардан хабардор бўлиш, халқаро шароитларни билиш, фактлар билан ишлаш қобилияти – бу фикримизча, замонавий ўқитувчига хос бўлган энг муҳим таркибий қисмлар рўйхатидир. Ва, албатта, ўзининг мисолида тарбиялаш. Аксинча, сўзлар амаллардан фарқ қилса, барча таълим фойдасиздир.

Синф соатлари ва синфдан ташқари ишларни тайёрлашда биз замонавий Z авлодининг ўзига хос хусусиятлари: сабрсизлик, қисқа муддатли мақсадларга эътибор бериш, Интернетга қарамлик, хаёлий фикрлашнинг майда қисмлардан иборатлигини ҳисобга олиш зарур, зеро, замонавий болалар ҳалолликни қадрлашади ва гиперфаолдирлар. Бундай ўқувчилар учун суҳбатлар ва маърузалар энди қизиқ эмас. Уларга ёрқин визуал материал ва аниқ вазифалар ва уларни амалга оширишнинг

“қайтарма боғлиқлиги” зарур. Материал оптимистик оҳангда тақдим этилиши лозим. Фикрлашнинг ижобийлигими болаларнинг ақлий фаолиятига ёрдам беради. Синф раҳбари вақтдан самарали фойдаланишни ўрганиши керак. Z авлоди вакиллари 15-20 дақиқадан кўпроқ вақт давомида ўз эътиборини ҳеч нарсага қаратолмайдилар. Шунинг учун синф соатини ўқувчилар фаолият турини ўзгартирадиган маълум оралиқларга ажратиш ўринлидир. Бунда ўқувчилар ортиқча маълумот билан “юкланмайди”, аксинча ўқувчилардаги сабр-тоқат ва қатъиятлиликни ривожлантиришга ёрдам берадиган узоқ муддатли лойиҳаларга жалб қилинади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Бегматов А. Ижтимоий шериклик ва ижтимоий хавфсизлик // Жамият ва бошқарув. - Тошкент: 2014. - №1. -Б.43.

2. Z авлод (инглизча Generation Z) (шунингдек, зумерлар, хоумлендерлар, инглизча: Homelanders, Homeland Generation, Zoomers ёки New Silent Generation номлари билан ҳам машҳур) – 1997-2012 йилларда туғилган кишилар авлодига нисбатан дунёда қўлланиладиган термин. Z авлод вакиллари планшетлар, VR- ва 3D-реаллликдан фаол фойдаланишади. Бошқача айтганда “рақамли авлод”.

3. Роджерс К. Взгляд на психотерапию. Становление человека. – М.: "Прогресс", 1994.

PUNKTUATSIYA TADQIQIGA ZAMONAVIY VA ANTROPOTSENTRIK YONDASHUVLAR

To'rayeva Dilbar Meyliyevna,
Qarshi davlat universiteti katta o'qituvchisi
dilbarturayeva270@gmail.com

Avvalgi bandlarda ko'rib o'tilganidek, an'anaviy punktuatsion tizim XIX asrning oxiri XX asr boshlarida yevropa yozuvlari negizida to'la shakllanib bo'ladi. Tilshunoslikda punktuatsion nazariyaning shakllanishi va taraqqiyotida uch asosiy bosqich farqlanadi:

1) punktuatsiyaga an'anaviy yondashuv – XV asrdan XX asrning o'rtalarigacha bo'lgan davr;

2) punktuatsiyaga zamonaviy yondashuv – XX asr o'rtalaridan XX asr oxirlarigacha bo'lgan davr;

3) punktuatsiyaga antropotsentrik yondashuv – XX asr oxiri va XXI asr boshlaridan hozirgi kungacha bo'lgan davr.

Punktuatsiya tadqiqining an'anaviy bosqichi deyarli barcha tilshunosliklarda bir davrga to'g'ri kelib, umumiy punktuatsion me'yorlarning ommalashishi va mustahkamlanishida muhim rol o'ynadi. Tinish belgilarini ilmiy o'rganish – punktuatsiya tarixiga doir dastlabki nazariy qarashlar M.V.Lomonosov, R.Lounch, Dj.Robertson, N.I.Grech, A.X.Vostokov, F.I.Buslayev, K.F.Bekker, V.I.Klassovskiy, Y.K.Grot, V.Dey, J.Angus, J.K.Nesfild, G.Makdonel, M.Spenser, H.V.Fauler, J.Damouretta, A.M.Peshkovskiy, L.V.Sherba, R.Skiltonlarning maktab va ilmiy grammatikalarida o'z ifodasini topdi.

Yevropa tillarida punktuatsion tizim taraqqiyotining asosiy tamoyillari tinish belgilarining umumiy funksiyalari taraqqiyoti (iyerarxiyasi)ga asoslanadi. Dastlabki qarashlar ularning ajratish – matn qismlarini ajratish va guruhlash vazifasiga tayangan bo'lsa, keyinchalik gap bo'laklarini va ularning gap tarkibida joylashuvi (pozitsiyasi)ni aniqlash asosiy mezon sifatida qaraldi. XX asrning boshlariga kelib tinish belgilarining matnning bo'linishi, gap tarkibida joylashuvi ularning turli tasniflarini yuzaga keltirdi. Jumladan,

1) gap o‘rtasida yakka (vergul, nuqtali vergul, tire, ikki nuqta, ko‘p nuqta) va juft holda (ikki nuqta, tire, qavs va tirnoq) qo‘llanuvchi belgilar;

2) gap oxirida yakka (nuqta, so‘roq va undov belgilari, ko‘p nuqta) va juft (qavs va qo‘shtirnoq) holda qo‘llanuvchi belgilar.

Shuni ta’kidlash lozimki, deyarli barcha tilshunosliklarda punktuatsiyaning nazariy masalalari punktuatsiya amaliyoti, til o‘qitish metodikasi doirasida orfografiya bilan bog‘liq holatda tadqiq etildi. Ma’lumki, har qanday lingvistik talqin muayyan davrga mansub nutq mahsuli asosida ish ko‘radi. Shu bois punktuatsion an’analarning shakllanishi, takomillashuvi, muayyan qoidalarning ommalashishi, umumiy punktuatsion me’yorlarning mustahkamlanishi va tartibga solinishi, birinchidan, punktuatsiya amaliyoti – shu tilda faoliyat yurituvchi ijodkorlar, yozuvchilar, olimlar faoliyati, ikkinchidan, milliy yozuvning tarkibiy qismi sifatida ona tili o‘qitish metodikasi, ya’ni ona tili ta’limi, uchinchidan, hukumatning yozma savodxonlikni ta’minlash missiyasi – ijtimoiy buyurtmasi doirasida tilning ilmiy me’yorlari – imlo, talaffuz, grammatik me’yorlarni o‘rgatish bilan bog‘liq. Yuqorida tilga olingan, yevropa tillari, xususan, rus tilida punktuatsiyaga doir dastlabki ishlar – M.Smotritskiy, M.V.Lomonosov, Y.K.Grotlarning grammatikasi sof amaliy xarakterda bo‘lib, tilning ilmiy me’yorlari – punktuatsion, orfografik qoidalarni maktabda o‘qitishga asoslangan edi. Xuddi shuningdek, o‘zbek tilshunosligida ham ilk punktuatsion qarashlar orfografiya me’yorlari bilan birga til o‘qitish metodikasi doirasida amalga oshirilgan. O‘tgan asrning birinchi yarmida faoliyat yuritgan aksariyat millat ziyolilari – tilshunoslar, jadidlar, ma’rifatparvarlar asarlarida bu ikki vazifa millatni savodxon qilish, imlo, to‘g‘ri talaffuz me’yorlarini o‘rgatish, nutq madaniyatini o‘stirish tashabbusi ostida uyg‘un holatda olib borilgan. Xususan, Fitrat, S.Mutallibov, S.I.Ibrohimov, Z.M.Ma’rufov, O.U.Usmonov, K.Kamolovlarning darslik va qo‘llanmalari, maqola va lug‘atlarida punktuatsiyaga doir fikrlar adabiy til me’yorlari (imlo, talaffuz), ona tili (sintaksis) o‘qitish, yozuv (alifbo), nutq madaniyati doirasida ko‘rib chiqiladi.

Tinish belgilari taraqqyotining navbatdagi bosqichida K.F.Bekkerning logik sintaksis nazariyasi hamda punktuatsiyani qo‘llashning asosiy nazariy tayanchi – til o‘qitish metodikasi bilan bog‘liq, sintaktika, semantika va intonatsiyaning ustuvorligi xususidagi bahslar yetakchi o‘rinni egalladi. Ushbu munozaralar tilshunoslikda punktuatsiya asoslarini

belgilashda turli nuqtayi nazarlarni yuzaga keltirdi. Xususan, F.I.Buslayev, S.I.Abakumov, A.B.Shapiro kabilar tinish belgilarini qo‘llashning nazariy asosini belgilashda semantika – gapning mazmuniga e’tiborni qaratish, ya’ni tinish belgilarining qo‘llanilishini ma’noga bog‘lash tarafdori bo‘lsa, S.Bulich, N.Grech, Y.K.Grot, Sh.Shoabdurahmonov va boshqalar punktuatsion qoidalarni belgilashda sintaktika – yozma nutqning sintaktik qurilishi, aniqrog‘i, tinish belgilarining qo‘llanilishini gap qurilishiga bog‘lab izohlaydilar. Ayrim nazariyotchilar, masalan, L.V.Shcherba, A.M.Peshkovskiy, K.F.Bekker, L.A.Bulaxovskiy, H.Rustamov va boshqalar intonatsiya – punktuatsiyaning nutq ohangi va ritmni ifodalashdagi roli bilan bog‘lab tushuntirishga harakat qiladilar. Bu jarayonda turli tilshunosliklarda ushbu jihatlarning qay biriga ko‘proq ustunlik berilishi ham e’tibordan chetda qolmadi. Xususan, V. Klassovskiy nemis va rus tinish belgilarini qo‘llash sistemasida semantic asos ustunligini izohlab berdi va ularni sintaktik asosga tayangan ingliz, italyan va fransuz punktuatsion tizimiga qarama-qarshi qo‘ydi.

Keyinchalik tinish belgilarining amaldagi me’yorlarga bo‘ysunmaydigan, universal imkoniyatlari yuzaga chiqa boshladi. Masalan, tire, ikki nuqta, nuqtali vergul kabi tinish belgilarining turli uslubdagi matnlarda turli funksiyalarni yuzaga chiqarishi, o‘zaro o‘rin almashishi, ma’nodoshlik, variantlilik, polufunksionallik kabi jihatlari oydinlasha boshladi. Bu esa tinish belgilari tadqiqiga yangicha yondashuvlarga zamin hozirladi.

Tinish belgilari tadqiqining zamonaviy bosqichi turli tilshunosliklarda turli davrlarga to‘g‘ri keladi. Bu tinish belgilarining ayni paytda ko‘pchilik tillarda mavjud umumiy — an’anaviy me’yorlaridan tashqari xususiy – stilistik me’yorlarining shakllanishi, qolaversa, milliy til taraqqiyoti bilan bog‘liq jarayon.

XX asrning ikkinchi yarmida ko‘pchilik tillar, jumladan, rus tili va u hukmron bo‘lgan sobiq sho‘ro tasarrufidagi milliy tillarda (1956-yil) imlo islohoti o‘tkaziladi. Imlo masalalari doirasida punktuatsiyaga ham zamonaviy – faqat sof lingvistik nuqtayi nazardan emas, metodik, didaktik, psixologik, kommunikativ, stilistik, poetik, semiotik aspektlarda yondashish imkoni tug‘ildi. Punktuatsion me’yorlarni tartibga solish (kodlashtirish)ni murakkablashtiruvchi holatlar, badiiy adabiyotda tinish belgilarining uslubiy imkoniyatlarining kengayib borayotgani, ijodkorlarning tinish belgilarini individual qo‘llash orqali uslubini yaratishga intilishi, me’yorlashtirilgan va tartibga solinmagan

muallif punktuatsiyasi kabi masalalarga diqqat qaratila boshladi. Jahon tilshunosligida bu boradagi ilk urinishlar S.I.Abakumov, A.B.Shapiro, A.A.Reformatskiy, I. A.Boduen de Kurtene, L.G.Vedenina, N.S.Valgina, D.E.Rozental, N.N.Barulina, D.Kristal, M.Garret, K.F.Meyyer, B.S.Shvarskopf, G.Nyunberg, M.V.Parkes, N.P.Branigan, B.Jounslarning ishlaridan boshlanadi.

Punktuatsiya taraqiyotining ushbu bosqichida ham ilmiy talqinlarda dastlabki bosqichga xos bo‘lgan adabiy til me’yorlari – grafik, orfografik, punktuatsion (sintaktik) me’yorlarni o‘qitish, ya’ni ona tili o‘qitish metodikasi doirasida yondashish an’anasi saqlanib qoldi. Xususan, O.S.Chekanskaya, V.G.Dubrovin, N.S.Valgina, V.A.Itskovich, A.I.Nikerov, L.V.Vvedenskaya, B.I.Osipov, D.Eytchisonlarning ishlarida buni yaqqol ko‘rish mumkin.

O‘zbek punktuatsiyasi fani shakllanishi va taraqqiyotida muhim bosqich hisoblangan ushbu davrda H.G‘oziyev, G‘.Abdurahmonov, K.Nazarov, Sh.Shoabduraxmonovlarning sof lingvistik tadqiqotlari bilan birga imlo va sintaksis o‘qitish doirasida ham sohaga oid qator amaliy ishlar ham amalga oshirildi. Xususan, Z.Ma’rufov va Y.Abdullayevning “Sintaksis va punktuatsiya mashqlari to‘plami”, K.Nazarovning “To‘g‘ri yoza olasizmi?”, “Ajratilgan bo‘laklarda punktuatsiya”, “O‘zbek tili ishora-imlo qoidalari”, H.Rustamovning “Sintaksis va punktuatsiya o‘qitish metodikasi”, G‘.Abdurahmonovning “Punktuatsiyadan tablitsalar”, “Punktuatsiya o‘rgatish metodikasi”, H.G‘afurovning “Atov gaplarda intonatsiya va punktuatsiya masalalari” kabi ilmiy maqola, darslik va qo‘llanmalarida o‘z davrning ijtimoiy-siyosiy, madaniy ehtiyojlari doirasida amaliy ishlar bajarildi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Punktuatsiya. https://ru.wikipedia.org/wiki

2. Baxriddinova B.M. Zamonaviy o’zbek punktuatsiyasi asoslari. Monografiya. – Toshkent: Akademnashr, 2015. – 64 b.

3. Shoabdurahmonov Sh. O'zbek tilida punktuatsiya. – Toshkent: 1955.

4. Nazarov K. O'zbek tili punktuatsiyasi. - Toshkent: “O'qituvchi”, 1976.

5. Zamonaviy o’zbek punktuatsiyasining dolzarb muammolari. “Ma’rifat”, 2014 y., № 94

6. O’zbek tilining punktuatsiya qoidalari “Til va adabiyot ta’limi” Toshkent, 2015 yil, 1- 7-sonlar

7. Krьsin L.P. K sootnosheniyu sistemы yazыka, yego normы i uzusa // Kommunikativnыe issledovaniya: Nauchnыy jurnal. – 2017. – № 2 (12). – S. 20-31.

8. Biyanova M.V. Punktuatsionnыe sistemы: sinxronnыy i diaxronnыy aspektы: avtoref. diss. ... kand. filol.nauk. – Ijevsk, 2010. – 24 s. – S 3.

9. Kobrina N.A., Malaxovskiy L.V. Angliyskaya punktuatsiya: Uchebnoe posobie. – Moskva: Izdatelьstvo literaturы na inostrannыx yazыkax, 1959. –110 s. – S.10

GRAMMATICAL AND LEXICAL MEANING OF WORDS AND THEIR VARIABILITY IN NATURAL LANGUAGE.

Yusupova Ma'rifat Ochilovna

O'zDJTU magestratura 2-kurs talabasi

ABSTRACT

The motive of the given article is to discuss about the study tested a recent functional theory of the grammar-lexicon contrast by confronting a word distinction based on the theory with an aphasic speech sample consisting of both agrammatic and fluent aphasic speech. The word distinction is a distinction between grammatical and lexical instances of modal verb forms and the verb form. It is suggested that the grammatical items would be more severely affected than the lexical items in a grammatic speech and the lexical items would be more severely affected than the grammatical items in fluent aphasic speech.

Key words: semantic distinction, distributional distinctions, grammar-lexicon distinction, theoretically-based distinction.

The distinction between grammatical and lexical words is standardly dealt with in terms of a semantic distinction between function and content words or in terms of distributional distinctions between closed and open classes. This paper argues that such distinctions fall short in several respects, and that the grammar-lexicon distinction applies even within the same word class. The argument is based on a recent functional and usage-based theory of the grammar-lexicon distinction and on the assumption that aphasic speech data represent the ideal testing ground for theories and claims about this contrast. A theoretically-based distinction between grammatical and lexical instances of Dutch modal verb forms and the verb form hebben was confronted with agrammatic and fluent aphasic speech. A dissociation between the two aphasia types was predicted and confirmed.Two of the central features that distinguish human language from animal communication systems are a large inventory of symbolic units and a mechanism for combining these units into complex symbols. At least, much of the effort to understand what language is has been focused on these two features, i.e. grammar and its contrast with the lexicon. There is wide

consensus that while the lexicon consists of symbolic items, grammar consists of procedures/rules/templates for combing such units, but also of a set of items. There is however no consensus when it comes to understanding what grammar is and how it differs from the lexicon. Part of the disagreement is centered on the problem of capturing at the same time both the combination aspect and the item aspect of grammar. The two dominating theoretical positions propose solutions to this problem that are to some degree reductionist. Chomskyan linguistics focuses on the former of these two aspects and tries to fit grammatical items into a general view of grammar as procedures/rules/templates, dealing with them as rule-governed or as "functional" phrasestructural "heads". Construction Grammar – as the most prominent of the functional-cognitive theories in opposition to Chomskyan ones – focuses on the item aspect to a degree where also templates for combination are dealt with as items. Both positions are problematic. On the one hand, the view of grammatical items as rule-governed may be seen as nothing but a stipulation - albeit a theoretically motivated one. On the other hand, the treatment of the combination aspect of grammar on a par with lexical items is at odds with neurolinguistic evidence Contrasts between grammatical and lexical words are found in a theoretical vacuum. They are largely ignored both by Construction Grammar and by Chomskyan theories; in the former case because construction grammar downplays the distinction between grammar and the lexicon, in the latter case because, as mentioned, Chomskyan theories focus on the combination aspect of grammar. In absence of a coherent theoretical anchor, the contrast between grammatical and lexical words has often been dealt with in terms of distinctions between "function" or "form" and "content words" and between "closed-" and "open-class words". The intuition behind the former of these distinctions is that words differ in terms of degree of semantic richness. While this may be so, a distinction between less and more semantically rich words cannot, arguably, be co-extensive with a distinction between grammatical and lexical words, as virtually the same content or function may in some cases be expressed both grammatically and lexically. Consider the sentence in "*King has always hated chasing a stick*".

Among the lexical items in this sentence are the verbs hate and chase. In some contexts, chase is primary i.e. expresses the main point, for instance in a discussion of things King has always hated. In other contexts, hate is primary, for instance in a conversation about dog attitudes towards chasing sticks. In contrast, grammatical items such as the auxiliary have, the article a and the affixes -s, -ed and -ing cannot express primary information outside metalinguistic and contrastive contexts, where conventions are arguably not adhered to, and where linguistic items are considered in relation to paradigmatic alternatives rather than syntagmatically related items. After a superficial scanning of the sentences, it is known that the main point has to do with the lexical element King, always, hate, chase or/and stick and not with any of the grammatical items – if we know the conventions of English. According to the functional theory, this is the functional rationale behind grammar and its contrast with the lexicon. The prioritization of parts of complex utterances enables us to concentrate our processing efforts on the most important parts.

In conclusion, this research paper analyzed the modes of expression in semantics, semantics as a series of phrases and phrases adequate to communicate meaning, complexity of phrases, multiplicity of meanings, flexibility of forms, reference and its quintessential types. Components serve to distinguish among the meanings of semantically related lexemes in the same semantic domain. Analysis in terms of components, when the total meaning of a lexeme is seen in terms of a number of distinct elements or components of meanings, is not sufficient but can help to define the meaning of a lexeme formed by a number of semantic signs.

BIBLIOGRAPHY

1. Campbell, G. (1988). The Philosophy of Rhetoric. Carbondale, IL: Southern Illinois University Press.
2. Crystal, D. and Davy, D. (1969). Investigation English Style. London: Macmillan Press.

3. Chilton, Paul & Christina Schäffner. (2002): Politics as Text and Talk. Analytical Approaches to Political Discourse. Amsterdam/ Philadelphia: John Benjamins Publishing Company.
4. Cuddon, J.A.(1992). Dictionary of literary terms and literary theory. London: Penguin Books.
5. Language and Power. (1989). London: Longman.

КРЕАТИВЛИК ВА КРЕАТИВ ТАФАККУРНИНГ УМУМИЙ МЕТОДОЛОГИК МУАММОЛАРИ

МАННАБОВ Абдухамид Абдимажитович
эркин тадқиқотчи

Аннотация: Ҳар қандай муаммо ва феноменнинг тадқиқ этилиши тадқиқотнинг назарий-услубий асосларини аниқлашни талаб қилади. Бошқача айтадиган бўлсак, қўйилган масалани ҳал этиш учун аввало тадқиқот стратегияси ва дастури аниқлаб олиниши, яъни тадқиқотда қўлланиладиган тушунчаларнинг моҳияти, услублар ва усуллар, принциплар ва императивлар белгиланиши ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Мақолада креативлик ва креатив тафаккурнинг умумий методологик муаммоларига тўхталиб ўтилган.

Калит сўзлар: муаммо, феномен, тадқиқот, тадқиқот стратегияси, услублар ва усуллар, принциплар ва императивлар, креативлик, креатив тафаккур.

Ижодкорлик инсон феноменининг намоён бўладиган юксак кўриниши бўлишига қарамасдан, у энг кам ўрганилган соҳа бўлиб, табиий қонуният сифатида қаралади. Гап шундаки, ижод жараёнининг табиатидаги тасодифанлик, кутилмаганлик аввалбошданоқ унинг замонавий илмий методларда ўрганиш имкониятини чегаралади. Замонавий фан имкониятлари ижодкорлик табиатининг мавжуд далиллар ва саволларни тўлиқ қониқтирадиган универсал тушунтириш имкониятига эга эмас. Шу боисдан ҳам М. Абдуллаева, Г. Покачаловларнинг таъкидлашларича, фандаги ижод ўзининг мазмуни ва мундарижасига кўра, санъат ва ҳ.к. соҳалардаги ижоддан фарқланади. Бироқ улар ўзаро умумий жиҳатларга ҳам эга. Бу эса улардаги “психологик жараённинг бир хил” эканида кўринади. Ҳар иккала ижод шаклини меҳнатдан завқ олиш ва илҳомланиш фарқлаб туради [1].

Креатив тафаккур, илгари фаолият мавзусига номаълум бўлган мақсадларга янги йўлларни қўйишни ўз ичига олади. Ушбу йўлларни мутлақо янги фикр элементларидан тўқиш, шунингдек, аллақачон дуч келган тузилмалардан янгиланган занжирларни тизимлаштириш мумкин бўлади.

Бугунги кунда ижодкорлик, яратувчанлик, янгилик яратишга қаратилган фаолият креатив фаолият деб тушунилади. Креативлик сўзи (инглизча “create” –

яратувчанлик, ижодкорлик) сўзидан олинган бўлиб, инсон шахсининг ижодкорликка бўлган қобилияти, ижодкорлик истеъдод даражаси, индивиднинг анъанавийлик ёки одат тусига кирган фикрлаш схемасидан узоқ бўлган, принципиал янги ғояларни яратишга тайёрликни характерловчи, шунингдек, муаммоларни ўзгача тарзда бартараф этиш, иқтидорнинг мустақил омили сифатида қабул қилинган ижодий қобилиятларидир [2].

“Креативлик” атамаси биринчи марта XX асрнинг 50-йиллари охирида Ғарб психологиясида пайдо бўлган бўлиб, у одамнинг янги тушунчалар яратиш ва янги кўникмалар ҳосил қилиш қобилиятини англатиши асосланган. Креативлик шахснинг янги моддий ва маънавий қадриятларни яратувчанлик хислатидир.

Креатив тафаккур ўзи ичига ақлий ва интеллектуал ҳаракатларнинг контцентрациясини олади. Шунингдек, фаолият субъекти маълум бир касбий билим ва тажрибага эга. Шу боисдан ҳам ижодий хатти-ҳаракатларнинг маълум бир тизими қуйидагича ривожланиб боради:

1. Тайёрлаш. Ахборот йиғиш. Ҳисоб-фактурани таҳлил қилиш, маълумотларни умумлаштириш, кўрсаткичларни таққослаш ва бошқалар. Ушбу босқич одатда аналитик процедура шаклида намоён бўлади.

2. Концентрация. Ақлий ҳаракатларни муаммога, индивидуал фактларга, фактлар тизимига қаратиш. Руҳий тушкунлик феноменининг пайдо бўлиши, яъни ақлий меҳнат қийинчиликлари. Бундай қийинчиликлар тўсиғини енгиб ўтиш истаги унинг ижодкорлик қобилиятининг қанчалик даражада юқори эканлиги билан белгиланади. Натижада буюк ижодий ғоялар оқими пайдо бўлади.

3. Фикрларни инкубация қилиш. Ақлий контцентрация жараёнида юзага келадиган барча фикрлар янги билимлар сифатида узатилади. У ерда бундай янги билимлар ўз услубий асосларига кўра гуруҳларга ажратилади. Шахсий цензура биринчи навбатда бу ғояларни ахлоқий, инсонпарвар ва фойдали жиҳатларини баҳолашга катта ёрдам беради.

Креатив тафаккур объектнинг хилма-хил хусусиятларини акс эттириш жараёнини ўз ичига олади, унинг ўзига хос хусусияти унинг ривожланиши давомида акс эттирилган хусусиятларнинг муҳимлик даражаси билан характерланади. Бундан

ташқари, алоҳида олинган объектлар ва уларнинг хусусиятларига эмас, балки тафаккур шаклларидан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилади. Аниқланган тадқиқот йўналишлари бўйича, онтологик нуқтаи назардан креатив тафаккур янги натижаларни яратиш ёки субъектнинг конструктив фаолияти, фаол ҳаракати билан чамбарчас боғлиқдир.

Ўз навбатида, кератив тафаккурни ўрганишнинг асосий эпистемологик йўналишлари орасида, биринчи навбатда, маълум бир соҳада ностандарт фикрлашни ривожлантиришни белгилайдиган шахсий хусусиятлар, қобилиятларнинг муайян тўпламини ўрганишга эътибор қаратиш лозим.

Иккинчидан, креативлик ва креатив тафаккурнинг умумий методологик муаммоларини ўрганишга алоҳида эътибор бериш муҳим ҳисобланади.

Учинчидан, бу креатив тафаккурни ўрганиш бўлиб, унда илмий ижодни таҳлил қилиш усуллари тизими, илмий ижод омиллари, айниқса илмий билимларнинг турли соҳаларида ижодкорликни ривожлантириш бўйича шарт-шароитларни яратишда муҳим ҳисобланади.

Креатив тафаккур мантиқий фикр-мулоҳазаларни амалга оширилишини англатади. Аммо номинал креатив тафаккурни ўрганишнинг мураккаблиги шундан иборатки, тизимлаштириш жараёнини ўрганиш ва аллақачон тайёр элементларнинг комбинациясини билиш билан бирга, билимларни шакллантириш жараёнида “янги” нарсани аниқлаш жараёнларини ўрганиш бу ерда устувор аҳамият касб этади.

Умуман олганда, илмий-техник тараққиётнинг ҳозирги босқичида инсоннинг ақлий қобилиятларини ривожлантиришга тобора кўпроқ талаблар қўйилмоқда. Бундай шароитда креатив тафаккурнинг шаклланиши ва ишлаш механизмлари, ижодий салоҳиятни оширишга ёрдам берадиган шарт-шароитларни ўрганиш муҳим ва долзарб бўлиб қолаверади.

Хуллас, таълим муассасаларида тингловчиларнинг ижодий-креатив қобилиятларини ривожлантириш муаммосини ҳал қилиш педагогика фанининг илғор ютуқларидан, хусусан, олий маълумотли мутахассислар тайёрлашга технологик, шахсий ва касбий йўналтирилган ёндашувлардан фойдаланишни талаб этади.

Шунингдек, тизимли ёндашув асосида тингловчиларнинг билим ва кўникмаларини шакллантириш ҳам устувор ўринни эгаллайди.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати:

1. Абдуллаева М., Покачалов Г. Философские проблемы методологии науки: Отдел Институт Философии и права им. И.М.Муминова АН Руз.. – Т.: 2006. – 5 с.

2. Одилжонова А. Мактабгача тарбия ёшидаги болаларда креативликни ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари. Замонавий таълим / Современное образование. 2019, 5(78). –Б.65.

PEDAGOGNING KASBIY KOMPETENTLIGI –TA'LIM SIFATINING GAROVI

Maqsuda Norbosheva,
Termiz davlat universiteti
Maktabgacha ta'lim kafedrasi mudiri

Yangiboyeva Gavhar,
Jarqo'rg'on biznes va yengil-sanoat texnikumi
O'quv tarbiyaviy ishlar bo'yicha direktor o'rinbosari

Annotatsiya: Tarbiyachi-pedagog yosh avlodni xalqimizning munosib farzandlari qilib tayyorlashdek muhim, faxrli ish bilan birga mas'uliyatli vazifani bajaradi. Tarbiyachi-pedagogning siyosiy yetukligi bolalarni tarbiyalash sifati uchun xalq hamda jamiyat oldidagi o'z mas'uliyatini anglashga, ta'lim-tarbiya vazifalarini ijodiy yondashishga, o'z mahoratini doimo takomillashtirib borish va ishdagi o'rtoqlarini o'sishiga yordam beradi.
Kalit so`z: maktabgacha, ta'lim, tarbiya, jarayon, shaxs, bola.

Demak, tarbiyachi-pedagog-pedagog avvalo, bilimli bo'lishi, o'zi yashab turgan ulkan hayotini bilishi, tabiat va jamiyatning qonuniyatlarini tushunishi, ijtimoy faol bo'lishi, umumiy va maktabgacha tarbiya pedagogikasini, bolalar ruhiyati va fiziologiyasini egallashi va bolalarning yosh xususiyatlarini bilishi kerak. Shuningdek, pedagogik tarbiyachi-pedagogning hodisalarni tahlil qilishga ilmiy nuqtai nazardan yondashuvi bolani har tomonlama rivojlantirish muvaffaqiyatini amalga oshirishga imkon beradi[1].

"Kompetentlik" tushunchasi ta'lim sohasiga psixologik izlanishlar natijasida kirib kelgan. Shu sababli kompetentlik "noan'anaviy vaziyatlar, kutilmagan hollarda mutaxassisning o'zini qanday tutishi, muloqotga kirishishi, raqiblar bilan o'zaro munosabatlarda yangi yo'l tutishi, noaniq vazifalarni bajarishda, ziddiyatlarga to'la ma'lumotlardan foydalanishda, izchil rivojlanib boruvchi va murakkab jarayonlarda harakatlanish rejasiga egalik"ni anglatadi[5].

Kasbiy kompetentlik – mutaxassis tomonidan kasbiy faoliyatni amalga oshirish uchun zarur bo'lgan bilim, ko'nikma va malakalarning egallanishi va ularni amalda yuqori darajada qo'llay olinishidir.

Ijtimoiy kompetentlik – ijtimoiy munosabatlarda faollik ko'rsatish ko'nikma, malakalariga egalik, kasbiy faoliyatda subyektlar bilan muloqotga kirisha olish. Maxsus kompetentlik–kasbiy-pedagogik faoliyatni tashkil etishga tayyorlanish, kasbiy-pedagogik vazifalarni oqilona hal qilish, faoliyati natijalarini real baholash, BKMni izchil rivojlantirib borish bo'lib, ushbu kompetentlik negizida psixologik, metodik, informasion, kreativ, innovasion va kommunikativ kompetentlik ko'zga tashlanadi. Ular o'zida quyidagi mazmunni ifodalaydi[6]:

–psixologik kompetentlik–pedagogik jarayonda sog'lom psixologik muhitni yarata olish, talabalar va ta'lim jarayonining boshqa ishtirokchilari bilan ijobiy muloqotni tashkil etish, turli salbiy psixologik ziddiyatlarni o'z vaqtida anglay olish va bartaraf eta olish[15];

–metodik kompetentlik– pedagogik jarayonni metodik jihatdan oqilona tashkil etish, ta'lim yoki tarbiyaviy faoliyat shakllarini to'g'ri belgilash, metod va vositalarni maqsadga muvofiq tanlay olish, metodlarni samarali qo'llay olish, vositalarni muvaffaqiyatli qo'llash; informasion kompetentlik – axborot muhitida zarur, muhim, kerakli, foydali ma'lumotlarni izlash, yig'ish, saralash, qayta ishlash va ulardan maqsadli, o'rinli, samarali foydalanish[7];

–kreativ kompetentlik – pedagogik faoliyatga tanqidiy, ijodiy yondashish, o'zining ijodkorlik malakalariga egaligini namoyish eta olish;

–innovasion kompetentlik–pedagogik jarayonni takomillashtirish, ta'lim sifatini yaxshilash, tarbiya jarayonining samaradorligini oshirishga doir yangi g'oyalarni ilgari surish, ularni amaliyotga samarali tatbiq etish[14];

–kommunikativ kompetentlik – ta'lim jarayonining barcha ishtirokchilari, jumladan, talabalar bilan samimiy muloqotda bo'lish, ularni tinglay bilish, ularga ijobiy ta'sir ko'rsata olish[8].

–Shaxsiy kompetentlik – izchil ravishda kasbiy o'sishga erishish, malaka darajasini oshirib borish, kasbiy faoliyatda o'z ichki imkoniyatlarini namoyon qilish.

–Texnologik kompetentlik – kasbiy-pedagogik BKMni boyitadigan ilg'or texnologiyalarni o'zlashtirish, zamonaviy vosita, texnika va texnologiyalardan foydalana olish.

–Ekstremal kompetentlik – favqulotda vaziyatlar (tabiiy ofatlar, texnologik jarayon ishdan chiqqan)da, pedagogik nizolar yuzaga kelganda oqilona qaror qabul qilish, to'g'ri harakatlanish malakasiga egalik[9].

Kasbiy-pedagogik kompetentlikka ega bo'lishda o'z ustida ishlash, o'zo'zini rivojlantirish muhim ahamiyatga ega[16]. O'z-o'zini rivojlantirish vazifalari o'zini o'zi tahlil qilish va o'zini o'zi baholash orqali aniqlanadi. O'z ustida ishlash – pedagogning izchil ravishda o'zining kasbiy BKM va shaxsiy sifatlarini rivojlantirib borish yo'lida amaliy harakatlarni tashkil etishi[10].

O'z ustida ishlash quyidagilarda ko'rinadi:

- kasbiy BKMni takomillashtirib borish;
- faoliyatga tanqidiy va ijodiy yondashish;
- kasbiy va ijodiy hamkorlikka erishish;- ishchanlik qobiliyatini rivojlantirish;
- salbiy odatlarni bartaraf etib borish; ijobiy sifatlarni o'zlashtirish.

Pedagogning mutaxassis sifatida[13]:

- aniq maqsad, intilish asosida pedagogik jarayonni takomillashtirish;-pedagogik jarayon samaradorligini, o'zining ishchanlik faolligini oshirish;

-izchil ravishda yangilanib borayotgan pedagogik bilimlarni o'zlashtirish;-ilg'or texnologiya, metod hamda vositalardan xabardor bo'lish;

-faoliyatiga fan-texnikaning so'nggi yangiliklarini samarali tatbiq etish;
- kasbiy va malakalarini takomillashtirish;
- ko'nikma salbiy pedagogik nizolarning oldini olish, bartaraf etish choralarini izlash yo'lida olib boradigan amaliy harakati uning o'z ustida ishlashini ifodalaydi.

Pedagoglarning o'z ustilarida izchil, samarali ishlashlarida faoliyatga loyihali yondasha olishlari qo'l keladi. Ularning loyihali yondashuv asosida quyidagi modelni shakllantira olishlari maqsadga muvofiqdir[11].

Pedagogning kasbiy kompetentlikka ega bo'lishida o'zini tahlil qila olishi ham ahamiyatli sanaladi. O'zini o'zi tahlil qilish pedagog tomonidan kasbiy faoliyatda tashkil etayotgan o'z amaliy harakatlari mohiyatining o'rganilishidir.

Xulosa o'rnida shuni aytish mumkinki, tarbiyachi-pedagog-maxsus pedagogik, psixologik va mutaxassisligi bo'yicha yetuk bilimli va yuksak fazilatli shaxs sanaladi. Shuning uchun zamonaviy tarbiyachi-pedagog-murabbiy qiyofasida ko'plab fazilatlarni namoyon eta olishi kerak[12]. Zamonaviy murabbiy o'zini mutaxassisligi bo'yicha chuqur puxta bilimga ega bo'lish, o'z ustida tinimsiz ishlashi kerak. U pedagogika va psixologiya, fiziologiya fanlarining asoslarini bilish, ta'lim-tarbiya jarayonida bolalarning yoshi va psixologik xususiyatlarini inobatga olgan holda faoliyatni tashkil etishi kerak.

ADABIYOTLAR:

1. Farberman B. Ilgor pedagogik texnologiyalar. – T.: «Fan», 2000 y.
2. Yo'ldoshev J.G., Usmonov S.A. Pedagogik texnologiya asoslari: - T.: «Tarbiyachi», 2004 y.
3. Tolipova J.O. Pedagogik texnologiyalar-do'stona muhit yaratish omili. -T.: YUNISEF, 2005 y.
4. Tolipov U.Q, Usmonboyeva M. Pedagogik texnologiyalarning tatbiqiy asoslari (o'quv qo'llanma). – T.:«Fan» nashriyoti, 2006 y.
5. Abdukarimovich, Y. T. (2023, January). SPECIFICITY OF PEDAGOGICAL AND PSYCHOLOGICAL PREPARATION OF YOUNG PEOPLE FOR THE FAMILY. In Conference Zone (pp. 147-149).
6. Yo'ldoshev Tojiddin Abdukarimovich. (2023). OILADA BOLALARNI TO'G'RI TARBIYALASHNING ASOSIY SHARTLARI VA MUAMMOLARI. SCHOLAR, 1(1), 139–143.
7. Abdukarimovich, Y. T., Isokovich, U. F., & Melikmurodovich, S. U. B. (2023). FORMATION OF A RELATIONSHIP OF RESPONSIBILITY TO THE FAMILY IN YOUNG PEOPLE.
8. Abdukarimovich, Y. T. (2022). BOSHLANG 'ICH SINF O 'QUVCHILARNI TARBIYALASHDA MA 'NAVIY-AXLOQIY XUSUSIYATLARNI SHAKLLANTIRISH. Uzbek Scholar Journal, 11, 114-116.
9. Abdukarimovich, Y. T., Nurmamatovich, K. A., & Kakhramonovna, S. S. (2022). Crisis of the Age of Maturity, The Formation of The Image of "I". Global Scientific Review, 9, 21-25.
10. Abdukarimovich, Y. T., & Melikmurodovich, S. U. B. (2022). Art Therapy in Eliminating Aggressiveness in the Individual. Global Scientific Review, 9, 1-4.
11. Isakovich, U. F., & Abdukarimovich, Y. T. (2022). THE PECULIARITIES OF THE FORMATION OF SPIRITUAL EDUCATION IN CHILDREN IN THE FAMILY. European Journal of Interdisciplinary Research and Development, 9, 1-4.
12. Yuldashev, T. (2022, February). Measures to eliminate or prevent the manifestation of personality aggression. In Conference Zone (pp. 227-229).
13. Abdukarimovich, Y. T., & Melikboboyevich, S. U. (2022). FORMING A RESPONSIBLE ATTITUDE TO THE FAMILY IN YOUNG PEOPLE. Galaxy International Interdisciplinary Research Journal, 10(1), 653-657.
14. Abdukarimovich, Y. T. (2021). Pedagogical direction cooperation between family and educational organization.
15. Yo'Ldoshev, T. (2021). KELAJAK AVLODNI TARBIYALASHNING PSIXOLOGIK VA PEDAGOGIK XUSUSIYATLARI. Academic research in educational sciences, 2(NUU Conference 1), 333-336.
16. Йулдошев, Т. А. (2018). ЦЕННОСТНЫЕ ОРИЕНТАЦИИ В ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ БУДУЩИХ ПЕДАГОГОВ. Журнал выпускается ежемесячно, публикует статьи по гуманитарным наукам. Подробнее на, 85.

Ўқувчилар креатив фикрлашларини ўстиришда миллий таълим-тарбия тарихидаги акмеологик қарашларнинг ўрни

Хурсанов Рамазон
Қарши давлат университети талабаси

Аннотация: *ушбу мақолада акмеология тушунчасининг мазмуни ва моҳияти, шахс ҳаётида акмеологик қарашларнинг тутган ўрни ҳақидаги фикр - мулоҳазалар жамланган. Шунингдек, мақолада миллий таълим-тарбия тарихидаги акмеологик қарашлардан ўқувчилар креатив фикрлашларини ўстиришда фойдаланиш йўллари баён қилинган. Ўзбек халқ оғзаки ижоди ҳамда шарқ мутафаккирларининг ижодида ифодаланган акмеологик қарашлардан бугунги кун талабларига мослаб фойдаланиш ўқувчилар кретив фикрлашларини ўстиришда аҳамиятли эканлиги баён қилинган.*

Калит сўзлар: акмеолия, шахс, акмешахс, акмеология, креативлик, кретив фикрлаш.

Ватанимизнинг улкан умиди бўлган ёш авлодни келажакда билимдон, мустақил фикрловчи, ўз Ватани ва халқини, оиласини севувчи инсонлар қилиб тарбиялаш бизнинг асл мақсадларимиздан бири ҳисобланади.

Жамият тараққиётининг барча даврларида ҳам шахсни хар томонлама тарбиялаш долзарб муаммо бўлиб келган. Ўзбек халқи ёшларни ҳар томонлама баркамол шахс қилиб тарбиялашда бой тарихий тажрибага эга

Креативлик (лот., инг. “сreate ” – яратиш, “сreative” – яратувчи, ижодкор) – индивиднинг янги ғояларни ишлаб чиқаришга тайёрликни тавсифловчи ва мустақил омил сифатида иқтидорлиликнинг таркибига кирувчи ижодий қобилияти.

Креатив фикрлаш ҳар бир ижтимоий соҳада яққол акс этиши мумкин. Ўқитувчининг ижодкорлиги эса у томонидан ташкил этиладиган касбий фаолиятни ташкил этишга ижодий (креатив) ёндашувида акс этади. Сўнгги йилларда ушбу ҳолат “педагогик креативлик” тушунчаси билан ифодаланмоқда.

“Фикр тарбияси, - дея таъкидлаган эди улкан маърифатпарвар Абдулла Авлоний, - кўп замонлардан бери тадқиқ қилиниб келган, муаллимларнинг диққатларига суялган, виждонларига юкланган муқаддас бир шарофатлик, ғайратлик бўлишига сабаб бўладир”.

Акмеология [юнончадан акме – ниманидир олий даражаси + логия, чўққи ҳақидаги фан] – алоҳида одамни ва одамлар бирлигини ривожланиш чўққисини ва унга эришиш шароитларини ўрганадиган фанлар тўплами.

“Акмешахс”ни шакллантириш Акмеология фанининг тадқиқот объекти ҳисобланади.

Акмеология фани нисбатан янги фан бўлганлиги сабабли унинг тадқиқот объекти бўлган акмешахсни шакллантириш бугунги куннинг долзарб муаммосига айланди.

Миллий таълим-тарбия тарихидаги акмеологик қарашлардан ўқувчилар креатив фикрлашларини ўстиришда фойдаланиш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан биридир.

Замонавий таълим таълим олувчилар олдига қуйидаги вазифаларни қўяди:

- тезкор ўзгаришларга кўникиш, ҳаётий фаолият, шунингдек, мавжуд муаммоларни ҳал қилишда ўзлаштирган билимларини моҳирлик билан қўллай олиш;
- мустақил ва танқидий фикрлаш қобилиятига эга бўлиш, реал борлиқ ва юзага келувчи муаммолар моҳиятини англай олиш, замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда уларни бартараф этиш йўлларини излаб топиш;
- эгаллаган билимларни амалиётда қўллашнинг самарали усулларини топиш, янги ғояларни илгаб олиш ва ижодий фикрлаш;
- ахборот технологияларидан ўз вақтида самарали фойдалана олиш ва уларни қўллай билиш.

Демак, ўқувчилар креатив фикрлашларини ўстиришда унинг мустақил фикрлай олиш қобилиятига эга бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Шу боис таълим тизимида ўқувчиларни фикрлашга, ўзлаштирилган билимларни мушоҳада қилишга ўргатиш зарурдир. [6].

Шарқ мутафаккирларнинг асарларида ёш авлодда юксак маънавий-ахлоқий сифатларни шакллантириш, уларни баркамол шахс бўлиб вояга етказишга оид педагогик ғоялар, акмешахс тарбиясининг мазмуни, шакл ва методлари ўз аксини топган бўлиб, улар бугунги кунда ҳам муҳим педагогик қийматга эга. Ушбу асарларда инсон тафаккурини ривожлантириш, ақлий-ахлоқий етуклик ва жисмоний баркамоллик, эстетик маданиятни шакллантириш масалалари ҳам илмий, ҳам амалий жиҳатдан ўз ечимига эга бўлган.

Халқ оғзаки ижоди намуналари бўлган достон, эртак, мақол ва халқ қўшиқларида, шунингдек, Юсуф хос Ҳожиб, Кайковус, Аҳмад Югнакий, Муслиҳиддин Саъдий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Ҳусайн Воиз Кошифий ва бошқа мутафаккирларнинг акмеологик қарашлари бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Асрлар давомида ёш авлод тарбиясини муваффақиятли ташкил этишда қўлланиб келинаётган пандномалардан бири Унсурул-Маолий Кайковуснинг “Қобуснома” [1] асаридир. “Қобуснома” бошидан охиригача панд-насиҳатдан иборат асар. Айниқса, саккизинчи боб “Ануширавон пандларини ёд олмоқ зикрида” боби бунга яққон мисолдир. Панд-насиҳат қиёсий таққослаш таҳлили орқали олиб борилади.

Кайковус “Қобуснома” асарида баркамол инсон (шахс) тарбияси ҳақидаги қарашларни баён этар экан, айниқса, жисмоний тарбияни ташкил этиш масаласига катта эътибор беради. Буни асарнинг “Шикорга чиқмоқ зикрида”, “Чавгон ўйнамоқ зикрида”, “Сипоҳсоларлик шартлари ва одатлари зикрида” каби бобларида кўриш мумкин. Уларда мутафаккир баркамол инсон (шахс) аввало соғлом бўлиши зарурлигини, шунингдек, билимларни ўзлаштиришда мушоҳада юритиш, фикрни далиллар асосида ифодалаш лозимлигини алоҳида уқтиради.

Шарқнинг буюк сиймоларидан Муслиҳиддин Саъдий таълим ва тарбия тўғрисида фикр юритар экан, у болалардаги туғма қобилиятни эътироф этиб ёзади:

Қобилият бўлса аслида
Тарбият унга қилади асар.
Қанча уринма, бўлмас сайқали,
Темир аслида бўлмаса жавҳар [2, 184].

Улуғ мутафаккир Алишер Навоий ёшлигидан бошлаб илм олишга меҳр қўйганлиги сабабли замонасининг улуғ шоири, давлат арбоби бўлиб етишади. Аллома мавжуд фанларнинг барчасини ўрганиш инсон учун ғоятда фойдали эканлигини уқтиради ва бу борада амалий ҳаракатларни ташкил этади. Чунончи, ўзи ташкил этган “Ихлосия” мадрасаси ёнида мактаб очади, уни ўз вақфидан маблағ билан таъминлайди. Таълим олувчилардан илм ўрганишда қаттиқ интизом талаб этилган. Шунингдек, қобилиятли шахсни тарбияламаслик, унинг қобилиятини ривожлантирмаслик зулм билан тенглаштирилади: “Қобилиятлини тарбия қилмаслик зулмдир, қобилиятсизга тарбия ҳайф. Уни тарбия қилмаслик билан нобуд қилма, бунга тарбиянгни нобуд қилма” [3,111].

Машҳур мутафаккирлар инсон ақлий қобилиятини, илмий қувватини, истеъдодини такомиллаштириш учун ўзида зукколик, фаҳм тезлиги, зеҳн ўткирлиги, билимларни тез эгаллаш, қўйилган муаммони тез англаш, илгари ҳис этган ва тасаввур қилган барча нарсаларни эсда сақлаш, хотира кабиларни ривожлантириши лозимлигига алоҳида урғу бериб ўтганлар.

Маълумки XIX асрнинг II ярми XX асрнинг бошларида илғор зиёлилар (жадидлар) Бухорода мадрасаларда диний дарслар билан бир қаторда дунёвий дарсларни ҳам ўқитишни шарт қилиб қўйдилар.

Жадидизм вакиллари жамиятни тўнтариш йўли билан эмас, балки ислоҳ қилиш орқали ривожлантиришни ўзларига мақсад қилиб олган эдилар. Жадидчилик ҳаракати ғояларини Туркистон мактабларига татбиқ этишда Исҳоқхон Ибрат, Абдуқодир Абдурашидхон ўғли, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Сиддиқий-Ажзий, Муҳаммадшариф Сўфизода, Абдурауф Фитрат, Машриқ Юнусов (Элбек) каби маърифатпарварларнинг хизматлари беқиёс бўлган. Улар мактабларда таълим-тарбияни ислоҳ қилишга қаратилган янги ўқув қўлланмалари, дарсликлар яратдилар. Мазкур манбаларда ўқитишнинг янгича шакл ва методларини баён этдилар [4].

Баркамол шахсга хос бўлган фазилатларидан бири – бу она тилини мукаммал билиш, унинг тозалиги, бойлиги тўғрисида қайғуришдир. Жадидизм ҳаракатининг вакилларидан бири Элбек ўзбек тилининг ривожинн таъминлашга оид кўплаб қўлланма ва дарсликларни яратди, илмий-методик мақолалар чоп эттирди.

Абдурауф Фитрат оила тарбиясини самарали ташкил этишда қуйидаги шартларга амал қилиш зарур деб ҳисоблайди:

1) фарзандларнинг бадан ва фикрий тарбиясида сусткашлик қилмаслик;
2) ота-она фарзандларига ўз нуқсонларини билдирмасликлари;
3) болаларга ибратли кишилар ҳақида ҳикоялар сўзлаб бериш;
4) болаларнинг ўз ирода ва ақлига қараб ҳаракат қилишга эркинлик бериш [5, 112].

Демак, миллий таълим-тарбия тарихидаги акмеологик қарашлардан шахс томонидан ўзлаштирилиши зарур бўлган қуйидаги сифатлар: ақлий камолот (билим,

заковат ва уқувга эга бўлиш); ахлоқий камолот; жисмоний етуклик; гўзалликни ҳис этиш кўзда тутилган.

Хулоса қилиб айтганда, миллий таълим-тарбия тарихида акмеологик қарашлар унинг мазмуни, шакл ва методлари тўғрисида тўхталиб ўтилган. Ушбу қарашлардан ўқувчилар креатив фикрлашларини ўстиришда фойдаланиш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан биридир.

Айниқса, асрлар давомида шаклланган баркамол шахс тарбияси анъаналари бугунги кунга қадар ўз аҳамиятини йўқотмаган. Улардан таълим жараёнида энг замонавий метод ва усуллар билан уйғун ҳолда мақсадга мувофиқ фойдаланиш таълим-тарбия самарадорлигини оширишда янада муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Кайковус, Қобуснома /Нашрга тайёрловчи: С.Долимов. Т.: Ўқитувчи, 1986. – 168 б.
2. Саъдий. Гулистон. – Т.: Бадиий адабиёт нашр. 1968. – 184 б.
3. Навоий, Алишер. Маҳбуб-ул қулуб (Қалблар севгилиси). – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983. – 111 б.
4. Элбек. Танланган асарлар. – Т.: Шарқ НМАК, 1999. – 287 б.
5. Фитрат, Абдурауф. Оила ёки оила бошқариш тартиблари /Масъул муҳаррир: Д.А.Алимова. тарж.: Ш.Воҳидов. – Т.: Маънавият, 1998. – 112 б.
6. Berdiyeva Gulobod Shonazarovna, Nargiz Irkinovna Djumayeva. "Гуманизация процесса профессионально-педагогической подготовки будущих учителей". *Образование и воспитание* 3 (2015): 1-2.
7. Бердиева, Г. Ш. (2022). ФАОЛИЯТЛИ ЁНДАШУВ–ЎҚУВЧИЛАРДА ҚАДРИЯТЛИ МУЛОҚОТ МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ОМИЛИ СИФАТИДА: Бердиева Гулобод Шоназаровна, Қарши давлат университети педагогика кафедраси ўқитувчиси. Образование и инновационные исследования международный научно-методический журнал, (2), 86-91.

ЗНАЧЕНИЕ И ФУНКЦИИ ФИНАНСОВЫХ РЕЗУЛЬТАТОВ.

Шарипов Одил Гуломжонович

Ташкентский Финансовый Институт ассистент преподавателя.

Аннотация: Финансовые результаты – это увеличение или уменьшение денежных средств, находящихся в собственности субъекта хозяйствования в процессе осуществления хозяйственной деятельности за определенный отчетный период. В бухгалтерском учете результат такой деятельности определяется путем подсчета всех прибылей и убытков за отчетный период. Переход к рыночным отношениям в Узбекистане неразрывно зависит от финансовой устойчивости предприятий, коренного реформирования деятельности предприятий, обеспечения их развития в условиях новых экономических отношений, развития малого и среднего предпринимательства в стране. В этом тезисе, высказываются мысли и мнения о значении и функциях финансовых результатов.

Ключевые слова: *финансовый результат, хозяйствующие субъекты, прибыль, товары, деньги, предприятия, налоги, рыночная экономика, конкуренция.*

Финансовая устойчивость предприятий зависит от правильного формирования прибыли, полученной в ходе их деятельности. Потому что прибыль на предприятиях является основным материальным источником материального обеспечения работников, расширения производственной деятельности на предприятиях, внедрения научно-технических достижений и новых технологий в производство. Прибыль создается в ходе предпринимательской деятельности в сфере материального производства. В результате сочетания факторов производства (труда, капитала и природных ресурсов) и прибыльной производственной деятельности хозяйствующих субъектов производится продукт, который при реализации для потребления считается товаром.

В условиях товарно-денежных отношений на уровне предприятия чистый доход принимает форму прибыли. Предприятия выступают на рынке товаров как относительно обособленные производители товаров. Они устанавливают цену на

товар на рынке и продают его потребителям. В результате продажи они получают деньги, а значит, заработанный доход. Для определения финансового результата необходимо сравнить доход с себестоимостью продукции.

Если доходы выше расходов, то финансовый результат указывает на прибыль. Предприниматель всегда стремится получить прибыль, но не всегда может ее достичь. Если доходы равны расходам, то покрываются только затраты на производство и реализацию продукта. Зла в этом нет, но и прибыль как источник производства, научно-технического и социального развития тоже не изымается. Если расходы предприятия превысят доходы, то оно пострадает, то есть будет иметь отрицательный финансовый результат. Эта ситуация ставит его в очень тяжелое финансовое положение.

Прибыль можно трактовать как очень важную категорию рыночных отношений. Прибыль характеризует экономический эффект, полученный в результате деятельности предприятия. Но невозможно оценить все стороны деятельности предприятия с помощью одного показателя прибыли. Невозможно иметь такой универсальный индикатор. Именно по этой причине для организации производственной, хозяйственной и финансовой деятельности предприятия используется система показателей. Важность прибыли заключается в том, что она отражает конечный финансовый результат, при этом на ее величину и изменение влияют факторы, связанные с затратами предприятия и не связанные с ними.

Прибыль выступает в качестве стимула. Смысл этого в том, что прибыль является финансовым результатом и основным элементом финансовых ресурсов предприятия одновременно. Реальное обеспечение принципа самофинансирования определяется полученной прибылью. После уплаты налогов и других обязательных платежей чистая прибыль, остающаяся в распоряжении предприятия, должна быть достаточной для финансирования расширения производственной деятельности предприятия, научно-технического и социального развития предприятия, материального поощрения работников.

Под термином "продажа продукции" понимается не только продажа произведенных товаров в натуральной и материальной форме, но и выполнение работ и оказание услуг. Прибыль как последний финансовый результат определяется на основе оценки бухгалтерских и балансовых статей всех хозяйственных операций предприятия. Использование термина прибыль обусловлено тем, что конечный финансовый результат работы предприятия отражается в его квартальном и годовом балансе. Основными задачами учета финансовых результатов являются следующие:

8. изучить правильность формирования финансовых результатов;
9. своевременный и правильный расчет суммы прибыли, полученной каждый месяц и с начала года;
10. правильно отражать операции, связанные с финансовыми результатами, и их распределение на счетах бухгалтерского учета и соответствующих регистрах.

В заключение, значение прибыли в рыночной экономике очень важно. Погоня за прибылью побуждает производителей товаров увеличивать объем производства продукции, необходимой для потребления, снижать издержки производства. В условиях свободной конкуренции достигается не только цель предпринимателей, но и удовлетворение общественных потребностей. Потери тоже имеют место быть. Они проливают свет на ошибки в распределении средств, организации производства и реализации продукции.

СПИСОК ЛИТЕРАТУРЫ:

1. М.Ю.Рахимов, Н.Н.Каландарова. "Финансовый анализ". Учебник. Экономика-Финансы, 2019.
2. Вахобов А.В., Ишанкулов Н.Ф., Иброхимов А.Т. «Финансовый и управленческий анализ». Учебник. Экономика-Финансы, 2013.
3. Рахимов М. Анализ финансового состояния хозяйствующих субъектов. Методическое руководство. Экономика-Финансы, 2015.
4. Шодмонов Ш., Алимов Р., Жораев Т. Экономическая теория. Финансы. 2022.

5. Бекмуродов А.Ш., Гафуров Ю.В. Либерализация и модернизация экономики в Узбекистане: итоги и приоритеты. Методическое пособие. 2017.

SUNIY NEYRON TARMOQLAR YORDAMIDA EKG TO`LQINLARINI ANIQLASHNI TAHLILI QILISH

Mualiflar: Rajabov Farxod Farmanovich[1], O`tkirbekov Abdurahimbek Ravshanbek o`g`li [2], Temirova Xosiyat Farxod qizi[3].

[1]TATU PHD dotsent, [2,3]TATU magistranti

tel: +998(99)0170514, e-mail: dabdalaji@gmail.com

Annotatsiya

Ushbu maqola bugungi klinik amaliyotda keng qo'llaniladigan suniy neyron tarmoqlar yordamida EKG to`lqinlarini aniqlashni tahlili qilish keltirilgan.

Аннотация

Данная работа представляет собой анализ развития искусственных нейронных сетей СБИС на ПЛИС для детектирования волн ЭКГ, которые сегодня широко используются в клинической практике данный.

Annotation

This paper is an analysis of the development of VLSI FPGA artificial neural networks for the detection of ECG waves, which are widely used in clinical practice today.

Kalit so`zlar: Sun’iy neyron tarmoqlari (SNT), raqamli signallar, SNT, VLSI FPGA, elektrookulogramma, elektroretinogramma, elektrogastrogramma.

Keywords: Artificial neural networks (SNT), digital signals, SNT, VLSI FPGA, electrooculogram, electroretinogram, electrogastrogram

Ключевые слова: искусственные нейронные сети (СНТ), цифровые сигналы, СНТ, СБИС ПЛИС, электроокулограмма, электроретинограмма, электрогастрограмма.

Neyron tarmoqlar - bu neyronlar (asab hujayralari) odamlarda qanday ishlashiga o'xshash tarzda ma'lumotlardan (ma'lumotlarni) uzatish, qayta ishlash va o'rganish uchun mo'ljallangan bog'langan birliklar yoki tugunlarning kompyuter modellari.

Sun'iy asab tarmoqlari

Texnologiyada neyron tarmoqlar ko'pincha sun'iy neyron tarmoqlari (NNN) yoki neyron tarmoqlari deb ataladi va ular modellashtirilgan biologik neyron tarmoqlardan ajralib turadi. ANN orqasidagi asosiy fikr inson miyasi mavjud bo'lgan eng murakkab va aqlli "kompyuter" dir. MRTni miyadan foydalangan holda axborotni qayta ishlash tizimiga va tizimiga iloji boricha yaqin modellab, tadqiqotchilar inson razvedkasiga yaqinlashgan yoki undan yuqori bo'lgan kompyuterlarni yaratishga umid qilishdi. Neyron tarmoqlari sun'iy aql (AI), kompyuterni o'rganish (ML) va chuqur o'rganishdagi hozirgi taraqqiyotning muhim tarkibiy qismi hisoblanadi.

Nerv tarmoqlari qanday ishlaydi: solishtirish

Neyron tarmoqlari qanday ishlashini va ikkala tur (biologik va sun'iy) o'rtasidagi farqlarni tushunish uchun, 15 qavatli ofis binosi va binolar, alohida qavatlar va shaxsiy idoralar bo'ylab qo'ng'iroqlarni amalga oshiradigan telefon tarmoqlari va stansiyalarga misol qilib kelaylik. 15 qavatli ofis binosidagi har bir alohida ofis neyron (biologiyada kompyuter tarmog'i yoki asab hujayrasidagi tugun) ni ifodalaydi. Bino o'zi 15 qavatli tizimda (neyron tarmoq) tashkil etilgan ofislar majmuini o'z ichiga olgan strukturadir.

Biologik neyron tarmoqlariga misolni qo'llash orqali, qo'ng'iroqlarni qabul qiladigan santimetr binoning har qanday qavatidagi bironta xonaga ulanish uchun chiziqlar bor. Bundan tashqari, har bir ofisda har qanday qavatdagi binoning boshqa binosiga ulanadigan yo'nalish mavjud. Tasdiqlashni (kirishni) amalga oshirishni tasavvur qiling va kommutator uni 3-qavatda ofisga o'tkazadi, uni to'g'ridan-to'g'ri, 11 qavatdagi ofitserga topshiradi, keyin uni bevosita 5-qavatda ofisga o'tkazadi. Miyaning har bir neyroni yoki asab xujayrasi (tizim) tizimdagi yoki neyron tarmoqdagi (bino) boshqa biron bir neyronga bevosita bog'lanishi mumkin. Ma'lumot (chaqiruv) javob yoki qaror (chiqim) mavjud bo'lgunga qadar zarur bo'lgan narsalarni o'rganish yoki o'rganish uchun boshqa neyronlarga (idoraga) o'tkazilishi mumkin.

Ushbu misolni ANNlarga qo'llaganimizda, u ancha murakkablashadi. Binoning har bir qavatida o'z kommutatori mavjud bo'lib, u faqat bitta qavatda joylashgan idoralarga,

shuningdek yuqorida va pastdagi qavatlardagi statsionarlarga ulanishi mumkin. Har bir ofis faqatgina o'sha qavatda joylashgan boshqa ofislarga va o'sha qavat uchun panjaraga bevosita ulanishi mumkin. Barcha yangi qo'ng'iroqlar 1-qavatda joylashgan kommutator bilan boshlanishi kerak va qo'ng'iroq tugashi uchun 15-qavatga qadar har bir alohida qavatga raqamli tartibda o'tkazilishi kerak. Keling, uni qanday ishlashini ko'rib chiqaylik.

1 - qavat kommutatoriga chaqiruv (kirish) kelib tushganini tasavvur qiling va 1 - qavatda (tugun) ofisga yuboring. So'ngra, birinchi qavatning boshqa bo'limlariga (tugunlarga) to'g'ridan-to'g'ri topshiriladi va keyingi qavatga yuborishga tayyor. Keyin qo'ng'iroq 1 - qavat santraliga qaytarilishi kerak, bu esa uni 2- qavatdagi santralga o'tkazadi. Bu xuddi shu qadamlar bir vaqtning o'zida bitta qavatni takrorlaydi, chunki chaqiruv bu jarayon orqali har bir qavatga 15-darajaga qadar yuboriladi.

YSAlarda tugunlar (idoralar) qatlamlar (binoning ichki qavatlari) joylashgan. Axborot (chaqiruv) har doim kiruvchi qatlam (1 - qavat va uning sig'imi) orqali keladi va keyingi qatlamga o'tishdan oldin har bir qatlam (qavat) orqali yuborilishi va qayta ishlanishi kerak. Har bir qavat (qavat) bu chaqiruv haqida aniq tafsilotlar bilan ishlaydi va natijani keyingi qatlamga chaqiradi. Chaqiruv chiqish qatlamiga (15-qavat va uning sig'imi) etib kelganida, u 1-14 qatlamlaridan ishlov berish ma'lumotlarini o'z ichiga oladi. 15-qavatdagi (xonalar) tugunlar (vakolatxonalar) boshqa qatlamlardan (qatlamlardan) kirish va ishlov berish ma'lumotlarini javob yoki piksellar (chiqish) bilan chiqish uchun foydalanadi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1.McCulloch, Warren; Walter Pitts (1943). „A Logical Calculus of Ideas Immanent in Nervous Activity“. Bulletin of Mathematical Biophysics. 5-jild, № 4. 115–133-bet. doi:10.1007/BF02478259.

2. Hebb, Donald. The Organization of Behavior. New York: Wiley, 1949. ISBN 978-1-135-63190-1.

3. Farley, B.G.; W.A. Clark (1954). „Simulation of Self-Organizing Systems by Digital Computer“. IRE Transactions on Information Theory. 4-jild, № 4. 76–84-bet. doi:10.1109/TIT.1954.1057468.

4. Haykin (2008) Neural Networks and Learning Machines, 3rd edition

5. Rosenblatt, F. (1958). „The Perceptron: A Probabilistic Model For Information Storage And Organization in the Brain“. Psychological Review. 65-jild, № 6. 386–408-bet. doi:10.1037/h0042519. PMID 13602029.

ТОПИНАМБУР – ПЕРСПЕКТИВНАЯ КУЛЬТУРА МНОГОЦЕЛЕВОГО ИСПОЛЬЗОВАНИЯ В УСЛОВИЯХ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКЕСТАН

Дилшодова Умида Дилшод кизи

Даутова Эльмира Рифгатовна

ФГБОУ ВО Башкирский ГАУ, Уфа, Россия

Топинамбур - многолетнее крупнотрявянное растение, каждый год возобновляется за счет зимующих в почве клубней. Клубни хорошо переносят условия перезимовки, рано весной прорастают, образуя куст и обеспечивают ежегодное возобновление плантаций в течение ряда лет.

Топинамбур имеет гексоплоидный набор хромосом, 2п = 102, представляет собой гетерозисный тип и в культуре дает большую биомассу.

По строению надземных органов, он очень сходен с подсолнечником. Корневая система топинамбура по общему объему корней в 1,5 - 3,5 раза больше, чем у картофеля, а по рабочей поверхности - в 6,5-8,5 раз. Возделывание возможно в монокультуре. Урожай надземной массы и клубней получают при надлежащей агротехнике на внесовооборотных плантациях в течений более 15 лет, а в севообороте -2-4 года. Однако гарантировано высокие урожай можно достичь при однолетним возделывании (подзимнем или ранневесенней посадки). Практикой подтверждено, что топинамбур дает урожай в любом даже неблагоприятным по климатическим условия год, чем заслужил репутацию страхующей культуры [1,2,34].

Одно из важных особенностей топинамбура является сбалансированность его по микро и макроэлементарному составу (железа, цинк, магний, калий, марганец, фосфор, кальций). По содержанию железа, кремния и цинка он превосходит картофель, морковь и свеклу. Специфичность топинамбура так же характеризуется высоким содержанием белка в его клубнях (до 3,2%), который представлен 18 аминокислотами. Зеленая масса и клубни топинамбура содержит целый комплекс витаминов (каротин, аскорбиновая кислота, рибофлавин, никотиновая кислота и др.).

Топинамбур отличается высокой экологической пластичностью, что позволяет выращивать его в самых различных почвенно-климатических зонах, характеризуется устойчивостью как к высоким, так и низким температурам.

Известно, что являясь биомелиорантом, топинамбур способствует окультуриванию почвы, одновременно предохраняет её от ветровой и водной эрозии, подъёма грунтовых вод и засоления при рекультивации почв, выведенных из сельскохозяйственного использования.

Целью нашей работы является, на основании обобщения и систематизации литературных данных и собственных исследований, показать значимость и перспективность введения в культуру и многоцелевого использования культуры топинамбура.

Анализ литературных источников по топинамбуру свидетельствует, что в мировой практике интерес к нему в разные периоды то возрастал, то затухал, что характеризует активность использования, изучения и пропаганды потенциальных свойств этой культуры и высокой урожайностью надземной массы и клубней.

В первой половине 20-го столетия, изучение этой культуры с целью ее практического использования, определялись главным образом кормовой ценностью надземной массы и клубней. В последние годы интерес к топинамбуру во многих странах мира, в Российской Федерации, а также в республике Узбекистан, постоянно возрастает. Этот интерес у производственников и ученых вызван тем, что к настоящему времени во многих странах уже разработаны технологии производства из надземной массы и клубней топинамбура фитопрепаратов, биокорректоров, продуктов функционального и диетического питания, биоэтанола и др. В целом сырьѐ топинамбура может быть использовано для производства целлюлозы и бумаги, более 400 видов сырья и биологически активных веществ. Большинство из них импорто-заменяющие вещества, в том числе инулин, спирт этанол, бутанол, фруктоза, глюкоза и другие [9].

В мире существует более трехсот сортов и гибридов топинамбура. Значительная часть из них представлена в научных коллекциях Всероссийского института растениеводства им. Вавилова (ВИР), ФИЦ картофеля им. А.Г. Лорха, КФХ «Научно-производственный центр по семеноводству и переработке топинамбура Северо-Западного региона России», ООО «Вива» и у других исследователей и производителей. Наиболее перспективными являются: Пасько, Солнечный, Новость ВИРа, Интерес, Скороспелка, Сиреники, Омский, Десертный, Анастас и др. Из импортных сортов ученые выделяет Виолет де Ренс и Шпиндель [5].

В Узбекском НИИ растениеводства (ранее Среднеазиатский филиал ВНИИР им. Н.И. Вавилова) велась длительная селекционная работа с коллекционным материалом топинамбура. В Узбекистане в 2006 году впервые был районирован сорт топинамбура «Файз-Барака», а также сорт «Мужиза», районированный в 2011 г. Эти сорта были изучены в условиях выращивания в долине, в равнинной и предгорной зонах Узбекистана. Сорта топинамбура “Файз барака” и “Мужиза” адаптированы к местным природно-климатическим условиям Узбекистана, они прошли успешную апробацию в 5 различных природно-климатических условиях, получен высокий урожай на среднезасоленных и маловодных землях, включая Республику Каракалпакистан, Навоийскую и Сырдарьинскую области. В разных экологических

условиях Узбекистана средняя урожайность сорта «Файз-барака» составила 298 ± 13,7 ц/га, у сорта «Муъжиза» – 308 ± 14,2 ц/га [6,7,8].

Учеными и специалистами - инноваторами Ташкентского государственного экономического университета, Ташкентского государственного аграрного университета, Ташкентского химико-технологического института, Ташкентского технического университета, Научно-исследовательского института растениеводства, Министерство сельского и водного хозяйства, Института микробиологии Академии наук Республики Узбекистан и Ташкентского Медицинского фармацевтического института проведена успешная работа по созданию новых инновационных продуктов и безотходных технологий из местных сортов топинамбура “Файз барака” и “Мужиза”. На основе корпоративного инновационного сотрудничества произведено много новой продукции из ценных активных веществ топинамбура для целлюлозо-бумажной, пищевой, фармацевтической, нефтегазовой отрасли экономики Узбекистана. Произведенная продукция является импорто-заменяющей и экспорто-ориентированной. Спрос на сырьевые ресурсы из топинамбура в республике Узбекистан постоянно растет. [9,10].

Таким образом, увеличение посевных площадей под топинамбуром позволит усилить кормовые базы в животноводстве, использовать надземную массу и клубни для переработки в целлюлозо-бумажной, пищевой, фармацевтической индустрии.

Список использованной литературы

1.Даутова Э.Р., Кутлова Н.Н. Кормовые достоинства и хозяйственно-производственная ценность топинамбура В сборнике: Сохранение плодородия почв и энергосберегающие технологии производства продукции растениеводства. материалы Всероссийской научно-практической конференции. 2016. С. 29-32.

2.Даутова Э.Р., Валитов А.В., Ахияров Б.Г. Топинсолнечник – ценная нетрадиционная кормовая культура в кормопроизводстве Республики Башкортостан . В сборнике: Состояние, проблемы и перспективы развития аграрной науки на современном этапе. Материалы Всероссийской научно-практической конференции с международным участием. Чебоксары, 2020. С. 255-260.

3.Даутова Э.Р. Кормовые культуры зеленого конвейера. В сборнике: Устойчивое развитие территорий: теория и практика. Материалы Международной научно-практической конференции. Сибай, 2020. С. 114-116.

4.Даутова Э.Р. Особенности формирования урожая топинсолнечника. В сборнике: Актуальные проблемы земледелия на современном этапе развития сельского хозяйсва. Материалы Международной научно-практической конференции, посвященной 50-летию кафедры общего земледелия. 2004. С. 196-197.

5.Топинамбур. Плюсы и минусы культуры. – Режим доступа: https://potatosystem.ru/topinambur-plyusy-i-minusy-kultury/. – 23.03.2023

6. Абдукаримов Д.Т., Остонақулов Т.Э., Элмуродов А.А., Комилова М. Зарафшон водийси шароитида топинамбур навларидан юқори ва сифатли ҳосил олиш бўйича тавсиялар. Самарқанд. 2005.- 25 б.

7. Аманова М., Мавлянова Р., Рустамов А. Топинамбур экини уруғчилиги бўйича тавсиянома. Т: «Фан». 2011. - 24 б.

8. Амонова М.Э., Ахмедов Т., Хасанов Х. Андижон вилояти ўтлоқ-ботқоқ тупроқларида Файз барака навларини мақбул экиш муддатлари. // Ўзбекистонда яратилган топинамбур индустриясининг салоҳияти: корпоратив инновацион ҳамкорлик натижалари ва истиқболлари.- Респ. илмий-амалий конф. Тошкент. 2013. - Б. 66-71.

9.Ходиев Б.Ю., Касимов М.С. Производство конкурентоспособной продукции на основе безотходной технологии из топинамбура в Республике Узбекистан // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 4, май, 2012.

10. Safarov A.K., Kurbaniyazova G.T. HELIANTHUS TUBEROSUS L. - PERSPECTIVE CULTURE IN UZBEKISTAN Проблемы современной науки и образования. 2017. № 27 (109). С. 12-14.

МИС БОЙИТИШ ФАБРИКАСИ ТАШЛАНДИҚ ЧИҚИНДИЛАРИНИ КОМПЛЕКС ҚАЙТА ИШЛАШ.

[1]Абдурахмонов С.А., [2]Масидиқов Э.М.,[3]Сайфуллаева Д.А.
[1]Тошкент давлат техника университети Олмалиқ филиали, т.ф.д., проф;
[2]Тошкент давлат техника университети Олмалиқ филиали, докторанти;
[3]Тошкент давлат техника университети Олмалиқ филиали, магистранти;

Аннотация:

Мис бойитиш фабрикаси ташландиқ чиқиндилари таркибидан қимматли компонентларни комплекс ажратиб олиш учун дастлаб кремний тўрт оксидини ва темир оксидларини ажратиб олиш зарур.

Ушбу мақолада мис бойитиш фабрикаси ташландиқ чиқиндиларидан кремний оксидини фторид амоний реагенти билан сублимациялаш орқали ажратиш натижалари келтирилган.

Таянч иборалар: Ташландиқ чиқиндилар, флотация усулда бойитиш, кремнийсизлантириш, қимматли металлар, регенерация, сублиматсия, аммоний фторид.

Аннотация:

Для комплексного извлечения ценных компонентов из отходов медеобогатительной фабрики необходимо предварительно извлечь диоксид кремния и оксиды железа. В данной работе представлены результаты выделения кремнезема из отходов медеобогатительного производства возгонкой с реагентом фторидом аммония.

Ключевые слова: отходы, флотационное обогащение, обескремнивание, драгоценные металлы, регенерация, сублимация, фторид аммония.

Annotation:

For the complex extraction of valuable components from the waste of a copper processing plant, it is necessary to first extract silicon dioxide and iron oxides. This paper presents the results of the isolation of silica from the waste of copper processing by sublimation with ammonium fluoride as a reagent.

Key words: waste, flotation enrichment, desiliconization, precious metals, regeneration, sublimation, ammonium fluoride.

Бугунги кунда жаҳонда минерал хом ашёларни ва полиметаллик рудаларни қайта ишлашнинг эффектив усулларини ишлаб чиқиш, уларнинг таркибидаги фойдали минералларни тўлиқ ажратиб олиш, ноёб ва нодир металларни ишлаб чиқариш қувватини ошириш, кам чиқиндили ва чиқиндисиз технологияларни яратиш, кон металлургия саноатининг барча турдаги техноген чиқиндиларини (кончилик саноати, бойитиш фабрикалари чиқиндилари, гидрометаллургик ва пирометаллургик жараёнларнинг суюқ ва қаттиқ чиқиндилари) ишлаб чиқаришга жалб этиш, фойдаланилаётган реагентларни жараёнга қайтарган ҳолда мураккаб таркибли силикатли бирикмаларни алоҳида оксидларга ажратиш ва бунинг натижасида техноген чиқиндилар таркибидан фойдали компонентларни ажратиб олишни таъминлаш мазкур соҳанинг долзарб масалаларидан ҳисобланади.

Рудалардан фойдали компонентларни ажратиб олиш технологияси қайта ишланаётган руданинг кимёвий хусусиятидан келиб чиққан ҳолда танланади хусусан

Мис рудалари асосан флотация усулида бойитилади. Бойитмани чиқиши 3-4 фоизни ташкил қилади.

Қазиб олинган руданинг 96-97 % чиқинди (хвост) хисобланиб чиқинди сақлаш (хвостохронилиши) жойларига юборилади.

Ушбу чиқиндиларни сақлаш катта моддий харажатлар билан боғлиқ шу билан бирга атроф мухитга маълум даражада зарар етказиб келмоқда.

Жумладан, Олмалиқ кон-металлургия комбинати акционерлик жамиятига (ОКМК АЖ) қарашли фабриканинг мис-молибден рудаларининг кўп йиллик флотацион бойитиш жараёнида иккита чиқиндиҳонада 1321,5 милион тоннага яқин чиқиндилар тўпланиб қолган. [1]

1. сонли чиқиндиҳонада 546,2 млн. тонна,
2. сонли чиқиндиҳонада эса 775,3 млн. Тонна чиқиндилар мавжуд.

1. сонли чиқиндиҳонага йилига 6,7 млн. Тонна, 2- сонли чиқиндиҳонага эса йилига 27,8 млн. Тонна чиқинди ташлаш давом этмоқда. [2]

Бундан ташқари, ёшлик - 1, ёшлик – 2 конлари тўлиқ қувват билан ишга туширилса чиқиндиларни йиллик миқдори икки баробарга кўпайиши кутилмоқда. Чиқиндиларни асосий қисмини (80-85%) кремнезём, глинезем, темир ва темир оксидлари ташкил қилади (SiO_2 - 65 – 67 % , Al_2O_3 – 11 - 12 %, Fe, Fe_2O_3, FeO – 12 – 13 %). Қимматли металлар Cu – 0,11 – 0,12 %, Au – 0,3 – 0,6 г/т, Ag – 2 – 3 г/т миқдорда эканлиги аниқланган.

1-жадвал

ОКМК АЖ Мис бойитиш фабрикаси чиқиндихоналари намунасининг тўлиқ кимёвий таҳлил натижалари

Оксидлар ва элементлар	таркиби, %	Оксидлар ва элементлар	таркиби, %
SiO_2	67,31	SO_3	0,41
Feобщ.	12,69	CO_2	0,90
Fe_2O_3	8,83	P_2O_5	0,17
FeO	3,23	$\pm H_2O$	0,49
TiO_2	0,36	Cu	0,11
MnO	0,08	Pb	0,018
$A1_2O_3$	11,57	Zn	0,026
CaO	1,30	As	0,0028
MgO	1,97	Sb	-
K_2O	4,27	Mo	0,0030
Na_2O	0,44	Au, г/т	0,6
$S_{общ.}$	2,56	Ag, г/т	3,0
$S_{сульфид}$	2,36	бошқалар	4,34

Қимматли металларни чиқиндиҳонадаги умумий миқдорлари 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

1961 – 2022 йиллар мобайнида тўпланган чиқиндилар таркибидаги металлар миқдори

№ Чиқинди-хоналар	Тўпланган чиқиндилар миқдори, минг. т	Мис		Олтин		Кумуш	
		%	минг. т	г/т	т	г/т	т
1	546200,0	0,11	60082,0	0,6	327,72	3,0	1638,6
2	775300,0	0,11	85283,0	0,6	465,18	3,0	2325,9
Умумий	1321500,0	0,11	145365,0	0,6	792,9	3,0	3964,5

2-жадвалдан кўриниб турибдики чиқиндиларни қайта ишлашни рационал технологияси яратилса мис, олтин, кумуш ишлаб чиқариш учун ҳом ашё базаси ортади.

Мис бойитиш фабрикаси чиқиндиларининг қайта ишлаш технологиясини яратиш бўйича проф. Қ. Санақулов ўзининг ходимлари билан бирга жуда катта хажмда илмий тадқиқот ишлари олиб борганлар. Улар томондан чиқиндиларнинг чиқиндиҳонада жойлашиши, гранулометрик, минералогик ва кимёвий таркиблари чуқур ўрганилган.

Мис, олтин ва кумушни ажратиб олиш учун маълум усуллар (гравитацион, флотацион бойитиш, танлаб эритиш) билан тажрибалар ўтказишган.

Тажриба натижаларига асосан техник – иқтисодий хисоблар бажариб, хозирги вақтдаги маълум усуллар иқтисодий самара бермайди деган хулосага келганлар, ва уюмда – бактериялар иштирокида танлаб эритиш усули билан мис, олтин, кумушни эритишга ўтказиш устида кенг миқиёсда тадқиқот ишларини олиб борганлар ва маълум даражада ижобий натижага эришганлар [3].

Проф. Абдурахмонов С., фалсафа фанлари доктори Р. Алимовлар чиқиндилардан мисни флотация усули билан ажратиб олиш учун янги, маҳаллий, ёнувчи сланецлардан ажратиб олинган смолани қўллаб, тажрибалар ўтказганлар. Мисни бойитмага ўтиш даражаси 80 – 85% ни ташкил қилган [4].

Юқорида келтирилган илмий – тадқиқот ишлари чиқиндилардан фақат мис, олтин, кумушни ажратиб олишга қаратилган бўлиб, фойдали қазилмалардан комплекс фойдаланиш масаласи этибордан четда қолган.

Чиқиндилар таркибининг асосий қисмини алюминий ва кремний оксидлари шу билан биргаликда Fe ва унинг оксидлари ташкил қилади ва қуйидагича таснифланади: 67,31% SiO_2 ,11,57% $A1_2O_3$ ва 12% Fe [5].

Чиқиндилар таркибидаги алюминий, кремний, темир ва унинг оксидларининг умумий заҳираси баҳоланди ва 3-жадвалга киритилди.

3-жадвал

Чиқиндилар таркибидаги алюминий, кремний, темир ва унинг оксидларининг умумий заҳираси

Чиқинди-хоналар	**Тўпланган чиқиндилар миқдори, минг. т**	**SiO_2**		**Al_2O_3**		**Fe**	
		%	минг. т	%	минг. т	%	минг. т
1	546200,0	67,31	367647,0	12,2	68564,0	12	65544,0
2	775300,0	67,31	521776,9	11,57	89702,21	13	100789,0
Умумий	1321500,0	67,31	889423,9	11,8	158266,21	12,6	166333,0

Академик Е.А. Ферсманни фикрича “Қазиб олинган массани бир грами ҳам йўқолмаса, бир грами ҳам ташлаб юборилмаса, ҳеч нарса ҳавога учиб кетмаса ва сувда оқиб кетмаса ўша ерда ишлаб чиқариш тўғри йўлга қўйилган”, яъни ўша ерда фойдали қазилмадан комплекс фойдаланилмоқда деса бўлади шу нуқтаи назардан қараганда мис бойитиш фабрикаси чиқиндиларидан темир ва темир оксидларини ажратиб олиб цемент ишлаб чиқаришга, алюминий оксидини ажратиб олиб алюминий ишлаб чиқаришга, кремний оксидини аморф ҳолда ажратиб олиб шиша ва шиналар ишлаб чиқаришга, сўнгра мис, олтин, кумушни ажратиб олинса, қолдиқни (~10 %) эса минерал ўғит сифатида ишлатилса, ўшанда чиқиндилардан тўлиқ фойдаланилди деса бўлади [6].

Ушбу мақолада мис бойитиш фабрикаси ташландиқ чиқиндиларидан кремний тўрт оксидини фторид амоний реагенти билан сублимациялаш орқали ажратиш натижалари келтирилган.

Мис бойитиш фабрикаси ташландиқ чиқиндилари таркибидан қимматли металларни ажратиб олиш учун дастлаб кремний тўрт оксидини ва темир оксидларини ажратиб олиш зарур. Шу мақсадда МБФ чиқиндиларини

галогеноаммонийли тузлар (NH_4F ёки NH_4F*HF) ёрдамида кремнийсизлантириш технологик схемаси ишлаб чиқилди:

$$SiO_2 + 6NH_4F = (NH_4)_2SiF_6 + 4NH_3 + 2H_2O. \quad (1)$$

Кимёвий реакция натижасида ҳосил бўладиган гексафторсиликат аммоний тузи технологик нуқтаи назардан физик-кимёвий хусусиятларига кўра жуда қулай.

Нормал шароитда қаттиқ жисм, 320°С да эса сублимацияланади ва газ фазасига ўтади.

Кремнмнийсизлатирувчи реагент сифатида фторид аммонийдан фойдаланишнинг афзаллиги, уни регенерация қилиш мумкинлигидир.

70°С да гексафторсиликат аммонийнинг аммиакли сувда эриши 370 г/л га етади.

Аммиак билан таъсирлашиши натижасида (2) реакцияга мувофиқ гидролизланади ва кремний тўрт оксиди ҳолида чўкмага тушади:

$$(NH_4)_2SiF_6+4NH_4OH = SiO_2+6NH_4F+2H_2O. \quad (2)$$

Аммоний фторидни қайта тикланиши кремнийсизлантириш жараёнини узлуксизлигини ва чиқиндилар таркибидаги кварцни ташкил этувчиларни майда дисперсс ҳолидаги кремний тўрт оксидининг «оқ кукун» навини олиш имкониятини беради [7].

Кремний тўрт оксидини филтрлаб ажратиб олгандан сўнг аммоний фторид эритмаси қолади, қайсики буғлатилгандан сўнг техноген чиқиндиларнинг янги партиясини кремнийсизлантиришга юборилади.

1-расмда техноген чиқиндиларни фторид аммоний ёрдамида кремнийсизлантириш схемаси келтирилган.



1-расм. Мис бойитиш фабрикаси ташландиқ (хвост) чиқиндисини кремнийсизлантириш схемаси

Шундай қилиб, техноген чиқиндиларини турли ҳароратларда фторланиш жараёнини ўрганиш натижасида, кремний тўрт оксиди ҳосил бўлиши даражаси аниқланди.

Кварцли хом ашёларни аммоний фторид билан қайта ишлашниг 450℃ гача бўлган паст ҳароратли жараёни қўлланилди.

Техноген чиқиндиларни 60 мин давомида 350℃ гача кўтарилганда, 30 мин. давомида 400℃гача кўтарилганда, 15 мин давомида 450℃гача кўтарилганда 70, 90 ва 100% тегишлича аммоний гексафторсиликат газ фазасига ўтиши аниқланди.

Ушбу усулнинг илмий янгилиги, дастлабки маҳсулот таркибидаги кремний тўрт оксиди билан аммоний фторид таъсирлашуви натижасида ҳосил бўлган АГФС ни 15% ли аммиакнинг сувдаги эритмаси билан ишлов бериш натижасида ҳосил бўлган чўкма фильтрлаб, ювилди, қуритилди ва 800^0C да қиздириш, натижасида 99,9% софлик даражасидаги кремний тўрт оксиди олинди.

МБФ техноген чиқиндиларини қайта ишлаш мақсадида ишлаб чиқилган технологиянинг герметик тарзда паст хароратда олиб борилиши экологик хавфсизлиги, энергия тежамкорлиги, қўшимча равишда фойдали компонентларни ажратиб олишнинг иқтисодий самарадорлигидан ташқари оддийлиги ва фторловчи реагентларнинг тўлиқ қайта тикланилишидир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Р.С. Алимов, О.Т. Хайитов, С.А. Абдурахмонов. Результаты медно – молибденовых руд и отвальных хвостов обогашения с применением новых реагентов – собирателей. Вестник Таш ГТУ 2019 г №2 стр220-227.

2. Алимов Р.С. “Повышение эффективности переработки медно-молибденовых руд и хвостов обогашения АГМК на основе применения новых реагентов – собирателей”. Диссертация на соисканий ученой степени доктора философии (PhD). 2021г

3. К.Санақулов научно – технические основы переработки отходов горно – металлургического производства. Ташкент издательство “Фан”. Академии наук республики Узбекистан. 2009.

4. Абдурахмонов С, Алимов Р, Хайитов О. Применение новых реагентов – собирателей при флотации медно – молибденовых руд. Геология и минеральных ресурсов №5 стр 52-54, Ташкент 2018г.

5. Алимов Р.С., Абдурахмонов С.А., Баранова А.Б. Новых реагенты – собиратели для флотации. Медно – молибденовых руд и лежалных хвостов обогашения. The ISSVE contains: Procecdings of the est International scienttifik and Practical conference. №3 (30) Hamburg, German. 26 – 28. 09.2020. pp. 186-189.

6. Материалы к исследованию и систематике водных магнезиальных силикатов - Петроград: Типография Императорской Академии Н, 1916.- 58 с

7. Самадов А.У. “Особенности Комплексного Подхода Переработки Техногенных Образований Горно-Металлургических Производств” Диссертация на соискание ученой степени доктора технических наук (Doctor of Science) 2017г.

O`ZBEKISTONDA TARIXIY HAMDA MADANIY MEROSLARINING AHAMIYATI

Mamatova Maftuna Artiqbayevna
Abdujabborova Gulzira Qahramonovna
Jizzax Ichki ishlar akademik litseyi
Tarix fani o`qituvchilari

Annotatsiya: Ushbu maqolada O`zbekiston tarixiy hamda madaniy meroslarning xalqaro maydondagi o`rni, turistik faoliyatga ta`siri, bu borada qabul qilinayotgan hukumat qarorlari muhokama etiladi.

Kalit so‘zlar: obida, meros, qadamjo, qonun, farmon, turizm.

KIRISH

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018 yil 28 noyabrdagi PQ– 4038-son “O‘zbekiston Respublikasida milliy madaniyatni yanada rivojlantirish konsepsiyasini tasdiqlash to‘g‘risida”gi va 2018 yil 19 dekabrdagi PQ–4068-son “Moddiy madaniy meros ob’ektlarini muhofaza qilish sohasidagi faoliyatni tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Qarorlari, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018 yil 10 sentabrdagi F–5361-son “Alohida muhim ijtimoiy, madaniy va tarixiy ahamiyatga ega bo‘lgan ob’ektlarni qurish, restavratsiya, rekonstruksiya qilishva mukammal ta’mirlash bo‘yicha qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi farmoyishi hamda O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2014 yil 21 iyuldagi VMQ–200-son “Moddiy madaniy va arxeologiya merosi ob’ektlarini muhofaza qilish va ulardan foydalanishni yanada takomillashtirish yuzasidan qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi qarori va boshqa ko‘plab huquqiy hujjatlar respublikadagi tarixiy-madaniy meros ob’ektlarini yanada chuqurroq tadqiq etishni taqozo qiladi [1.].

ADABIYOTLAR SHARHI

Maqola umum qabul qilingan tarixiy metodlar – tarixiylik tamoyili, qiyosiy tahlil, tizimlashtirish, tasniflash, muammoviy-xronologik, xolislik tamoyillari asosida yoritilgan.

O‘zbekistonda tarixiy-me’moriy inshootlar, madaniy meros ob’ektlarini tadqiq etish chor Rossiyasi mustamlakachiligi davriga borib taqaladi. Sovet mustabid tuzumi davrida ham mazkur muammo bo‘yicha ko‘plab tadqiqot ishlari olib borilgan. Jumladan, Y.R.Raxmatullaev, I.M.Azimov, R.Seitovalarning dissertatsiyalarida O‘zbekistonda tarixiy-madaniy yodgorliklarni o‘rganish, saqlash bilan bog‘liq ayrim muammolar tadqiq etilgan. O‘zbekiston mustaqillikni qo‘lga kiritgandan so‘ng, tarixiy-madaniy yodgorliklarni muhofaza qilish muammolari bo‘yicha A.Haqqulov, P.Sh.Zohidov, M.Q.Ahmedovlar [2]ning asarlari yaratildi. Shu bilan birga, M.A.Mirzaev, X.S.Islomxo‘jaev, A.R.Abriev, M.F.Rasulovlar[3]ning ilmiy- tadqiqotlari ham respublikamizdagi tarixiy-madaniy yodgorliklar muammolariga bag‘ishlangan.

TADQIQOT METODOLOGIYASI VA EMPIRIK TAHLIL

O‘zbekiston insoniyat tarixining beshiklaridan biri hisoblanadi. Mamlakat Teshiktosh, Selungur, Obirahmat, Afrosiyob, Varaxsha kabi insoniyatning eng qadimgi manzilgohlari; Kushon, Qadimgi Xorazm, Baktriya, So‘g‘d, Qang‘ kabi ko‘hna davlatchilik an’analari mavjud bo‘lgan hudud hisoblanadi. Tarixdan ma’lumki, bu hududda aniq (ayniqsa, matematika va astronomiya), tabiiy (geografiya, biologiya, kimyo, tibbiyot, dorishunoslik vaboshqalar), ijtimoiy-gumanitar (falsafa, siyosatshunoslik, psixologiya, pedagogika, axloqshunoslik va boshqalar), islom ta’limoti (fiqhshunoslik, hadisshunoslik, kalom ilmi, tasavvuf) kabi fan sohalarida ulkan yutuqlarga erishgan va dunyo sivilizatsiyasi rivojiga katta hissa qo‘shgan talay olimlar yashagan.

Xalifa Usmon topshirig‘iga binoan kiyik terisiga bitilgan muqaddas Qur’on kitobi (“Usmon mus’hafi”); yurtimizda tug‘ilib o‘sgan allomalarning ilm-fan sohasidagi erishgan yutuqlari; Jaloliddin Manguberdi, AmirTemur, Bobur Mirzo kabi ajdodlarimiz faoliyati dunyo ahlini lol qoldirib kelmoqda. O‘zbekiston mustaqillikka erishgandan keyin, har bir viloyatda o‘ziga xos sayyohlik brendi yaratildi.

Mustaqillik yillarida respublikada turizm sohasini rivojlantirish uchun barcha kerakli huquqiy-me’yoriy hujjatlar [3] ishlab chiqildi va mazkur jarayon uzluksiz davom etmoqda.

Respublikada xalqaro turizm rivojlangan mamlakatlar tajribasiga tayanib, o‘zining milliy modeliga asoslangan turizmni shakllantirish uchun harakat qilinmoqda. Bu model ichki imkoniyatlarga, o‘zbek xalqining mentalitetiga va jahon standartlariga mos keladigan talablarni hisobga olgan holda amalga oshirilishi lozimligi ta’kidlanmoqda.

O‘zbekistonda xalqaro va ichki, ziyorat turizmning rivojlanishiga alohida e’tibor qaratilayotganligi munosabati bilan viloyatlardagi tarixiy ahamiyatga ega bo‘lgan tarixiy-madaniy ob’ektlarga yangi sayyohlik yo‘nalishlari ochilmoqda. Buning uchun viloyatlarda keng imkoniyatlar mavjud. Hozirda mamlakatda 180 dan ortiq xalqaro sayyohlik yo‘nalishlarining 140 tasi aynan tarixiy-madaniy meros ob’ektlari bilan bog‘liqdir [5]. Turizm sohasidagi keyingi islohotlar ko‘plab yangi sayyohlik yo‘nalishlarini ochish uchun keng imkoniyatlar yaratmoqda.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti farmoni [3]ga binoan “O‘zbekturizm” Milliy kompaniyasi, Madaniyat ishlari vazirligi, Fanlar akademiyasi, yodgorliklarni muhofaza qilish respublika jamiyati hamkorlikda Buyuk ipak yo‘lidagi ko‘hna shaharlarda joylashgan me’moriy, arxeologik, tarixiy va madaniy yodgorliklarni qayta tiklash, obodonlashtirish hamda foydalanish bo‘yicha “Meros” dasturi ishlab chiqildi.

Dasturda YuNESKO, Xalqaro turizm tashkiloti va boshqa xalqaro tashkilotlarni O‘zbekistonda turizmni rivojlantirishga jalb etish, sayyohlarga xizmat ko‘rsatishni xalqaro darajaga ko‘tarish, turizm infrastrukturasini har tomonlama rivojlantirish kabi masalalar o‘z aksini topgan.

Ma’lumotlar tahlili shuni ko‘rsatdiki, tarixiy-madaniy yodgorliklardan turizm sohasida foydalanish borasida erishilgan yutuqlar bilan birga, talaygina muammolar ham ko‘zga tashlanadi. Jumladan, sayyohlarni jalb qilishda ayrim viloyatlar ijobiy natijalarga erisha olmayati. Sababi, ko‘plab me’moriy obidalar ilmiy asosda tadqiq etilib, yakuniy xulosaga kelinmagan, ular joylashgan hududlar xaritasi tuzilmagan, sayyohlarni o‘ziga jalb qilishi mumkin bo‘lgan ayrim tarixiy-madaniy yodgorliklarga sayyohlik yo‘nalishlari ochilmagan. Bundan tashqari, tarixiy-madaniy ob’ektlar hududlarida xalqaro me’yorlarga javob beradigan sayyohlik infratuzilmasi yaratilmagan.

XULOSA VA MUNOZARA

Masala yuzasidan quyidagicha xulosalarga kelindi:

- Respublikada xalqaro turizmni rivojlantirish, turizmning asosiy ob'ektlari bo'lgan tarixiy-madaniy yodgorliklarni saqlash, restavratsiya va konservatsiya qilish hamda ulardan foydalanish borasida keng qamrovli islohotlar amalga oshirilmoqda;
- ilmiy-tadqiqotlar natijasida tariximizning yangi-yangi sahifalari o'zbek xalqining ma'naviy, madaniy va ilmiy salohiyatini butun dunyoga namoyish qilmoqda va o'z navbatida, millatimizning jahon sivilizatsiyasida tutgan o'rnini yanada mustahkamlanishiga asos bo'lmoqda;
- Respublikada aziz avliyolar, piru komillar abadiy qo'nim topgan ko'plab ziyoratgohlar hali to'liq o'rganilib, yakuniy ilmiy xulosaga kelingani yo'q. Bu masala tarixchilar uchun keng tadqiqot ob'ekti sifatida dolzarb ahamiyat kasb etadi.

ADABIYOTLAR RO`YXATI

1. Mirziyoev Sh.M. Tinchlik, ma'rifat va bunyodkorlik yo'lida hamkorlik. IHT Tashqi ishlar vazirlari kengashi 43-sessiyasining ochilish marosimida so'zlagan nutqi // https://uz24.uz/politics/

2. Ostonov O. O'zbekistonda turizm qay ahvolda va uni rivojlantirish uchun nimalar qilish kerak. https://kun.uz.

3. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti farmoni. 2016. 2 dekabr. PF-4861-son; "O'zbekiston Respublikasining turizm sohasini jadal rivojlantirishni ta'minlash chora-tadbirlari to'g'risida" 2016 yil 2 dekabrdagi PF-4861-sonli farmonigao'zgartishlar kiritish to'g'risida". 2016. 22 dekabr. PF-4895-son. http://www.lex.uz; "2018-2019 yillarda turizm sohasini rivojlantirish bo'yicha birinchi navbatdagi chora-tadbirlar to'g'risida". O'zbekiston Respublikasi Prezidenti qarori PQ-3217- son. http://www.lex.uz;

4. Muxtorov N. Madaniy meros ob'ektlariga e'tibor yanada kuchayadi // http://parliament.gov.uz. 2018. 24 dekabr.

5. Adiba Hamro qizi. Faxrlanamiz // Obida ("O'zbekiston adabiyoti va san'ati" ilovasi). 2020. 29 sentabr.

ПОВЫШЕНИЕ КАЧЕСТВО ВЫСОКОПРОЧНОГО МЕЛКОЗЕРНИСТОГО БЕТОНА

Норбоев Азизбек Акромжон угли

Магистрант QMBr-21 Ташкентского архитектурно-строительного университета

Аннотация: Повышение физико-технических характеристик бетона достигается вследствие направленного комплексного воздействия разработанного наноимпрегната на формирование микроструктуры цементного камня в зоне контакта с заполнителем за счет дополнительного образования уплотняющих и упрочняющих новообразований, идентичных гидроалюминатам и гидросиликатам кальция, перераспределения пористости цементной матрицы в сторону увеличения количества мезопор диаметром в интервале от 3 до 33 нмпри снижении общего объема пор в 1,5 раза.

Ключевые слова: высокопрочный мелкозернистый бетон, физико-технические характеристики, мультикомпонентный наноимпрегнат, кавитационное суспензирование.

ВВЕДЕНИЕ

Применение высокопрочных мелкозернистых бетонов (МЗБ) класса прочности насжатие В60 и выше соответствует задачам стратегии развития промышленности строительных материалов на период до 2020 года и дальнейшую перспективу до 2030 года по расширению отечественных, энергои ресурсосберегающих технологий и способов повышения качества и долговечности железобетонных изделий и конструкций, в том числе при строительстве быстровозводимых монолитных и сборно-монолитных зданий и сооружений, а также при выполнении аварийных и ремонтно-восстановительных работ.

МАТЕРИАЛЫ И МЕТОДЫ

Обладая однородностью и мелкозернистостью макроструктуры, мелкозернистый бетон, по сравнению с традиционным крупнозернистым бетоном, характеризуется следующими технико-экономическими преимуществами: возможностью создания высококачественной микро- и наноструктуры; повышенной тиксотропией и способностью к эффективной модификации микро- и нанодисперсными добавками; высокой технологичностью (формуемостью, уплотняемостью различными методами: литья, экструзии, прессования, штампования, набрызга и др.); легкой транспортируемостью, в том числе по трубопроводам; возможностью получения новых архитектурно-конструкционных решений (тонкостенные и слоистые конструкции, изделия переменной плотности, гибридные конструкции) и применения местных сырьевых материалов природного и техногенного происхождения; более низкой себестоимостью.

РЕЗУЛЬТАТЫ И ОБСУЖДЕНИЕ

Среди современных эффективных способов модифицирования цементных бетонов, в том числе МЗБ, большой научно-практический интерес представляет импрегнирование (пропитывание) их поровой структуры различными пропитывающими [1] составами (упрочняющими, водоотталкивающими, обеспыливающими, окрашивающими).

В исследованиях применялись следующие методы: рентгенофлуоресцентная спектроскопия на спектрометре ARL 9900 XP, лазерная гранулометрия на анализаторе Analysette 22 NanoTec plus (химический и гранулометрический состав алюмосиликатного компонента наноимпрегната); фотонно-корреляционная спектроскопия, электрофоретическое светорассеяние на анализаторе ZetaPlus с системой 90Plus/Bi-MAS (показатели размерности и агрегативной устойчивости частиц наноимпрегната); электронная микроскопия на растровом микроскопе TESCAN MIRA 3 LMU (морфология частиц алюмосиликатного компонента и наноимпрегната на его основе, микроструктура цементного камня в контактной зоне с заполнителем); азотная порометрия на приборе Sorbi-M (распределение пор по размерам в цементном камне относительно их общего объема) [2].

Алюмосиликатным компонентом служил метакаолин ($Al_2O_3 \cdot 2SiO_2$) – дисперсный материал, содержащий аморфные модификации оксида алюминия и оксида кремния, получаемый после специальной термической обработки и помола каолина, следующего химического состава (% по массе): SiO_2 – 42,83; Al_2O_3 – 50,61; Fe_2O_3 – 1,89; CaO – 0,15; (Na_2O + K_2O) – 0,72; MgO – 0,96; SO_3 – 0,32; Cl – 0,04; прочее – 2,48 [3].

Морозостойкость образцов оценивалась по изменению прочности на сжатие после многократного замораживания и оттаивания ускоренным (вторым) методом (среда насыщения – 5 % водный раствор NaCl; среда и температура замораживания – воздушная, минус (18 ± 2) °С; средаи температура оттаивания – 5 % водный раствор NaCl, (20 ± 2) °С.

Результаты электронной микроскопии показали, что кавитационное суспензирование метакаолина способствует эрозии его микрочастиц и агрегатов вплоть до нанодиапазона, а также расщеплению нанотолщинных гексагональных пластинок, содержащихся в столбчатых конгломератах (рис. 1).



Рис. 1. Морфология частиц метакаолина послекавитационного суспензирования

ЗАКЛЮЧЕНИЕ

В ходе проведения исследований обоснована возможность повышения физико-технических характеристик высокопрочного мелкозернистого бетона для

быстровозводимых зданий и сооружений, аварийных и ремонтно-восстановительных работ за счет введения мультикомпонентного наноимпрегната алюмосиликатного состава в виде агрегативно-устойчивой суспензии с содержанием частиц средним диаметром около 50 нм и дзетапотенциалом минус 67 мВ, разработанного методом кавитационного суспензирования и аппретирования метакаолина пластифицирующеводоредуцирующим и гидрофобизирующим поверхностно-активными веществами.

ЛИТЕРАТУРЫ

1. Дворкин Л.И., Житковский В.В. Высоко- прочные мелкозернистые бетоны с использова- нием гранитных отсевов // Технологии бетонов. 2017. № 5-6 (130131). С. 21–25.

2. Ларсен О.А., Дятлов А.К. Повышение эф-фективности мелкозернистых бетонов добавками поликарбоксилатных пластификаторов для мо- нолитного домостроения // Технологии бетонов. 2013. № 10 (87). С. 14–15.

3. Щепочкина Ю.А., Каракотенко-Любимов А.И. Мелкозернистый бетон с включением до- бавки полиакрилата натрия // Информационная среда вуза. 2017. № 1 (1). С. 416–418.

4. Федосов С.В., Акулова М.В., Слизнева Т.Е. Изучение закономерностей структурообра- зования в цементном камне на механо-магнито- активированной воде с добавкой ПВА // Academia. Архитектура и строительство. 2017. № 2. С. 117–122.

1	**ZULFIYAXONIM IJODIDA KOMILLIK** Abdusattorova Muyassarxon Xayrullo qizi	**4**
2	**O'SMIRLARDA DISMORFOFOBIYA SHAKLLANISHIGA TA'SIR QILUVCHI OMILLAR** Matyakubova Dilnoza Baxtiyorovna	**9**
3	**Texnologiya ta'limida boshlang'ich sinf o'quvchilarini tabiatga munosabatini shakllantirish** Isroilova Osiyo Soxibovna	**16**
4	**San'at turlari, mohiyati va jozibasi.** Tuychiyev Furqat To'ra o'g'li	**21**
5	**ПРОБЛЕМЫ ВНЕДРЕНИЯ УПРАВЛЕНЧЕСКОГО УЧЁТА В ТОРГОВЫХ ОРГАНИЗАЦИЯХ** САИДОВ ХАБИБУЛЛА ШАВКАТ УГЛИ	**25**
6	**KOMIL INSON FALSAFIY GENEZISIDA ABU ALI IBN SINO QARASHLARI TAHLILI.** Azizova Laylo Sadriyevna Xoliqulov Muhammad Qaxor o'g'li	**32**
7	**Бухоро туманлараро иқтисодий суди судьяси Процессуал қонунчиликда даъво аризаси, унинг мазмуни ва ўзига хос жиҳатлари** Махсудова Муниса Зарифовна	**38**
8	**Келишув битимини тузиш билан боғлиқ суд амалиёти** Сафаров Азиз Сулаймонович	**43**
9	**Linguo-Cultural Features of Associative Words in English and Uzbek Languages** Nuriddinova Madina Raim Qizi Bahranova Dilsora Ravshan Qizi	**47**
10	**KOMMUNIKATIV KO'NIKMALARNI BO'LAJAK O'QITUVCHILARDA RIVOJLANTIRISH MODELI** Izbosarova Zuxro Anatoliy qizi	**53**
11	**Ҳуқуқий онг маданиятини юксалтиришда тажриба-синов ишларининг мақсади ва вазифалари** Исмаилов Сарварбек Анварбекович	**57**
12	**PUNKTUATSIYA TADQIQIGA ZAMONAVIY VA ANTROPOTSENTRIK YONDASHUVLAR** To'rayeva Dilbar Meyliyevna	**61**
13	**GRAMMATICAL AND LEXICAL MEANING OF WORDS AND THEIR VARIABILITY IN NATURAL LANGUAGE.** Yusupova Ma'rifat Ochilovna	**66**
14	**КРЕАТИВЛИК ВА КРЕАТИВ ТАФАККУРНИНГ УМУМИЙ МЕТОДОЛОГИК МУАММОЛАРИ** МАННАБОВ Абдухамид Абдимажитович	**70**
15	**PEDAGOGNING KASBIY KOMPETENTLIGI –TA'LIM SIFATINING GAROVI** Maqsuda Norbosheva Yangiboyeva Gavhar	**74**
16	**Ўқувчилар креатив фикрлашларини ўстиришда миллий таълимтарбия тарихидаги акмеологик қарашларнинг ўрни** Хурсанов Рамазон	**77**
17	**ЗНАЧЕНИЕ И ФУНКЦИИ ФИНАНСОВЫХ РЕЗУЛЬТАТОВ.** Шарипов Одил Гуломжонович	**81**
18	**SUNIY NEYRON TARMOQLAR YORDAMIDA EKG TO`LQINLARINI ANIQLASHNI TAHLILI QILISH** Rajabov Farxod Farmanovich O`tkirbekov Abdurahimbek Ravshanbek o`g`li Temirova Xosiyat Farxod qizi	**85**

19	**ТОПИНАМБУР – ПЕРСПЕКТИВНАЯ КУЛЬТУРА МНОГОЦЕЛЕВОГО ИСПОЛЬЗОВАНИЯ В УСЛОВИЯХ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКЕСТАН** Дилшодова Умида Дилшод кизи Даутова Эльмира Рифгатовна	**89**
20	**МИС БОЙИТИШ ФАБРИКАСИ ТАШЛАНДИҚ ЧИҚИНДИЛАРИНИ КОМПЛЕКС ҚАЙТА ИШЛАШ.** Абдурахмонов С.А., Масидиқов Э.М., Сайфуллаева Д.А	**93**
21	**O`ZBEKISTONDA TARIXIY HAMDA MADANIY MEROSLARINING AHAMIYATI** Mamatova Maftuna Artiqbayevna Abdujabborova Gulzira Qahramonovna	**99**
22	**ПОВЫШЕНИЕ КАЧЕСТВО ВЫСОКОПРОЧНОГО МЕЛКОЗЕРНИСТОГО БЕТОНА** Норбоев Азизбек Акромжон угли	**103**